O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 24 август, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 66 (7469)

НАВОИЙ-УЧҚУДУҚ-СУЛТОН УВАЙСТОҒ-НУКУС ТЕМИР ЙЎЛИ БУНЁДКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни бугунги унутилмас воқеа — Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўлида йўловчи поездлар қатнови бошланиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мамлакатимиз ҳаётида беқиёс иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу улкан иншоотнинг мустақиллик байрами арафасида ишга туширилишида ўзига хос рамзий маъно бор.

Иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган темир йўл тизимини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган, лойиҳа қиймати 38,9 миллиард сўмни ташкил этадиган ушбу қурилишнинг айнан истиқлол йилларида амалга оширилгани мустақиллик халқимиз учун берган имкониятларнинг яна бир ёрқин намоёнидир, десак, асло хато бўлмайди.

Бу эса Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, кўплаб янги иш ўринларини очиш, шаҳар ва қишлоқларда йирик саноат корхоналарини бунёд этиш, энг муҳими, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш имконини беради.

Мен оғир табиий шароитга қарамасдан, туну кун фидокорона меҳнат қилиб, мураккаб муҳандислик ва техник ечимларни ўз ичига олган янги магистрал йўлни барпо этишда мардлик ва жасорат кўрсатган лойиҳачи ва инженерларни, қурувчи ва монтажчиларни, темирйўлчиларни, маҳаллий ҳокимият вакилларини, бир сўз билан айтганда, мана шу савобли ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизни қўлга киритилган улкан меҳнат ғалабаси билан яна бир бор муборакбод этаман.

Ишончим комилки, сизларнинг матонатингиз, билим ва маҳоратингиз билан барпо этилаётган мана шундай каттакатта йўллар ўзининг ёруғ келажаги сари интилаётган мамлакатимиз, халқимиз олдида янги истиқбол уфқларини очиши муқаррар.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳамиша омон бўлинг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ДИҚҚАТ! 254-ПОЕЗД ЯНГИ ЙЎНАЛИШ БЎЙЛАБ ЙЎЛГА ЧИҚДИ!

Темир йўл транспорти барча мамлакатлар иқтисодиётининг асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Жўғрофий жиҳатдан денгиз йўлларидан бир қадар узоқда жойлашган Ўзбекистон учун эса у янада катта аҳамиятга эга. Чунки айни шу темир йўллар юртимизни жаҳон иқтисодиёти билан чамбарчас боғлайди. Мамлакатимиз ичкарисида эса янги ерлар, фойдали қазилма конларини комплекс тарзда ўзлаштириш, темир йўл орқали юк ва йўловчиларни ташишда транспорт таъминотини яхшилаш имконини беради.

Шу боис, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ушбу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилда қабул қилган Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўл линиясини таъмирлаш ва қуриш масалалари тўғрисидаги қарор бунинг яна бир яққол далилидир.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ўтган давр мобайнида мавжуд Навоий-Учқудуқ, Нукус-Султон Увайстоғ темир йўл линиялари таъмирланди, Учқудуқ-Мискин-Тўрткўл-Султон Увайстоғ йўналиши бўйича янги темир йўл магистрали қуриб битказилди. Қурилишнинг дастлабки босқичида юк ташувчи поездлар ҳаракатининг очилгани мазкур йўналиш бўйича юк ташиш оборотининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

"ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ" УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дунё миқёсидаги шон-шуҳратини ва обрўсини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни равнақ топтириш йўлидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон "Олтин Юлдуз" медали топширилсин:

Акрамова Дилбар — Ўзбекистон "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси

Зокиров Марат — Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори

Саидов Муродулло — Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Жейнов ширкат хўжалиги раиси

Бобожонов Ислом Олимович — Хоразм вилояти ҳокими



Латипов Азим Шукурович — Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги "Бухоро" ширкат хўжалиги раиси



Шарафиддинов Озод Обидович — "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, адабиётшунос

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиётига бахшида этган бетакрор истеъдодли ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган катта илмий-ижодий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим ва санъаткорлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин:

Ҳабиб Абдуллаев — академик
Содиқ Азимов — академик
Тўхтасин Жалилов — Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор
Убай Орипов — академик
Игорь Савицкий — Ўзбекистон санъат арбоби, рассом
Тошмуҳаммад Саримсоқов — академик
Саъди Сирожиддинов — академик
Обид Содиқов — академик
Ҳамид Сулаймонов — Ўзбекистон фан арбоби, манбашунос олим
Олим Хўжаев — Ўзбекистон халқ артисти, актёр
Собир Юнусов — академик
Тошмуҳаммад Қори Ниёзий — академик (Қориниёзов)
Яҳё Гуломов — академик

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 23 август

Бундан ташқари вилоятдаги 252 та мактабгача таълим муассасаларининг 168 тасида канализация йўқ, 174 боғчага эса марказлашган сув тармоғи уланган эмас. Аёнларнинг шундаки, вилоятда болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш бугунги 24,4 фоизни ташкил этади.

ДИҚҚАТ! 254-ПОЕЗД ЯНГИ ЙЎНАЛИШ БЎЙЛАБ ЙЎЛГА ЧИҚДИ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида янги қурилган Учқудуқ-Мискин-Тўрткўл-Нукус темир йўлида йўловчи поездлари ҳаракати бошланди.

22 август куни янги темир йўл линияси бўйича ҳаракатланадиган "Тошкент-Нукус" йўналишидаги 254-рақамли дастлабки поезд пойтахтимиздан йўлга чиқди.

Шу муносабат билан "Тошкент-Марказий" бекатида тантанали митинг бўлиб ўтди. Тадбирни "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг раиси Р.Зоҳидов очди.

Таъкидланганидек, мазкур янги темир йўлда йўловчи поездлари қатновининг бошланиши нафақат темирйўлчиларимиз, балки бутун мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга молик воқеадир. Зеро, бунинг натижаси ўлароқ, ҳамюртларимиз учун талайгина қулайликлар яратилди. Шу билан бирга у катта миқдордаги валюта маблағини тежаш ва ишлаб топиш имконини беради.

"Тошкент-Нукус" йўловчи поездининг янги темир йўл линияси бўйлаб соатига 80 километргача тезликда ҳаракатланиш имкони пайдо бўлди. Йўлга кетадиган вақт эса қўшни Туркманистон ҳудуди орқали ўтадиган йўналишдагига нисбатан етти соатга қисқарди. Ўнлаб янги станциялар, темир йўл бекатлари барпо этилиши туфайли йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, янги иш ўринлари очилди.

Янги йўналиш бўйича йўлга шайланган дастлабки йўловчи поезднинг рамзий лентасини Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири А.Орипов қирқади.

Дастлабки поезднинг илк йўловчилари меҳнат фахрийлари, йўл қурилишида иштирок этган илғор ишчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткор ва журналистлар бўлди.

Карнай-сурнай садолари остида йўлга чиққан "Тошкент-Нукус" поездини вокзалда мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари кузатиб қолди.

Тадбирда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА)

ЯНГИ ФИКР АЙТИШ ИМКОНИ

Муаллимларнинг тадбири, йиғини кўп. Лекин янги ўқув йили олдидан мана шундай машварату мулоқотларнинг асосийси — анъанавий август кенгашлари ҳисобланади. Бундай йиғинларда ҳар бир иштирокчи янги фикр-таълим-тарбия самарадорлигини технологияларни ишга татбиқ этиш борасидаги мулоҳаза ва таклифларини айтишга интилади.

Андижонлик халқ таълими ходимларининг август кенгашларида худди ана шу жиҳат кўзга ташланди. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мазкур йиғин халқ таълими ходимлари учун янги фикр айтиш имконини яратди. Яқинда вилоят ўқувчилар саройи айнан илм аҳли қувваи ҳофизаси ила яратилган ажойиб кўргазмалар билан безанди. Анъанавий август кенгаши олдидан меҳмонлар ўз ҳамкасблари ақл-идроки ва билим зиёси ҳосиласи сифатида бунёд этилган ихтиролар, кичик кашфиётлар, изланиш сўқмоқлари ҳақида сўзловчи ахборотлар таъсирида ҳис-ҳаяжонга тушдилар, завқшавққа тўлдилар.

— Бу ерга йигирмадан зиёд қўлланма, кўргазмали воситалар қўйганмиз, — дейди Жалолқудуқ тумани халқ таълими бўлими услубий кабинет мудираси Анорхон Соттибоева, — қаранг, мана бу фавворани 25-мактаб физиклари, "Муъжизалар майдони"ни 15-мактаб ўқувчилари, "Кутарма кран"ни 8-мактаб болалари ўз қўллари билан бунёд этишган.

Хўжаободликлар "2002 йил ўқитувчиси", 17-мактабнинг математика муаллимаси Муҳаррамхон Абдуллаева иш тажрибасини ёритишга эътиборни қаратишган. Шунингдек, тумандаги 18-мактаб, 21-гимназия фаолияти ҳам кўргазмаларда ўз аксини топган.

Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ўқувчи ёшлар техник ижодиёти маркази, ёш табиатшунослар маркази томонидан тайёрланган кўргазмалар ҳам фарзандларимизнинг иқтидорини кўз-кўз қилиб турибди.

Асосийси, ўқитувчиларнинг бу йилги август кенгашларида Мустақиллик байрами руҳи сезилиб турди. Кенгашга халқ таълими соҳасининг фидойилари, фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, илғор педагоглар таклиф қилинди. Анжуманни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ў.Охунов олиб борди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Содиқов барчани Мустақиллик байрами ҳамда яқинлашиб келаётган янги ўқув йили билан табриклаб, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" иккинчи босқичида белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш бўйича вилоят халқ таълими ходимлари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида" маъруза қилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ў.Охуновнинг "Вилоят халқ таълими тизимида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичи дастлабки ўқув йилида белгиланган вазифаларининг бажарилиши ва унинг истиқболлари" мавзусидаги маърузасидан кейин музокаралар бошланиб кетди. Унда ўзаро тажрибалар билан ўртоқлашилиб, таклифлар билдирилди.

Халқ таълими соҳасида фидойилар кўп. Кенгаш ниҳоясига ана шундай илғор, жонкуяр ўқитувчилар вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

О.СИДДИҚОВ

МУНОЗАРАЛАРДА ХАЛҚАРО ТРЕНЕРЛАР ИШТИРОК ЭТИШДИ

Ҳар ўқув йили аввалида ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари бўлиб ўтади. Унда ўтган ўқув йилидаги ишлар сарҳисоб қилиниб, келажакда бажариладиган вазифалар белгилаб олинади. Куни кеча Чилонзор тумани халқ таълими ходимлари ҳам ана шундай машваратга йиғилдилар.

Кенгашни Чилонзор тумани ҳокими Ҳусниддин Маҳкамов кириш сўзи билан очиб, туманда илм равнақи йўлида қилинаётган эзгу ишларга атрофлича тўхталди. Келажакда ҳокимлик томонидан халқ таълими соҳасига эътибор янада кучайтирилишини айтди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳокимдан тортиб оддий ходимгача, хуллас, барча-барча учун ўзига хос дастур вазифасини ўташи керак.

Очиғи, бу ҳақиқатни яхши англаган туман халқ таълими ходимлари ҳам ўтган ўқув йилида самарали меҳнат қилдилар. Чилонзор тумани халқ таълими бўлими мудири Малик Абдалимов "Туман халқ таълими тизими муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш" мавзусидаги маърузасида бу жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтди. Чунончи, бу ҳудудда ўқитувчи ижодкорлигига, иқтидорли болалар, ихтисослашган мактаблар билан ишлашга, фан олимпиадаларини ўтказишга катта аҳамият берилмоқда. Муаллимлар эса машғулотларда "Мунозара", "Баҳс", "Саёҳат", "Муаммоли ўқитиш", "Ақлий ҳужум", "Мулоқот" каби ўнлаб дарс ўтиш усулларидан фойдаланаётирлар. Бу усуллар ўқувчиларда ишчанлик ва тиришқоқлик туйғуларини уйғотиб, улар ўртасида рақобат туғдирмоқда. Шу боисдан ўтган йили Чилонзор тумани мактаблари битирувчилари олий ўқув юртларига кириш бўйича шаҳарда 3-ўринни эгалладилар.

Янаям қувонарлиси, шу йилнинг баҳорида ўтказилган "Умид ниҳоллари" республика спорт мусобақаларида ушбу туман ўқувчилари 26 та олтин медал олишиб, Тошкент шаҳри жамоасининг 1-ўринни эгаллашига муносиб ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, тумандаги 114-, 131-,178-,195-,201-,281-мактабларда олиб борилаётган касбий-психологик ташхис ва касбга йўналтириш ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Гап шундаки, мазкур ўқув йилида 4053 нафар ўғил-қиз 9-синфни битирди. Йил давомида ўқувчилар билан уларнинг қизиқишлари, лаёқатлари, физиологик ҳамда психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида касбий-психологик ташхис ишлари олиб борилди ва мактабларда тузилган комиссиялар томонидан ҳар бир битирувчига тавсияномалар берилди.

Албатта, туманда ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, 101-,168,-202-,217-мактабларда касбга йўналтириш ва психологик хизмат кўрсатишни яхшилаш, ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ўтказиш, мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини жонлантириш, 103-,178-,200-мактабларда жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш, айрим илм масканларида ўқувчилар давоматини яхшилаш, француз тили, физика, биология, кимё, география фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш, баъзи ҳудудларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳам янги ўқув йилида тўлиқ ечилиши зарур бўган вазифалардир.

Янги ўқув йилидаги туман маорифчилари вазифалари хусусида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ислом Зокиров ҳам сўзга чиқди.

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари ялпи йиғилишидан сўнг бу каби масалалар СОРОС йўналиши бўйича халқаро тренер сертификатини олган устозлар бошчилигидаги шўъба йиғилишларида таҳлил қилинди. Эътиборлиси, шўъба йиғилишлари баҳс-мунозараларида ёш мутахассислар ҳам фаол иштирок этишди ва таълим ривожига ҳисса қўшишга ваъда беришиб, қасамёд қилдилар.

Шу куни нафақадаги 40 нафар муаллимга алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Шунингдек, бир гуруҳ таълим фидойилари ҳам хизматларига яраша тақдирландилар.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

OQSAROYDA QABULLAR

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 23 avgust kuni Oqsaroyda AQSH Qurolli kuchlari Markaziy qo'mondonligi bosh qo'mondoni Tommi Frenksni qabul qildi.

Uchrashuvda Afg'onistondagi vaziyat, xalqaro terrorizm va diniy ekstremizga qarshi kurash, ikki mamlakat o'rtasida harbiy va harbiy-texnikaviy hamkorlikni yanada mustahkam-lashga doir masalalar muhokama qilindi.

* * *

Shu kuni Prezident Islom Karimov AQSH Kongressi Vakillar palatasi Byudjet bo'yicha qo'mitasi raisining o'rinbosari Piter Xokstra rahbarligidagi bir guruh kongressmenlarni ham qabul qildi.

Muloqot chog'ida O'zbekiston bilan AQSH o'rtasida har tomonlama hamkorlikni yanada ravnaq toptirish, terrorizmga qarshi kurash, birgalikdagi say'-harakatlar bilan Afg'onistondagi tiklanish ishlariga ko'proq yordam ko'rsatish imkoniyatlariga oid hamda tomonlarni qiziqtirgan boshqa masalalar yuzasidan fikr almashildi.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати халқимиз учун энг улуғ ва энг азиз айёмимиз Мустақилликнинг шонли 11 йиллиги муносабати билан яратилган ва эълон қилинган — истиқлолнинг тарихий ва бемисл аҳамияти, ҳаётимиз ва тақдиримизда ясаган беқиёс ўзгаришлари талқин ва тараннум этилган қуйидаги ижодий ишлар муаллифларини "Энг улуғ, энг азиз" мавзуидаги танловнинг ғолиблари ва совриндорлари деб топди.

Танлов ғолиблари:

Василий Жаппаров — *рассом. "Шажара" асари учун (Қорақалпоғистон)*

Зайниддин Мирзаев — *рассом. Ватанга муҳаббат, Она ва бола мавзуларидаги туркум асарлари учун*

Нўъмонжон Муҳаммаджонов — *фотосуратчи ("Халқ сўзи"). Матбуотда эълон қилинган фотосуратлари учун*

Бахтиёр Обидов — *рассом. Ўзбегим навоси", "Ургут келинчаги", "Замондошларимиз" асарлари учун*

Юрий Черногаев — *журналист. Мустақилликка бағишланган долзарб мавзулардаги чиқишлари учун*

Саъдулла Ҳаким — *шоир. "Сайланма" шеърий тўплами учун*

Совриндорлар:

Ғанишер Акбаров (Наманган вилояти, ТВ), Ирисмуҳаммад Абдукаримов ("Ватанпарвар" газетаси), Турсун Али ("Туйғулар ранги" сайланмаси учун), Абдуазим Алимов ("Ёшлар" телеканали), В.Лисов (рассом), Ҳакимжон Ризаев (наманганлик рассом), "Тошкент оқшоми" газетаси, Муҳаррам Юсупова (Педагогика фанлари доктори), Рустам Шарипов (фотожурналист), Саодат Ўрмонова ("Қишлоқ ҳақида ўйлар" туркум кўрсатувлари учун).

(ЎзА)

ФАОЛИККА УНДАГАН АНЖУМАН

Яқинда бўлиб ўтган Навоий вилояти халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари "2002-2003 ўқув йилига тайёргарлик ҳамда таълим тизими муассасаларига методик хизмат кўрсатиш" мавзусига бағишланди. Айтиш жоизки, анжуман анчайин танқидий тусда бошланди ва мунозараларга бой бўлди. Вилоят ҳокими Б.Рўзиев йиғилишни кириш сўзи билан очар экан, эшик қоқиб турган янги ўқув йилини муваффақиятли бошлаш учун асоссиз важлар билан бажарилмаган талайгина ишлар борасида тўхталди. Шундан сўнг ВХТБ бошлиғи М.Алиевнинг "Вилоят таълим муассасаларининг 2001-2002 ўқув йилидаги долзарб вазифалари" мавзусидаги ҳисоботи ҳам ишга танқидий ёндошган ҳолда баён этилди. Жумладан, маърузачи энг асосий муаммолардан бири — мактабгача таълим муассасаларидаги педагог-кадрларнинг сифати хусусида фикр юритар экан, у ердаги муҳит "Таълим тўғрисида"ги қонун талабларига жавоб бермаслигини алоҳида таъкидлади.

— Вилоятдаги, — дейди М.Алиев, — 2912 нафар тарбиячилардан фақатгина 173 нафари олий маълумотга, 507 нафари олий педагогик маълумотга, 2222 нафари эса ўрта-махсус маълумотга эга. Бундан ташқари вилоятдаги 252 та мактабгача таълим муассасаларининг 168 тасида канализация йўқ, 174 боғчага эса марказлашган сув тармоғи уланган эмас. Ачинарлиси шундаки, вилоятда болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш бугунги кунда 24,4 фоизни ташкил этади.

Албатта, вилоятда муаммолар етарли. Уларни ўз вақтида ҳал этиш, фарзандларимизнинг замон талаблари даражасида билим олишларини таъминлаш долзарб вазифа. Шуниси ачинарлики, халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимиз Ислом Каримовнинг нутқида ҳам таълим тизимида йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатилган эди. Шундан кейин ушбу вазиятдан тезда чиқиш учун дастур ҳам ишлаб чиқилди. Аммо мазкур дастурга кўра бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳамон ечимини кутаётирки, бу бугунги кунда ташвиш устига ташвиш туғдираётир. Йиғилишда шу каби масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгиланди. Музокараларда НДПИ ректори, профессор Р.Рахмонов, Нурота ТХТБ услубхона мудири Э.Исмоилов, Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг ўқитувчиси Д.Хакимова, Навоий тумани 6-мактаб директори М.Ансарова ва бошқалар ҳам сўзга чиқишиб, вилоятда таълим самарадорлигини ошириш йўлида бажарилиши лозим бўлган ишлар хусусидаги ўз мулоҳазалари ва таклифларини баён этишди.

Ўткир ПЎЛАТ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Malaka oshirish

ПИРОВАРД НАТИЖА

унинг қандай бўлиши ўқитувчининг касбий билими ва маҳоратига боғлиқ бўлиб қолаверади.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" халқ таълими ходимларининг замонавий даражадаги билим савиясига эга бўлишларини талаб қилади. Бу масала эса ҳар бир педагог ходимнинг мунтазам равишда ўз касбий билим ва малакасини ошириб боришини тақозо қилиши маълум. Узлуксиз таълим олиш фаолияти билан шуғулланиш барча соҳалар мутахассислари орасида, айниқса, таълим соҳаси ходимлари учун ҳар доим долзарб ҳисобланади. Педагоглар савиясини ошириш узлуксиз таълимнинг фаол босқичи бўлган қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини мунтазам такомиллаштириб боришга боғлиқ.

Бу борадаги олиб борилаётган ишларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2002 йил 18 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида "2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисида"ги маърузасида қуйидагича аниқ баҳо бериб ўтган эдилар: "Педагог кадрларни тайёрлаш, айниқса, уларни қайта тайёрлаш тизими ҳам талабга жавоб бермайди. Умумий ўрта ва олий таълим тизимидаги курслар, факультетлар, марказлар ва малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларининг сифат таркиби, моддий-техникавий ва ўқув-услубий базаси миллий дастур талаблари даражасига мувофиқ эмас".

Ушбу хулосадан кўриниб турибдики, олдимизда тезкорлик билан ҳал қилиниши талаб этиладиган бир қанча долзарб вазифалар мавжуд.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг ҳозирги амалда бўлган иккинчи босқичида белгиланган таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш, таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмларини тўлиқ ишга солиш вазифаларини бажаришда халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳаси алоҳида ўрин тутади.

Ҳозиргача амалга оширилган янгиланиш ва ўзгаришлардан бири халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг янги таркибий тузилмага ўтиб, янги Низом асосида иш олиб бораётганидир. Илк маротаба халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. ПҚТМОИлар фаолиятининг ички масалаларини амалга ошириш ва назорат олиб бориш тартиб-қоидалари ишлаб чиқилди ва малака оширишни эркин бозор муносабатлари асосида ташкил этиш ҳамда масофадан малака ошириш тизимини яратиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида сифат кўрсаткичларига эришиш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, бунда таълим мазмунини янада янгилаш асосида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш, унинг ўқув режалари, дастурлари, давлат талабларининг янгиланиб боришини таъминлаш ҳамда бу ишларни ўқитувчиларнинг касбий эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари, талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириб бориш лозимлиги тажрибалар асосида ўз тасдиғини топмоқда.

Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига давлат талабларини жорий қилиш орқали мазкур жараёнда курс тингловчиларининг ижодий салоҳиятларини ривожлантириш, шахсий сифатларини, касбий билим ва кўникмаларини янгилаш, чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва пировардида ўқувчилар таълим ва тарбияси сифатини ошириб боришга эришиш кўзда тутилади. Давлат талаблари мазкур тизимни унинг барча фаолият йўналишлари бўйича мунтазам такомиллаштириб бориш заруриятига асосланади.

Сирасини айтганда, Давлат талаблари асосида қайта тайёрлаш ва малака оширишни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириб бориш кўзда тутилади:

— қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини юқори самарали, қулай ва замонавий шаклларда ташкил қилиш;

— қайта тайёрлаш ва малака оширишда тингловчиларнинг таянч маълумоти ҳамда касбий тайёргарлик даражаси билан узвийликни таъминлаш, улар орасидаги фарқлар, узилишлар ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;

— тингловчиларнинг узлуксиз мустақил ўқишлари билан қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўзаро мос равишдаги боғлиқлигини амалга ошириш;

— халқ таълими ходимларининг малака оширишга бўлган ҳақиқий эҳтиёжларини ўрганиш ва имкон қадар ушбу эҳтиёжни қондириш, узлуксиз малака оширишнинг ижтимоий шарт-шароитларини тингловчининг субъектив хоҳиш-истаклари билан ўзаро боғлиқлигига эришиш;

— малака оширишни тингловчилар касбий фаолиятининг турли босқичларида дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш, ўқитиш мазмунининг вариантлилигини таъминлаш, тингловчиларга малака ошириш мазмунини, шакл, усул, муддат ва суръатларини эркин танлаш имкониятларини бериш;

— малака ошириш натижасининг аттестация ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқлигини таъминлаш;

— малака оширишда даврийликка риоя қилиш;

— малака ошириш курслари ўқув режаси ва дастурида белгиланган назарий ва амалий машғулотлар учун талаб қилинадиган замонавий ўқув-моддий таъминотни амалга ошириш ва бошқалар.

Ҳозирда қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув жараёнини янгилашни, уни тингловчининг касбий-амалий ва ҳаётий тажрибасига суянган ҳолда ташкил этишни, унга малака оширишнинг ўзига хос педагогикасига асосланган ҳолда янгича ёндашиш талаб қилинмоқда.

Малака ошириш таълими жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш яхши самара бериши маълум. Бу технологиялардан фойдаланишда тингловчилар катта ёшдаги мутахассислардан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда катта ёшдагилар таълими (андрогогика) фани асосида педагогик хулосалар назарда тутилиши лозим.

Маълум фан ўқитувчилари (тингловчилар) ўз мутахассисликлари билан боғлиқ фанлар соҳасида билимларга ва ҳаётий тажрибаларига эга бўладилар, айримларида эса бу билим ва тажрибалар юқори даражада бўлиши мумкин. Шу боис улар ўзларига берилаётган билимларга бирданига ишониб қўя қолмайдилар, балки билимларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва мустақил фикрлаш асосида ўзлаштирадилар. Шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ҳал қилиш учун керакли ҳамда амалда қўллаш мумкин бўлган билимларни кўпроқ қадрлайдилар. Шу нарса аёнки, катта ёшдагиларда панд-насиҳатларни ёқтирмаслик психологияси мавжуд бўлиб, улар ўқитувчининг аудитория (тингловчилар)ни ўзи билан тенг кўриб, муомала қилишини қадрлайдилар. Катта ёшдагилар билимлар "тайёр ҳолда" бериладиган эмас, балки тингловчилар билан ўқитувчининг биргаликда изланиши натижасида аниқланадиган шаклда ташкил қилинган машғулотларни афзал кўрадилар.

Юқорида айтилганлар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув жараёнини лойиҳалашда қуйидаги шартлар назарда тутилади:

— тингловчининг фаоллигини ошириш, уни ҳамкорликка чақириш;

— мавжуд меъёрий ҳужжатлар: давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, қўлланмалар, дарсликлар, маъруза матнлари ва шу кабилар билан ишлаш;

— мустақил мутолаа билан шуғулланиш кўникма, малакасини шакллантириш;

— ўз фикрини билдира олиш, уни ҳимоя қила билиш ва исботлай олиш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув машғулотлари шакллари кўп турли бўлиб, ҳозирда кўпроқ қўлланилаётганлари: машғулотларни мунозара асосида ўтказиш, давра суҳбатлари, амалий ўйинлар, баҳслар, очиқ ҳаводаги машғулотлар, педагогик вазиятлардан чиқиш усулларига бағишланган мунозаралар, дебатлар, тажрибасинов ва изланишлар, инновацион педагогик тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ этиш кабилардан иборат.

Малака оширишнинг истиқболдаги шаклларидан бири масофадан малака ошириш тизими бўлиб, бунда малака ошириш институти ва таянч мактабларда ўрнатиладиган компьютерлар орқали амалга ошириладиган алоқа тизими воситасида мактабда туриб, тегишли қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтининг курсларида ўқиш имконияти яратилади.

Малака ошириш жараёнини такомиллаштиришнинг илмий асоси малака ошириш диагностикаси ҳисобланади ва унинг тест синовлари, сўровномалар, кузатиш ҳамда таҳлил усулларини мунтазам такомиллаштириб бориш ҳозирги долзарб вазифадир.

Юқорида айтилганлар билан бирга малака оширишнинг ўқув-моддий негизини мустаҳкамлаш ҳам долзарб вазифа. Бу борада институтимизда бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, физика, химия, биология, математика, информатика, ўзбек тили ва адабиёти каби фанлар бўйича ДТС талаблари асосидаги ўқув хоналари ташкил қилиш, биноларни таъмирлаш, кутубхона жамғармасини сўнгги йилларда нашр қилинган ўқув-методик адабиётлар, янги авлод дарсликлари билан таъминлаш, ўқув лабораторияларига жиҳозлар ўрнатиш, институт санаторий-профилакторийсини, унинг ётоқхонасини янги ўқув йилига тайёрлаш, масофадан малака ошириш тизимини яратиш юзасидан тайёргарлик ва бошқа зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, таълим соҳасидаги амалга оширилаётган ҳамма ислоҳотларнинг сўнгги натижаси пировардида ўқитувчининг касбий билим ва маҳорати даражасига боғлиқ. Шу сабабли педагогларнинг касбий, методик маҳорат ва малакасининг юқори бўлиши учун барча чоралар ишга солиниши лозим. Бу масалани қанча тез ҳал қилсак, асосий мақсадга шунча тез эришамиз.

Ж.ЙЎЛДОШЕВ,
А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ректори, профессор

Дарсликда илк бор иллюстрациялардан ташқари мавзуларда мультклиплардан фойдаланилган бўлиб, улар ўқув материаллари мазмунини ўқувчи онгига тезроқ етказиш билан бирга дарслик дизайнининг мазмундорлигини оширишга ёрдам берган.

ЯНГИ ДАРСЛИК — ЯНГИ СИФАТ

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang

Яқинда танлов асосида А.Умронхўжаевнинг ДТС талабларига мос тарзда 8-,9-синф чизмачилик фани дарсликлари нашрдан чиқди. "Ўзбекистон" нашриётининг ноширлари мазкур дарсликларни 2002-2003 ўқув йили учун режалаштирилган нусхада нашр этиб ўқувчиларга туҳфа этди. Аввалам-бор янги дарслик ҳар бир синф учун алоҳида тайёрланди. Дарсликнинг афзаллиги биринчидан, унинг ихчамлиги ва тушунарлилигида бўлса, иккинчидан, нархининг 2 марта арзонлигидадир. Энди чизмачилик дарсликларининг бошқа хусусиятларига келсак, ҳар иккала 8- ва 9-синф янги дарсликларининг мазмуни ўқувчиларнинг образли мантиқий тафаккур қилиш қобилиятини ривожлантириб, фазовий тасаввурини ўстиради ҳамда предметларнинг фазовий хусусият ва муносабатлари ҳақида маълумотлар беради.

Дарсликда график тасвирлашнинг назарий томонларини ўқув машқларига ёндошган ҳолда ўрганиш назарда тутилган. Шунингдек, абстракт характердаги график материаллар реал деталларнинг чизмалари билан алмаштирилган. Дарсликда компьютер техникасидан фойдаланиш чизмачилик ўқув предметининг ҳам ўқув дастури мавзуларига киритилган. Дарслик рангли қилиб тайёрланганлиги учун ўқув жараёни самарадорлигини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратиши мумкин. Иллюстрациялардаги ранг ўқув предметининг мазмунини очишга хизмат қилади. У кидастобдаги 3 ўлчамли фазовий объектларнинг идрок қилинишини жонлантиради, шу билан матнни қисқароқ ифодалашга ёрдам берган. Шунингдек, янги дарсликда энг муҳим тушунчаларнинг таърифи курсивларда берилган. Бу таъриф ва тушунчаларнинг аҳамиятини ошириб, ўқувчиларни тўғри мўлжал олишларига катта ёрдам беради. Дарсликда илк бор иллюстрациялардан ташқари мавзуларда мультклиплардан фойдаланилган бўлиб, улар ўқув материаллари мазмунини ўқувчи онгига тезроқ етказиш билан бирга дарслик дизайнининг мазмундорлигини оширишга ёрдам берган.

Ҳар қандай дарсликдан ўқувчи ва ўқитувчилар ҳар хил фойдаланадилар. Айрим ҳолларда тажрибали ўқитувчилар дарслик мавзуларнинг тартибини ўзгартирган ҳолда дарс берадилар. Буни методик жиҳатдан қўпол хато дея олмаймиз, бильакс ўқув материалининг мантиқий кетма-кетлиги бузилмаса бўлгани. Бу дегани қайси йўл билан бўлса ҳам ўқувчиларни ДТС меъёрларига жавоб берадиган даражада ўқитиш демакдир. Янги яратилган ушбу дарсликнинг эса методик қўлланмаси ҳам бир вақтда нашр қилинди. Ўқитувчиларнинг оғирини енгил қилади деган умиддамиз. Чунки қарийб 8-10 босма табоқ ҳажмдаги методик тавсиялардан чизмачилик ўқитувчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишлари мумкин. Методик тавсияларнинг 2-қисмида 8-9-синфлар бўйича ҳамма дарсларнинг ишланмалари берилган бўлиб, улар дарслик билан чамбарчас боғланган. Методик қўлланма иловасида оригинал ва ноанъанавий назорат тестлари берилган ва бундай материал билан ўқитувчилар илк бор танишадилар. Ўтган ўқув йилида дарсликсиз ўқитиш ўқитувчи, устозларга анча-мунча ташвишлар ва қийинчиликлар туғдиргани ҳаммага маълум. Ўйлаймизки, янги дарслик ўтган йилги бўшлиқни тўлдириб, график таълимда янги сифатга эришишга ёрдам беради.

Қ.МИРАҲМЕДОВ,
ТШПХҚТМОИ тасвирий санъат ва чизмачилик бўлими услубчиси

Шароф Рашидов тумани марказидаги "Наргис" болалар боғчаси намунали тарбия масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда фаолият кўрсатаётган малакали мутахассислар жажжи ўғил-қизларнинг маънавий жиҳатдан баркамол, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар. Болаларнинг кунлик турмуши, келажак ҳаётидан кўнгиллари тўқ ота-оналарнинг ишларида унум, қалбларида хотиржамлик пайдо бўлади.

Суратда: "Наргис" болалар боғчаси мудираси Бувирайҳон Ботирова ва тарбиячи Дилфуза Қўзибоевалар керак пайтда иқтидорли болалар билан алоҳида машғулотлар ҳам ўтказишади.

Каримжон РИХСИЕВ олган сурат.

ВИРТУАЛ КУТУБХОНА САРИ ЙЎЛ

Кутубхоналар қадим замонлардан буён инсоният тафаккурининг шаклланиши ва бойишида муҳим ўрин тутган. Жамиятимиз ривожида кутубхоналарнинг аҳамияти каттадир. Уларда жамланган ва сақланиб келинаётган маънавий бойликларимизни, ҳеч қандай бойлик билан қиёслаб бўлмайди.

Мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи талабларини тўлиқ рўёбга чиқариш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш ҳамда узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш таълим муассасалари мутасадди ходимларининг долзарб вазифаларидан биридир. Ҳозирги кунда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютерлар ва ахборот технологиялари кириб келмоқда. Шу жумладан, таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида, ўқув-тарбия бўғинлари сирасига кирган кутубхоналарга ҳам катта эътибор берилиб, замонавий компьютер ва ахборот технологиялари билан жиҳозланмоқда. XXI аср "Компьютер ва ахборот технологиялари" асри деб бежиз айтишмаяпти. 2001 йил 23 май ойидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-2005 йиллар компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, Интернетнинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарори 2002 йил 30 май ойидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу мақсадда қабул қилган қарори, тараққиётимиз муваффақиятини таъминлашдаги олга қадам бўлди.

Ушбу қарор ва фармонга жавобан, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети бугунги кунда бу соҳада катта ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, университетимиз кутубхонаси 14-та компьютер ва бошқа замонавий техника ва дастурий воситалар билан таъминланди. Бугунги кунда кутубхонамиз Интернет тармоғига уланган, ўзининг "Электрон почтаси"га эга бўлиб, бемалол жаҳон ахборот майдонидан ҳамда Республикамиз ҳаётида юз бераётган ахборот янгиликлари ва воқеалари ҳақида қисқа ва тез фурсатда маълумотлар олиш имкониятига эга. Университет профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, магистрлар ва талаба ёшларни кутубхонада "Интернет" тармоғидан фойдаланишлари учун 1 ойга 60 соат вақт ажратган бўлиб, ундан самарали фойдаланиш мақсадида кутубхона "Интернетдан фойдаланиш дастури"ни ишлаб чиқди. Дастурга кўра, ҳар бир факультетнинг талаб ва эҳтиёжлари ўрганилиб, кутубхона операторига жамлаб берилади, оператор ушбу натижалар асосида, маълумотлар базасини тўплайди ва компьютерлар хотирасига жойлаштиради. Тўпланган маълумотлар базасидан ҳар бир факультет мутахассислари ва талабалари ўзларининг белгиланган куни ва соатида келиб фойдаланиш имкониятига эга. Ҳозирги кунда кутубхона заҳирасини тўлдиришда нафақат анъанавий китоблар, балки уларнинг электрон версияларидан ҳам фойдаланмоқдамиз. Талабалар учун компьютер зали ташкил қилиниб, у ердаги компьютерлар хотирасида ўқув қўлланмалар, маърузалар матнларининг ва четдан олинаётган адабиётларнинг электрон версиялари жойлаштирилган. Бу электрон адабиётларни соҳалари бўйича классификациялаб, электрон каталогини тузишни бошладик. Кутубхонада замонавий лазерли компакт дисклар-да жойлаштирилган электрон энциклопедия, электрон дарсликлар ва бошқа электрон ўқитиш материалларини тўплаш ва улардан унумли фойдаланиш мақсад қилиб қўйилган экан, жумладан, ТДПУнинг "Информатика ва ТТВ" кафедраси томонидан яратилган ва кутубхонамизда қўлланиб келинаётган "Автоматлаштирилган кутубхона тизими" ноанъанавий бўлган электрон фондлар билан ишлаш имкониятини яратди. Кутубхонадаги яхши анъаналаримизни давом эттириб бугунги кун талабини ўрганган ва мужассамлаштирган ҳолда ўз ишимизни такомиллаштириб боришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида ўқув муассасалари кутубхоналари қандай бўлиши керак деганда, биз қуйидагиларни тушунамиз.

- фондлари анъанавий ва электрон шаклдаги адабиётлардан ташкил топган бўлиши;
- "Автоматлаштирилган кутубхона" тизимига эга бўлиш;
- ташкилий техника турлари ксерокс, факс ва мультимедияли компьютерлар билан таъминланганлиги;
- компьютерлари локал тармоққа бирлаштирилган ўқув залларига эга бўлиши;
- кутубхонанинг локал тармоғи ўқув муассасанинг локал компьютер тармоғига, ИНТЕРНЕТга уланганлиги, электрон почтага эга бўлиши;
- лазер дисклардаги ўқув-методик адабиётлар фонди мавжудлиги ва бу фонд доимий равишда тўлдириб борилиши;
- кутубхона хизматлари анъанавий ва компьютерлаштирилган усуллар ўзаро мужассамланган ҳолда кўрсатилиши;
- кутубхона фондининг тўлиқ электрон каталогини тузиб, ҳар бир китоб ҳақида қисқача анотациялар бериши;
- кутубхонадаги адабиётларни босқичма-босқич "СКАНЕР" аппарати ёрдамида компьютер хотирасига киритилиши.

Юқорида келтирилган ва қўшимча имкониятларга эга бўлган кутубхонадан тўғри фойдаланилса, у виртуал кутубхона даражасига кўтарилиши мумкин. Ҳар бир кунимиз ахборотлар оқими остида кечмоқда. Шундай экан биз кутубхоначилар ўз малакамизни ошириб, компьютер соҳасидаги билимларни чуқур ўзлаштириб, ҳар бир янгиликларга ва ўзгаришларга тайёр бўлмоғимиз лозим.

М.ХУДОЙНАЗАРОВА,
Низомий номидаги ТДПУ кутубхона директори

Шермат ЁРМАТОВ:

БОЛАГА КАПАЛАК ҲАМ, КАМАЛАК ҲАМ БИР МЎЪЖИЗА

Mehmonxona

Ойнаи жаҳонда ранг-баранг кўрсатувлар кўп. Шунга қарамай, "Қўшиғим — жон қўшиғим" кўрсатувини билмайдиган томошабинни учратмайсиз. "Ҳа, Шермат аками?" дейишади. Ҳар йили нишонланадиган миллий байрамимиз — Наврўз ёки Мустақиллик шодиёналарида болажонларнинг қувноқ қўшиқ ва гўзал рақсларидан ким ҳам баҳраманд бўлмайди, дейсиз? "Ҳа, Шермат аканинг "Булбулча"ларими?" дейдилар.

"Гилдирагим", "Оймоможон" каби юзлаб қўшиқлар бастакори "Биргаликда куйлаймиз" кўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси, "Булбулча"нинг отаси Шермат ака бутун умрини болажонларга бағишлаб келаётганидан мамнун, уларсиз ўзини қанотсиз қуш каби сезади.

Кўнгли ҳам, ўзи ҳам болалардай беғубор, 32 йилдирки "Булбулча" ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти, "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Шермат Ёрматов — бизнинг меҳмонимиз.

— Шермат ака, "Биргаликда куйлаймиз" кўрсатувингизни кўриб, ўзимча — Шу одамнинг қонида ўқитувчилик бўлса керагов, дея ўйлардим. Қўшиқ матнини, қўшиқни қандай куйлаш, авжига чиқиш кабиларни эринмай тушунтирардингиз. Сўзларингиз дона-дона, овозингиз ширали бўлиб, болаларни ўзингизга ойнаи жаҳон орқали жалб қиласиз.

— Отам Ёрмат Шукуров деҳқон бўлган эканлар. Афсуски, уларни эслолмайман, урушдан қайтмаган эканлар. Талабалик вақтимдан ўқитувчилик қилганман. Бу касбнинг машаққатли томонларини бошимдан ўтказганман. Дарсда бола эътиборини ўзингизга торта олмасангиз, сабоқ самарасиз бўлади. Ўқитувчи ҳам санъаткор, ҳам психолог, ҳам нотиқ бўлиши лозимлигини кўрсатув жараёнида унутмасликка ҳаракат қиламан. Балки шу сабаб кўрсатув болажонларга маъқул бўлар.

— Мактаб, илк устоз, синфдошлар инсон ҳаётининг унутилмас дамлари бўлиб қолаверса керак, шундайми?

— Албатта, кечагидек ёдимда 1947 йилда Фарғонадаги 30-мактабга (ҳозирда 49-мактаб) доира кўтариб борганман. 3 ёшимдан доира чалганман. Лекин Тошкентга ўқишга келганимда доира чалишимни айтмаганман. Фарғонада тўй кеч соат 10 ларда бошланиб тонг отгунча давом этарди. Хайриддин тоға деган ғижжакчи бор эди, уларга жўр бўлардим. У пайтда микрофон йўқ эди. Кетмонни дутор қилиб чертадиган ҳам мен эдим. Урушдан кейинги дастлабки йиллар, синфда энг кичиги эдим. У вақтда ёш суриштирилмас, катта-кичик аралаш ўқирдик. Алифбени ўргатган устозимиз Исроил Тўхлиевни ҳамон отамиздек ҳурмат қиламиз. Исроил ота ҳозир 80 ёшдан ошдилар. Кўп йил мактабда директор бўлиб ишладилар. Бизга она тили ва адабиётдан дарс бериб, синф раҳбари ҳам бўлдилар. Кимё фани ўқитувчиси Э.Мамаражабов дарслари ниҳоятда қизиқарли эди. Бу йил мактабни битирганимизга 45 йил тўлди. Шу муносабат билан сентябрь ойида учрашув ўтказмоқчимиз. Таътилда ўтказмадик, сабаби, учрашув мактаб ўқувчиларисиз кўнгилдагидек бўлмайди-да.

— Санъат, қўшиқ, мусиқа асбоблари чалишга қизиқиш мактабда бошланган экан-да?

— Мактабимизда турли тадбирлар, қўшиқ байрамлари тез-тез ўтказилиб турарди. Ғанижон Қосимов, Азиза Райимжонова деган синфдошларим билан дуэт ижро этардик. Маҳалла-маҳалла бўлиб табиат бағрида беркинмачоқ ўйнардик, бир маҳалла билан иккинчи маҳалла ҳар ҳафтада спектакль қўярдик. Ўзимиз сценарий ёзиб, катта майдонда саҳна яратардик, ўчоқлар қурардик. Спорт билан шуғулланардик. "Кўтарма боши" номли маҳалламизда тожик, қирғизлар билан аҳил яшардик. Фарғонанинг гўзал табиати, шилдир-шилдир куйлаб ўтувчи сойлари қўшиқ айтишга ундайди, завқ ва илҳом беради.

— Мактабни битиргач, Санъат институтига ҳужжат топширдингизми?

— Йўқ, аҳволимиз ночор эди. Онам икки ўғил, икки қизни бир кўзлаб боққанлар. Бир йил жамоа хўжалигида ишлаб, пул тўпладим. Кунига 250-300 кг.дан пахта терардим. Акамни уйлантириш учун тўй-ҳаражатлари тўплангач, 1958-1960 йилларда Тошкентдаги маданий-оқартув техникумида ўқидим. Ижодий имтиҳонда "Пахтазорда кўрдим барно бўйингни" қўшиғини (ўша вақтда "мода" эди) айтиб, "5" баҳо олдим. Озгина ўйнаб ҳам бердим. Қишлоқдан келганман, кўзларим ялтираб турибди. Хуллас, ёқдим шекилли, ўқишга кирдим. Кўчага чиқиб йиғлаб юбордим, "Наҳот, мен қишлоқдан келиб ўқишга кирганим рост бўлса" дея ҳеч ишонгим келмасдим. Кўп ўтмай, талабалар учун пахта терими мавсуми бошланди. Ҳар беш кунда пул олардик, ҳаммасини устозим Эмма Анатольевна Усеевичга бердим. Пахта теримидан қайтгач, Усеевич Эмма хола мени марказий универмагга олиб бориб, костюм, кўйлак, туфли, плашч, пальто, қўйингки, барча зарур кийим-кечакларни олиб бердилар. Эртасига янги кийимларни кийиб, галстук тақиб ўқишга бордим.

Рассомликдан дарс берадиган домламиз машғулотда "Шерматжон, домла қалайлар, салом айтинг", деб қолди. Тушунмадим, индамай "Хўп" дедим. Эртасига директоримиз Ғофуров ҳам "домла"ни сўрадилар. Мен англашилмовчилик бўляпти, шекилли, отам урушдан қайтмаганлар, бирор марта "ота" сўзини оғзимни тўлдириб айтолмаганман, дедим. Ғофуров мени бағриларига босиб, мана мен, отанг бўламан, деди. Ҳақиқатан, бу инсон менга оталик қилдилар. Кейин билсам, мени бутун техникумда "Комил Ёрматовнинг ўғли" деб билишган экан. Машҳур кинорежиссёр билан фамилиядош эканман, холос. Шундан сўнг ҳам ўқитувчиларимнинг менга ҳурмати, эътибори ўзгармай қолди. Ёдимда, бир куни устозимга гул кўтариб борсам, сен талабасан, тўйиб овқатланишинг керак, бунинг пулига 2 та бўлса ҳам сомса олиб е, яна совға кўтариб келсанг машғулотга киритмайман, деганлар. Техникумни битиргач, консерваторияга ҳеч қандай имтиҳонсиз қабул қилинганман. Бунда ҳам Э.Усеевичнинг хизматлари катта.

— Мактабга қандай қилиб келиб қолдингиз?

— 1964 йил Тошкент Давлат консерваториясининг 2 босқичида ўқирдик. Профессор Е.М.Кензер раҳбарлигида Мирзо Улуғбек туманидаги 99-мактабда машғулот ўтардик. Амалиётни тугатгач, консерватория саҳнасида ўқувчиларим билан қўшиқ ижро этдик. Шунда домламиз "Шерматжон, ахир бу болалар хори тарихида инқилоб-ку" — деб табриклаганлар. Чунки ўша йилларда рус қўшиқларини ижро этиш, ўзбекча қўшиқни ҳам русча акцентда куйлаш урф бўлган эди. "Ўзинг кичкина, овозинг яхши" дейиш ўрнига "Ўвозинг яхши" деб куйлашга ўргатиларди. Бу дастани "Бойчечак" деб номладик. 1964 йилда А.Навоий номидаги санъат саройининг очилиш маросимида хор билан ашула айтдик ва илк бор зангори экранга чиқдик. Мактаб директори Тўхтамурод Умаров санъатсевар, фидойи инсон эди. Менга қўшиққа ихлосманд, қобилиятли болаларни йиғиб, махсус синф ташкил қилишимга ёрдам берди. Мактабда 21 йил ишладим.

1970 йилда собиқ ҳукуматнинг "Ўзбекистонда қўшиқчилик санъатини ривожлантириш" ҳақидаги қарори чиқди. Унинг бир бандида "Тошкентда намунали болалар хори очилсин" дейилган эди. Радиокомитетдаги раисимиз У.Ибрагимов мени чақириб, катта хордан болалар жамоасига ўтказмоқчи эканликларини айтди. Болаларни севганим учун жон деб рози бўлдим. Биз "Бойчечак" билан машҳур бўлгандик, кейинроқ дастани "Булбулча" деб номладик. Усмонов деган ўғлим "Ҳар доим бўлсин қуёш" қўшиғи билан оғизга тушди. Шоира Жабборова Финляндияга, Фатҳулла Тошмуҳамедов Конгога борди. "Булбулча" Туркия, Франция, Югославия, Украина, Белоруссия ва бошқа қатор мамлакатларда ўз чиқишлари билан ҳаммани лол қолдирди. "Огонёк" журналида "Булбул ва 140 та Робертино" номли қўш саҳифа чиққач, бизга турли мамлакат бастакорларидан нота ва қўшиқлар ёғилиб кела бошлади. Бастакорлар Дони Зокиров, Карим Абдуллаев, Фаттоҳ Назаров, Ғофур Қодировлар болаларга қўшиқлар учун куй ёзиб бера бошлашди. Иш жараёнида ўзим ҳам бастакор бўлиб қолганимни билмай қолдим.

—Илк ижодингиз, яратган илк куйингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Билишимча, сиз дирижёрлик бўлимида ўқигансиз.

— 70-йилларда 99-мактабда атоқли шоира Зулфияхоним билан учрашув ўтказиш режалаштирилди. Адабиёт ўқитувчиси Зулфияхонимнинг бирор шеърларини қўшиқ қилиб ижро этиб беришимизни илтимос қилди. Мен Зулфия опанинг "Қор" деган шеърларига куй басталадим. Шоира Жабборова деган қизим саҳнада қўшиқ куйлаяпти:

Олча гули баргидек ўйнаб учиб ёғар қор,
Ажаб қорга қарайман, кўзимда яшнар баҳор.

Қалтираб чаляпман, кўзим Зулфия опада. Қўшиқ опамизга ёқди, учрашув сўнгида менга миннатдорчилик билдирдилар. Шу вақтгача бу қўшиқ — менинг илк ижодим. Ҳали ҳам севиб куйланиб келмоқда.

— Мустақиллик туфайли барча дарсликлар янгиланди, дарсликдан машҳур бастакорларимиз ижоди ўрин олди, ўқувчиларимиз Юнус Ражабий, Маъмуржон Узоқов ижоди ҳақида маълумотга эга бўлдилар. Она юрт, Ватан ҳақидаги қўшиқларга эътибор ошди. Бу ишлардан қониқяпсизми, кўнглингиз тўлдими?

— Ҳар йили РТМ томонидан "Ўзбекистон — Ватаним маним" номли қўшиқлар тўплами чиқарилади. Икки йилдан бери бу иш тўхтади. Бу тўпламни республика ўқитувчилари кутарди. Дарсликлар янгиланганги — давр талаби, ўқитувчилар билан суҳбатлашганимда "айрим қўшиқларнинг овоз пардалари жуда баланд, 5-6-синф ўқувчиларига мос эмас, улар бу қўшиқларни ижро этолмайди" дейишди. Мақомларни ҳам 4-,5-,6-синфда I чоракда ўрганиш етарли дейман. Болалар кўпроқ замонавий қўшиқларни куйлашсин. Ватан ҳақидаги қўшиқлар керак, аммо "Ватан, ватан" деб ҳайқиришдан кўра, Ватаннинг камалакли осмони, дарё, тоғлари бор — Ватан дурдоналари ҳақида куйлаш ўринли. Бола учун капалак ёки камалак — ажойиб мўъжиза.

Олқор Дамин сўзи, София Абрамова мусиқаси билан ижро этиладиган "Шилдиршилдир оқади сув" қўшиғини барча болалар жон-дили билан айтади, бу Ватан эмасми?

— Ҳозирги кунда "Булбулча"га ихлосмандлар кўп экан. Республикамизнинг чекка туман ва вилоятларидаги истеъдодли болалар бу ерга келиб ўқий олишмайди. Назаримда, истеъдодлар қишлоқда кўпдек.

— Тўғри, республикамизнинг турли вилоятларида истеъдодлар кўп. Бизга вилоятлардан ҳам келиб сабоқ олаётганлари бор. Фақат отаоналари барча харажатни ўз зиммаларига оляптилар. Мен республикамиз болалари тенг бўлиб, қўшиқ ўрганишларини, тенг маънавий озуқа олишларини истайман. "Биргаликда куйлаймиз" кўрсатуви назаримда тикланиши керак.

32 йилдан бери "Булбулча" фаолият кўрсатиб келяпти. Аввал 4 нафар, кейин 10 нафар бўлди, ҳозир эса 700 нафар болам бор. Болаларнинг ёшига қараб, 8 та гуруҳ олганмиз. 3-6 ёшлилар, 6-11, 11-15, 16-25 ёшгача, рақс, мақом, фольклор гуруҳлари бўлиб, мусиқа, қўшиқ бўйича Сожида Олимова, Гулбаҳор Мансурова, рақс бўйича Дилдора Ноибова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Дилбар Абдуллаева, Ноила Ортиқовалар машғулот олиб боришади. Созандаларга эса доцент Ўрозали Тошматов раҳбарлик қилмоқда.

— Шогирдларингиз меҳнатингизни оқлашяптими?

— Албатта. Ҳозирги ёшлар қўшиқларини севиб тинглаётган санъаткорлардан Илҳом Фармонов, Исроил Саидумаров, Севара Назархон, Дилфуза Раҳимова, Анвар Санаевлар "Булбулча"нинг хушовоз булбуллари бўлган.

— Шермат ака, Баъзан радио ёки телеканаллар орқали олди-қочди, тарақа-туруқ мусиқалар, қўшиқлар янграб қолади. Бундай қўшиқлар ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

— Фикрингизни тушундим, миллий маданият мусиқа орқали ўрганилади. Мусиқа соҳасидаги 50 йиллик тажрибам шуни кўрсатдики, ҳамма нарсани боғча ёшидаги болалардан бошламоқ керак. Нима учун биз катта ёшлилар сўзидан бўлак ҳамма нарсаси бошқа халқлар санъатидан олинган аралаш мусиқаларни ўзимизга сингдира олмаяпмиз? Чунки биз ёшлигимизда бир-биридан ажойиб миллий мумтоз мусиқаларни тинглаб ўсганмиз, ҳалиям уларни тинглаб яйраймиз. Бола қалбига ёшлигидан нима жо бўлса, у бир умр шунга ошно бўлади. Гулдай ифорли, сувдай покиза мусиқамизни чет эл тарақа-туруқларига алмаштираётган ёшларга раҳмим келади. Фарзандларимиз ўз миллий мусиқасидан бехабар қолмасин.

— Устозларга тилакларингиз.

— Мен устозларни маърифат бўстонининг боғбони дегим келади. У тарбиялаётган ниҳол — фарзандларимиз илдизи бақувват, ота-боболари маданиятига содиқ инсонлар бўлсин. Болажонларга маънавият нурини сочишда асло чарчамасинлар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА суҳбатлашди.

Дарс — ўқув жараёнининг энг муҳим бўғини бўлиб, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шакли ҳисобланади.

ДАРС ТАҲЛИЛИ

У ДАРСГА ТАЙЁРГАРЛИК МЕЗОНИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Бугунги кунда ёш авлодни замона руҳи ва жаҳон ишлаб чиқариши эҳтиёжларига тўлалигича жавоб бера оладиган даражада тарбиялаш "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг асосий талаби ҳисобланади. Белгиланган бу улуғвор вазифалар таълим ва тарбия тизимидаги барча бўғинларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида изчил амалга оширилади.

Таълим тизимидаги бошқа бўғинларда бўлгани каби ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнининг асосий шакли дарсдир. Ўқув машғулотларидан ташқари ўтказиладиган барча таълимий-тарбиявий тадбирлар ўқувчиларнинг дарс жараёнида олган билимларини тўлдиришга хизмат қилади. Шу боис, таълим муассасаларида дарсларнинг сифат-самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнида янги технологияларни қўллай билиш ниҳоятда муҳимдир.

Ўқув машғулотларини юксак даражада ташкил этиш ва ўтказиш учун ўқитувчи ва муҳандис-педагогнинг ўз ихтисослигини чуқур билиши кифоя эмас. Бунинг учун ўқитувчи-муҳандисдан юқори даражадаги педагогик маҳорат ҳам талаб қилинади. Ўқитувчи-педагог дарс ўтиш, ўзаро дарсга кириш, касбдошларининг дарсларни кузатиши ва уларни таҳлил қилиш жараёнида педагогик маҳоратга эга бўлиб боради. Шунинг учун дарс таҳлили масалалари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарларининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўқитувчи-мутахассис дарс таҳлилига киришдан олдин дарснинг тузилиши, турлари, унинг таҳлилига қўйиладиган талаблар ва унинг мақсад-вазифаларини билиши керак.

Дарс — ўқув жараёнининг энг муҳим бўғини бўлиб, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шакли ҳисобланади. Таълим жараёнида унинг мақсади, мазмуни, усуллари, тамойиллари ва ташкилий шакллари биргаликда намоён бўлади.

Ҳар бир фанни ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга, аммо, дарснинг ҳамма фанлар учун умумий бўлган педагогик томонлари ҳам мавжуд. Бу дарсларнинг тузилишида алоҳида кўринади. Дарснинг тузилиши турлича бўлиши мумкин ва уни доимо фақат бир анъанавий андоза билан ўтказиш мутлақо шарт эмас. Унинг тузилиши ўқув материалининг мазмунига, ўқувчиларнинг билим савиясига ва ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Шунга қарамасдан дидактика (таълим назарияси) дарснинг тузилишида қуйидаги асосий босқичлар мавжудлигини кўрсатади:

1. Дарснинг мавзусини таърифлаш.
2. Дарснинг мақсадини тушунтириш.
3. Ўтган дарсда уйга берилган вазифаларни текшириш.
4. Янги материални баён қилиш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлаш.
5. Ўтилган ўқув материалини такрорлаш ва уни машқ ёки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш.
6. Ўрганилган материални суҳбат тарзида такрорлаш.
7. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш (дарс давомида такрорлаш ёки уй вазифасини текшириш пайтида ҳам амалга ошириш мумкин).
8. Дарсни якунлаш.
9. Уйга вазифани бериш ва уни тушунтириш.

Дарснинг бу босқичлари ҳар бир дарсда доимо шу тартибда такрорланмайди. Чунки ижодий ишлайдиган ўқитувчи буларни ўз тажрибаси билан тўлдириши, бойитиши ва дарснинг мақсади ҳамда вазифаларига кўра ўзгартириши мумкин.

Дарс турлари

1. Аралаш дарс.
2. Янги билимларни ўзлаштириш дарси.
3. Ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш дарси.
4. Умумлаштириш ва системалаштириш дарси.
5. Амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш дарслари.
6. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарслари.
7. Янги технологияларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш дарси.

Тавсия этилаётган дарслар орасида аралаш дарслар энг кўп қўлланилади. Аралаш дарсда бир неча дидактик мақсад қўйилади. Бундай дарсларнинг тузилиши ташкилий қисм, уй вазифаларини текшириш ва ўзлаштирилган билимларни аниқлаш, янги мавзуни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва уйга вазифани ўз ичига олади.

Ўқув машғулотлари таҳлили самарали бўлиши учун ўқитувчилар ва муҳандис-педагогларнинг ўзлари дидактиканинг асосий тамойилларидан, юқорида кўрсатилган дарс турлари ва унинг тузилишидан хабардор бўлишлари талаб этилади.

Ўқув жараёнини таҳлил қилишда кўпинча қуйидаги камчиликлар кузатилади: системасизлик, дарсларга тасодифан қатнашиш, аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, таҳлил қилувчининг дарсни чуқур таҳлил қилишга методик тайёр эмаслиги, аниқ кузатиш дастурининг йўқлиги, дарсда асосий томонларини ажратиб кўрсата олмаслик, хулосалар чиқара билмаслик, касбдошига малакали тавсиялар ва методик ёрдам бера олмаслик.

Айниқса, ҳар бир дарсга қатнашишдан олдин аниқ мақсадни белгилаш зарур. Қўйилган мақсад дарсда қатнашиш ва уни таҳлил қилишни янада самаралироқ, хулосаларни эса янада аниқроқ қилади.

Дарсларга қатнашиш мақсадларига мисоллар келтирамиз:

1. Ўқувчиларга қўйилган ягона талабларнинг бажарилишини таҳлил қилиш.
2. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш, кўргазмали ва тарқатма дидактик материалларнинг самарадорлиги.
3. Ўқувчиларда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.
4. Дарс ва амалий машғулотларда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги.
5. Дарсга тайёргарлик, уни олиб бориш ва ташкил қилишнинг умумий услуби билан танишиш.
6. Ўқув дастурини бажариш сифатини таҳлил қилиш.
7. Илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Дарсни малакали таҳлил этиш ёш мутахассис-ўқитувчилар учун осон иш эмас. Шуни ҳисобга олиб, дарсларда рўй берадиган айрим хатоларни кўрсатиш орқали ёрдам бермоқчимиз.

Дарсларда учрайдиган айрим хатолар

1. Дарсда ўқитувчи гуруҳнинг юқори фаоллигига эришади, бироқ шу билан бирга айрим ўқувчиларни кўз остидан қочиради. Гуруҳнинг фаоллиги панасида ўқувчиларнинг бир қисми дарс жараёнида иштирок этмайди.
2. Муаммоли ўқитиш методларидан қандай бўлмасин фойдаланишга ҳаракат қилиб, ўқитувчи айрим ҳолларда ўз саволларига ўқувчилардан фикрлаш фаолияти натижаси бўла олмайдиган, нари борса тахминий жавоблар олади.
3. Дарсда ўқувчилар ишини текшириш таъминланмайди.
4. Дарс жараёнида ўқитишнинг техник воситаларидан самарасиз фойдаланиш.
5. Дарсда иш услубларини нотўғри танлаш.
6. Ўқувчи шахсини ва гуруҳни ёмон билиш ва оқибатда турли гуруҳларда бир хил дарс ўтиш.
7. Ҳар доим бир хил тузилиш билан дарс ўтиш, кўп баҳо тўплашга интилиш, оқибатда сўровни бўрттириб юбориш.
8. Ўқув материали мазмунининг ортиқча тўлдирилиши, ортиқча икир-чикирлар билан мазмуннинг йўқолиши, мавзудан чекинишга асоссиз интилиш.
9. Билимларни қўллашга етарли эътибор бермаслик. Назарий билимлардан амалиётда фойдаланишнинг узоқлиги ва ҳоказо.

Дарс таҳлилининг турлари

Дарс таҳлилини шартли равишда қуйидаги асосий 5 турга бўлиш мумкин:

Илмий таҳлилда — ҳар бир билим илмий асосланган, тажрибадан ўтган ва ўқувчиларга яхши маълум билимлардан келиб чиқиб тушунтирилишига аҳамият берилади.

Методик таҳлилда — ўқув материалини баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларнинг шу материал мазмунига мослиги ёки мос эмаслиги аниқланади.

Дидактик таҳлилда — ўқитувчининг ўз дарсини таълим тамойилларига амал қилган ҳолда олиб борилиши ўрганилади.

Умумпедагогик таҳлилда — дарснинг ҳамма жиҳатларининг қисқа ва ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади.

Умумпсихологик таҳлилда — дарснинг тузилишига, мазмунига психологик жиҳатдан баҳо берилади ва ўқувчиларнинг қуйидаги фаолиятларини ташкил қила олиши ўрганилади: диққатни ташкил қилиш; идрокни ташкил қилиш; хотирани фаоллаштириш ва ривожлантириш; фикрлаш фаолиятини кучайтириш; мулоҳазаларнинг мантиқийлигига эришиш; ўқувчига қўйилган талабларга эриштириш ва бошқалар.

Кузатилган дарсни расмийлаштириш

(Дарсга тегишли ҳужжатларни тўлдириш)

Таълим тизимида кўп йил фаолият кўрсатган тажрибали раҳбарларимиз дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш учун махсус дафтар тутишни тавсия қилишади.

Алоҳида дафтар тутиш таҳлиллар муддати, миқдори ва кетма-кетлигини таъминлайди. Аввалги таҳлиллар билан қиёслаш ва йўл қўйилган хатоларнинг тузатилганлигини кўриш имконини беради.

Таҳлил дафтарларидаги кузатишлар ўқув йили охирида тўла ўрганилиб, ютуқ ва камчиликлар ўқув юрти йиғилишларида муҳокама қилинади. Бу эса янги ўқув йилида ўқув машғулотларини самарали ташкил қилиш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

Таҳлил дафтарида кузатилган дарсни қуйидаги педагогик талаблар асосида ёзиб бориш тавсия қилинади:

1. Дарс, ўқитувчи ва гуруҳ ҳақида умумий маълумотлар: сана; ўқитувчининг фамилияси, исми-шарифи; маълумоти, фан номи, педагогик фаолияти; дарс мавзуси, мақсади; ўқув хонасининг санитария ҳолати (тайёргарлиги).

2. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги: тақвим мавзу режа ва дарс режаси; маърузалар матни, илмий, ўқув ва методик адабиётлар; кўргазмали, тарқатма ва техник воситаларнинг мавжудлиги.

3. Дарс таҳлилининг мақсади.

4. Дарснинг боришига илмий, методик ва педагогик тавсиф:

— дарснинг тузилиши ва қисмларини режалаштириш; вақтдан, ёзув тахтаси (доска)дан, ёрдамчи материаллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўқув анжомлар билан таъминланганлиги;

— дарснинг мазмуни — ўрганилаётган мавзунинг вақт ва ҳажм жиҳатидан ўқув дастурларга мослиги; баён қилинаётган материалнинг илмийлиги, тўлалиги ва изчиллиги; дарснинг ҳаётий воқеалар билан боғланиши, материалнинг ўқувчилар ёшига мослиги, ғоявий-сиёсий қиймати, дарснинг тарбиявий аҳамияти; ўқитувчининг баён қилиш усули, мавзуни сўраш, баҳолаш, янги мавзуни ўтган мавзуга боғлаш;

— дарс ўтиш усуллари: дарс давомида ўтилган мавзуни сўрашда, янги мавзуни баён қилишда, мустаҳкамлашда, якунлашда қўлланилган услуб ва шакллар ҳамда уларнинг мақсадга мувофиқлиги; дарс давомида фойдаланилган кўргазмали қуроллар, дарсликлар ва техника воситалари, дарсда ўқувчининг мустақил ишлари;

— ўқитувчининг дарсга муносабати: гуруҳ ўқувчиларини билиши, ўқувчиларга муомаласи, гуруҳни идора эта олиши, иш услуби, раҳбарлик роли, нутқ маданияти, ташқи қиёфаси, ўқувчилар ўртасида обрўси, гуруҳ раҳбари ва ота-оналар билан алоқаси.

5. Дарснинг ижобий ва салбий томонлари: бунда дарс кузатувчи таҳлил давомида кўрган ютуқ ва камчиликларни ажратиб олади, тавсиялар ёзиб қўяди.

6. Хулоса: илмий, методик ва педагогик таклифлар:

— дарс режасининг бажарилиши, дарсда қўйилган мақсадга эришиш, ўқувчилар билимининг сифати, дарс Давлат таълимнинг стандартларига жавоб бериши;

— ўқитувчининг илмий, методик ва педагогик жиҳатдан ёрдамга муҳтожлиги ёки ўқитувчи илғор тажрибасининг оммалаштиришга лойиқлиги;

— дарснинг самарадорлиги ва ўқитувчининг иш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган илмий, методик ва педагогик таклифлар.

Ишлаб чиқариш (касбий таълим) дарсларини таҳлил қилишнинг хусусиятлари

Ишлаб чиқариш таълими дарсларида ўқувчилар касб-кўникмаларини ҳосил қиладилар. Улар махсус фанлардан ўрганилган назарий билимларини лабораторияларда, ўқув ишлаб чиқариш цехларида, ишлаб чиқариш устахоналарида қўллайдилар. Ўқувчилар бу жараёнда ўз касбларининг дастлабки кўникмаларини амалиётда ўрганадилар. Шунга кўра, ишлаб чиқариш амалиёти таълими дарсларини таҳлил қилишда қуйидагиларга алоҳида эътибор беришни тавсия қиламиз:

1. Ўқув ишлаб чиқариш таълими дарсларини ташкил қилиш учун расмий ҳужжатларнинг мавжудлиги:

— машғулот режаси: бу ерда амалий дарснинг бутун (4 ёки 6 соатлик) даври давомидаги технологик жараён аниқ кўрсатилиши лозим;

— амалий машғулотда ўқувчиларга бериладиган дастлабки назарий кўрсатма, ишнинг технологик жараёни кўрсатилган қўлланма (технологик харита), иш ўринларининг қатъий тақсимоти, белгиланган вақт меъёрлари, техника ва меҳнат хавфсизлигига оид кўрсатма ва бошқа услубий кўрсатмалар.

2. Амалиётдаги иш ўринларининг белгиланган мавзу дастурига мос келиши: бажарилиш мумкин бўлган барча технологик жараёнлар ҳисобга олинганлиги, агар дастур талабларини тўлиқ бажариш учун шароит бўлмаса, унинг ўрни қандай тўлдирилганлиги аниқланади.

3. Ўқувчиларнинг машғулотга тайёргарлиги:

— ягона иш кийими ташкил қилинганлиги, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига тўғри келиши ёки келмаслиги;

— ўқувчиларнинг машғулотга муносабати (интизом сақлаб машғулот бошланишини кутиши, касбига қизиқиши ва бошқалар).

4. Машғулот бошланмасдан ўқувчиларга индивидуал кўрсатмалар берилиши.

5. Ўқувчиларнинг машғулотни мустақил ташкил қила олиши.

6. Иш даврида технологик жараёнларга қатъий риоя қилиши.

7. Бажарилаётган иш сифатининг текшириб борилиши.

8. Ишни тўла бажара олиш.

9. Машғулотнинг замонавий технологик жараёнларга қанчалик яқинлиги.

10. Муҳандис ўқитувчининг ҳар бир ўқувчи бажарган ишнинг — ютуқ ва камчиликларини кўрсатиши (ишларни қабул қилиб олиш, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, иш ўринларининг озодалигини сақлашга эътибор қаратиш, уйга вазифа ва топшириқлар бериш, бажарилган ишни баҳолаш ва бошқалар).

Ҳозир ЎМКҲТ таълим муассасаларида жуфтлик дарслар одат тусига кириб бормоқда. Одатда бу дарслар 80-90 минут давом этади. Унинг қулай томонлари:

— бошланган мавзуларни тўлиқ ўтиш имкониятини беради;

— сўровлар, мустақил ишлар, назорат ишларини ўз вақтида ўтилган материални тўла қоплаган ҳолда ташкил қилиш мумкин бўлади.

Аммо, шу билан бирга белгиланган жуфтлик дарслар вақтидан самарали фойдаланишгина дастурни тўла ўзлаштиришга имкон беради. Янги ташкил қилинган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги жуфтлик дарсларни кузатишда вақтдан оқилона фойдаланиш тамойилларига эътибор берилмаётганлиги ҳолларини кузатдик. Бу, айниқса, янги мавзуни батафсил ёздиришга уриниб ўқитувчи дарс вақтининг 60-70 фоизини йўқотмоқда. Бунда ташкилий ишлар учун сарфланган 5 минутни, уйга берилган топшириқларни текширишга сарфланган 10 минутни, уйга вазифаларини бериш ва тушунтиришга сарфланган 10 минутни эътиборга олсак, бутун дарс вақти ишлатиб бўлинган бўлади. Лекин бундай босқич билан дарсни ташкил қилишда ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш, амалий кўникмалар ҳосил қилдириш четда қолади. Ўқувчи берилган дарс баёнини ўқиш билан чегараланиб, мустақил ишлаш, адабиёт ва қўлланмалардан, фойдаланиш каби энг муҳим хусусиятларни ҳосил қилмайди. Бунинг олдини олиш учун дарс баёнида мавзунинг энг муҳим томонлари (таянч конспектлари шаклида) ёздирилиб, унга маъруза матнлари, адабиётлар кўрсатилиб борилиши лозим.

М.БОЛИЕВ,
Самарқанд вилоят ЎМКҲТ бошқармаси инновация ва илғор педагогик технологиялар бўлими бошлиғи,
И.КАЛОНОВА,
Самарқанд тиббиёт коллежининг касбий таълим бўйича директор ўринбосари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий

"ГЎЗАЛОЙ" ТАРБИЯГА БОЙ

Кейинги пайтларда тарбия маскани сифатида фаолиятини тўхтатиб даромадсизликдан ташландиқ ҳолга келган боғча-яслилар тадбиркор инсонлар қўлига ўтиб, хусусий боғчага айлантирилаётганлиги уларнинг қайта тикланишини, ривожланиб янада чирой очишини таъминламоқда.

Шовот туманидаги "Гулистон" ширкат хўжалигида жойлашган "Ойдин" хусусий фирмасига қарашли "Гўзалой" хусусий боғчаси ҳам ана шундай келажаги порлоқ таълим муассасаларидан биридир. Ушбу мактабгача таълим муассасаси 2001 йилнинг июнь ойидан бошлаб фаолият кўрсатаяпти ва бу ерга халқ таълими аълочиси Ойдин Жабборова раҳбарлик қилмоқда. Масканда 50—60 нафар болалар таълим-тарбия олмоқдалар. Жумагул Қуронбоева, Марям Хўжакова, Нигора Тожиева каби тарбиячилар кичкинтойларга қизиқарли бўлиши учун машғулотларда бор куч-маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Боғчанинг кенг ва кўркам спорт зали мавжуд бўлиб, бу ерда Хушнуд Каримов болаларга каратэ сир-асрорларини ўргатмоқда. Мазкур гўшада кам таъминланган оилаларнинг 15 нафар фарзанди бепул тарбияланмоқда. Бу ерга инглиз тили тўгарагини олиб бориш учун "Тинчлик" корпусидан вакил таклиф қилинган. Ушбу муассаса раҳбариятининг олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ўз натижасини кўрсатмоқда.

Кичкинтойлар туман миқёсида ўтказилган "Жажжи гўзал" кўрик-танловида ва "Соғломжон—полвонжон" мусобақаларида 2-ўринни эгалладилар.

Бахтиёр МАҲМУДОВ
Хоразм вилояти

ИСТИҚЛОЛ НУРИ ТУШГАН МАСКАН

Мустақилликнинг 11 йиллик байрамини она-диёримизнинг бир бўлаги бўлган Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи бағрида тарбияланаётган 109 нафар ўқувчи болалар ҳамда 78 педагог тарбиячилар қизғин кутиб олиш учун тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Мазкур тарбия гўшасида турли миллат фарзандларига оталиқ ташкилоти — НТМКнинг ғамхўрлиги катта бўлмоқда. Бу саховатпеша концерн ташкилоти меҳрибонлик уйи қошидаги 13 та гуруҳдаги болалар ётоқхонаси шароитини янада яхшилаш мақсадида 13 млн. сўмга жиҳозлар сотиб олиб берди. Бундан ташқари ҳар бир гуруҳ учун телевизор, кутубхона фонди учун ўқув дарсликлари туҳфа қилинганлиги болажонлар қалбида олам-олам қувонч ёғдуларини уйғотди. Қувонарлиси шундаки, янги ўқув йилидан бошлаб ҳар бир ўқувчига ҳомий ташкилотлар ҳамда меҳрибонлик уйининг маркетинг хизматидан тушган маблағ ҳисобидан стипендия берилади. Бундай эъзоз тарбияланувчиларнинг фаоллигини ошириб, меҳр-оқибатли бўлишга чорламоқда. Яқинда меҳрибонлик уйида гуруҳлар ўртасида "Истиқлол — ёрқин келажагимиз" мавзусида танлов ўтказилди. Тадбирда болалар ўзлари чизган расмлари, компьютер саводхонликлари бўйича ҳамда қалбларни қувонтирувчи дилрабо қўшиқлари билан орзу-ҳаваларини намойиш этишди. Танлов шарти бўйича ғолиблик 9-синф ўқувчиси Р.Бобоқуловга компьютер билимдонлиги бўйича, 10-синф ўқувчиси С.Мухторовга ҳарбий машқларни аъло даражада бажарганлиги бўйича, 6-синф ўқувчиси Ж.Снатинага адвокатлик орзуси бўйича 8-синф ўқувчиси Р.Кажевниковага рассомлик асарлари бўйича, 6-синф ўқувчиси Г.Собировга ашула айтиш бўйича биринчилик насиб этди.

Моҳинисо ПЎЛАТОВА

«Ma'rifat»ga maktublar



ЭЛЧИ ҚИШЛОҚҚА КЕЛДИ

Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига қизғин тараддуд кўраётган Ватанимиз жаҳонга тобора кенг юз тутмоқда. Озод мамлакатимизнинг вилоят ва туманларига, ҳатто чекка қишлоқларига ҳам чет эллардан нуфузли меҳмонлар, таниқли ишбилармон ва тадбиркорлар, ҳатто энг ривожланган давлатларнинг мамлакатимиздаги элчиларининг ташриф буюришлари одатий ҳол бўлиб қолмоқда.

Яқинда ана шундай меҳмонлардан бири — АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрст Андижонга келди. Сафардан мақсад АҚШ ҳукумати кўмагида лойиҳалаштирилган ҳамда амалга оширилаётган ишлар билан танишув эди. Америкалик меҳмон Андижоннинг бир қанча жойларини бориб кўрди.

Сафар чоғида элчи бизнинг Марҳамат туманимизга ҳам ташриф буюрди.

Туманнинг Аҳмаджон Мамажонов номидаги 4-ўрта мактабида элчи жаноблари билан бўлган учрашув Ўзбекистон ва Америка халқлари ўртасида тобора ривожланиб бораётган самимий дўстлик тантаналаридан бири бўлди, десак муболаға бўлмас.

Жон Хёрст тумандаги Найман қишлоғига ҳам ташриф буюрди. Ушбу қишлоқ чегара ҳудудда жойлашган бўлиб, Қирғизистондаги яна бир Найман қишлоғи билан туташ. Ҳар иккала мамлакатдаги қишлоқларни ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳамкорликдаги лойиҳа ишлаб чиқилган эди.

Жон Хёрст сафари чоғида ана шу лойиҳани амалга ошириш жараёнлари билан танишди.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Ҳозирги вақтда экологик фалокат, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвон турларининг камайиб кетаётганлиги ҳақида кўп гапирилади.

Инсоният тарихида жонзотларни асраш, ноёб табиат ҳудудлари даҳлсизлигини сақлашда диннинг ўрни катта бўлган.

"Авесто", "Таврот", "Инжил", "Қуръони карим" ва бошқа бебаҳо китобларда тирик жонзотларга тўғри муносабатда бўлиш талаб қилинади.

Қуйидаги ривоятда ҳам ободонлаштириш ишларининг афзалликлари тўғрисида ҳикоя қилинади:

"Қадим замонларда бир кекса чол ташландиқ ерларга мевали дарахтлар кўчатини экаётган экан. Унинг ёнидан шоҳ ўз аъёнлари билан ўтиб кетаётиб:

— Э, отахон, ўзингиз қариб қолибсиз-ку, бу кўчатларнинг мевасини қачон ейсиз, деб кулибди.

Шунда отахон:

— Олампаноҳ, мен емасам, менинг орқамда қолганлар ейди, соясида дам олиб, мени дуо қиладилар, — деб жавоб берибди. Шоҳ бу гапдан таъсирланиб:

— Балли отахон, Сиз узоқ яшайсиз, — деб отага 100 тилла берибди.

— Раҳмат шоҳим, мана экаётган кўчатларнинг биринчи мевасини — едим, — дебди. Шоҳ яна 100 тилла бериб, аъёнлари билан ўз йўлида равона бўлган экан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, экологик тарбияни етти ёшдан етмиш ёшгача оилада, боғчада, мактабларда, маҳаллада ҳар куни, ҳар доим олиб бориш керак.

Абдуолим МУҲАММАДАЛИЕВ,
Тошкент вилояти Чиноз тумани

ЗИЁРАТ

Чортоқ туман ҳокимлиги, "Нуроний" маҳалла хайрия жамғармаси "2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан Фарғона водийси бўйлаб саёҳат уюштирди. Саёҳатга таклиф этилган юзга яқин нуроний отахон ва онахонларнинг кўпчилиги халқ таълими тизимида узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққан мураббий устозлар бўлиб, Олимжон ота Фозилов ана шулардан биридир.

— Кўпдан бери қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийга бағишлаб бунёд этилган мажмуани зиёрат қилишни кўнглимга тугиб юрган эдим, — дейди отахон педагог. — Ниятимга етдим, М.Азизов, У.Мамажонов, Т.Усмонов, Ж.Сойиббоева каби ҳамкасбларим билан аллома яшаган жойларда бўлиб, ул зот ҳайкали пойига гуллар қўйдик, теваракатрофдаги саранжомсаришталик, ободончиликдан мамнун бўлдик. Ал-Фарғоний хотирасини абадийлаштириш борасида қилинган саъй-ҳаракатлар учун республикамиз раҳбариятидан миннатдор бўлдик.

Ҳа, кексаларни қадрлаган юртнинг эртаси ёруғ бўлади. Зеро, бугунги хайрли ишларимиз эртага ёш авлоддан ўзимизга қайтиши, шубҳасиз.

К.Раҳимов,
Чортоқ туманидаги 47-мактаб ўқитувчиси

НОЗИК МАСАЛА

Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир, деган эди буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний. Ўтган аср бошларида куюнчаклик билан айтилган бу ҳикмат ҳали ҳам ўз аҳамияти, қимматини йўқотмаган. Ўзбек оиласида доимо бу нақл асосида иш кўрилиб, фарзандларини ахлоқли, одобли қилиб тарбиялаш учун ота-она қўлидан келган имкониятларни ишга соладилар. Айниқса, нозик ҳисобланган — қиз бола тарбияси, оиладаги ҳар бир майда-чуйда юмушларни бажариш, меҳмон кутишлар, пазандалик сирлари, муомала маданияти барчаси оилада шаклланади.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, қиз боланинг ҳам оила, маҳалладаги ўзидан катта ёшдаги опаларига, онасига қараб дунёқараши шаклланади. Афсуски, ҳозирги кунда кўчаларда баъзи қизларимизнинг калта кийимларда, оғзидан эса боди кириб, шоди чиқаётганлигини кўриб, наҳотки, шулар Тўмарис, Нодирабегим, Зебуннисо, Увайсий авлодлари бўлса, дея ўйга толаман. Қиз бола иболи, ҳаёли, тарбияли бўлса, келгусида чиройли оила қурилади ва шулар ҳисобига жамиятимиз ҳам мустаҳкамлана боради. Оилаларимиз ана шундай гўзал бўлсинки, кўрган қардошлар ўзбек оиласига, ўзбек қизларига, ҳусну одобига ҳавас қилсинлар.

Г.ДУСТАЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Саҳифани Назокат ХОЛМЕТОВА тайёрлади.

Бундан буён билимсизлик, ўз устида ишламаслик, дарснинг ярмини йўқлама билан, қолганини эса амал-тақал қилиб ўтказаётган муаллимларга панд берадиган замонлар келди.

Одам боласини меҳнатгина гўзал қилади. У туфайли ёвузлик инсондан узоқлашади. Меҳнат оқибатлиликни, меҳр-муҳаббатлиликни бир-бирларига бўлган ҳурматни доимо орттириб боради.

ТАЪЛИМДА БЕХБУДИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Жамиятимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан асосий мақсад узлуксиз таълимни жорий қилиш ва ҳар томонлама мукаммал ривожланган шахсни тарбиялашдир.

Бугунги кун ўқитувчи ёшлари сиймосида умуминсоний қадриятлар билан биргаликда ўзбекона тарбия, миллий ғурур, ҳамда шарқоналикнинг ўзига хос хусусиятлари уфуриб туриши лозим. Бу ўз навбатида таълим тизимига миллий маънавий меросимиз, ўзбек халқининг бебаҳо хазинаси бўлмиш халқ педагогикасини чуқуррок олиб киришни тақозо этади. Таълимда узвийликни таъминлашда ва унинг мазмунини бойитишда шарқ маърифатпарвар мутафаккирларининг педогогик қарашлари ва ғояларининг бугунги кун замонавий таълим-тарбия билан уйғунлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ педагогикаси жуда кенг, серқирра ва сермазмун бўлиб унда муҳим ўрин тутган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг (1874-1919) бизга қолдирган маънавий мероси бугун ҳам ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг карвонбошиси сифатида фаолият кўрсатган. Шахснинг шакланишида илму маърифатга алоҳида эътибор билан қараган Беҳбудий ўз даврида комил инсон тарбияси билан боғлиқ қуйидаги уч ғояни илгари суради:

— Замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш.

— Миллат тақдир ва истиқболини белгиловчи миллий кадрларни етиштириш.

— Миллий бирқиликдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш.

XX асрнинг бошларида илгари сурилган бу қарашлар мамлакатимизда XXI асрнинг долзарб масаларларидан бўлган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастур" тўғрисида"ги қонун, "Соғлом авлод дастурлари" талаблари мазмунида ўз аксини топган бўлиб, давр билан ҳамоҳанг бўлмоқда.

Жисмонан соғлом, юксак ахлоққа эга, маънавий бой, замон талабларига мос келадиган, ҳар қандай вазиятдан ақл-идрок билан чиқиб кета оладиган етук шахсларни тарбиялаш таълим тизими ходимлари, ота-оналар ва жамоатчиликнинг энг муҳим бурчи бўлиб келмоқда.

Беҳбудий ғоялари ва бугунги ёшлар тарбиясига қўйилган талаблар мазмун моҳияти жиҳатидан бир-бирини тўлдириб уйғунлашиб кетганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Халқимизда "Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ" деган мақол бежиз айтилмаган. Бехбудий таъкидлаганидек замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш керак. Унинг бу ғоясини ўз фанининг моҳир устаси, билимдони, ижодкор, янгиликларга интилувчан, болани севувчи, ўқувчи қалбига йўл топа оладиган, фанни ўқитишда ўқувчига ҳаёт сабоқларини ўргатадиган, уни ўқишга ундайдиган, мустақил фикрга эга бўлган ўқувчиларни тарбиялайдиган, дунёқараши кенг бўлган устоз бўлишини талаб этмоқда. Бундан буён билимсизлик, ўз устида ишламаслик, дарснинг ярмини йўқлама билан, қолганини эса амал тақал қилиб ўтказаётган муаллимларга панд берадиган замонлар келди. Бу эса ўқитувчи вазифасига нисбатан масъулиятлироқ ёндашишни бу борада жиддийроқ ўйлаб кўришни талаб этади. Ўз-ўзидан ўқитувчи меҳнатининг самараси ўқувчи сиймосида намоён бўлади.

Беҳбудийнинг пурмаъно қарашлари улуғ сиймонинг нақадар узоқни кўра билганлигидан далолат беради. У миллат тақдири ва истиқболини белгилашда миллий кадрларнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтган.

Мамлакат халқ хўжалигининг ривожланиши ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиш, халқнинг ҳаёт фаровонлигини ошириш шу юртда доимий яшаётган мутахассис кадрларга боғлиқ.

Таълим тизимини юқори босқичга кўтариш ўқитишнинг янгича услубларидан, энг илғор педогогик технологиялардан фойдаланиш ўз-ўзидан кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда Республикамизда жорий этилган узлуксиз таълим тизими, айниқса таълимнинг янги шакли академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳозирги замон талабларига мос бўлган замонавий кадрлар тайёрлаш учун замин бўлди. Бу эса мустақил юртимизда Маҳмудхўжа Беҳбудий ғоясининг талқини сифатида намоён бўлмоқда.

Беҳбудий ўзининг педагогик қарашларида Туркистон халқини ўз қобиғига ўралиб қолмай дунё миқёсида фикрлай оладиган, ўз она тилини билиш билан бирга чет тилларини ўрганиб хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш, жаҳон андозалари даражасида иш олиб бора оладиган миллат бўлишини эътироф этган.

Буюк маърифатпарварнинг бу ғоялари, тарихда муҳрланиб қолди. Унинг орзу умидлари мустақиллик шарофати ва Президентимиз саъйи ҳаракатлари билан рўёбга чиқмоқда.

Р. МАМАНАЗАРОВА
Т. БОТИРОВ

ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САНЪАТ

Бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур буюк давлат арбоби эди. Ўз даврида Мовароуннаҳрда миллий бирликни юзага келтирган мустақил давлатга асос солган, ўрта аср уйғониш даври маданияти, илм-фани, санъати тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган, унинг беназир ҳомийси бўлиб танилган бу улуғ зот асрлар оша авлодларнинг фахри ва ифтихори бўлиб келмоқда.

Темурийлар даврида Ўрта Осиёда майдонга келган цивилизация буюк тарихий шахсларни—файласуф ва донишмандларни, шоиру санъаткорларни, меъмор ва соҳиби ҳунарларни етиштирди. Улар ўз навбатида жаҳон маданий тараққиётини бойитишга катта ҳисса қўшдилар. Шунинг учун ҳам Темурнинг сиёсий фаолияти, фалсафий назариялари беш юз йил олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу давр маданияти, илм-фани, санъати, унинг бадиий-эстетик қадр-қиммати чуқур ва тўла ўрганилган, деб айта олмаймиз. Темурийлар даври маданиятига алоқадор манбаларнинг кўпчилиги асрлар мобайнида ўзаро урушлар тўполонлар, табиий офатларда йўқолиб, уларнинг излари кам қолган. Дунё музейларида сақланаётган манбалар, ҳужжатларнинг барчаси тўпланиб, таржима қилинмаган. Бунинг сабаблари жуда кўп. Шу кеча-кундузда республикамизда рўй бераётган янгилик ва ўлкан воқеалар ўз кўлами билан порлоқ келажагимизнинг йўлчи юлдузи бўлиб ярқираб нур сочмоқда, тарихий хазиналаримизнинг эшиклари истиқлол туфайли очилмоқда.

Бинобарин, Темур ва темурийлар даври санъатини мукаммал ўрганиш, ҳозирги замон санъати тараққиётида унинг ёй анъаналаридан фойдаланиш йўлларини излаш санъаткорлар ва санъатшунослик фанининг қадрли ва зъзозли вазифаларидан бўлиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида мустақил давлатимиз ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Соҳибқирон Амир Темур даврида Ўрта Осиёнинг мустақил бир давлат остига бирлаштирилиши, мамлакат ичида тинчлик ўрнатилиши, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига улкан таъсир кўрсатди. Бу даврда илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва меъморчилик равнақ топди. Темур ўзи мамлакат сиёсати билан шуғулланган бўлсада, мамлакат пойтахти Самарқанднинг ободонлигига катта эътибор берди. Бунинг учун Мовароуннаҳрнинг ҳамма жойларидан, яқин ва Ўрта Шарқ ўлкаларидан, тобе мамлакатлардан жуда кўп машҳур илм аҳлларини йиғди.

1404-1406 йилларда Самарқандда бўлган Испания элчиси Клавихо ўз кундаликларида Самарқанднинг бениҳоя ободонлигини, гавжумлигини ёзган. Самарқандда маҳаллий халқдан ташқари христианлар, юнонлар, эронийлар, туркларнинг ҳаммаси ўз ҳунарларини ишлаб чиқарган. Самарқандда ҳунармандчилик, меъморчилик, адабиёт, санъат, ҳаттотлик ва мусиқа санъати гуркираб ўсди, кўп олимлар, санъаткорлар етишиб чиқди.

Мана шу буюк кўтарилиш юз берганини ҳисобга олиб академик Н.И.Конрад "Темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда қадимий Марказий Осиёда майдонга келган универсиализмнинг буюк руҳи янгидан яшай бошлади. Бу универсиализм... маданиятнинг ҳамма жабҳасида ҳақиқат эди", деб ёзганди.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бу даврда Самарқанд ва Ҳиротда Атойи, Саккокий, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Яқиний, Амирий, Жавҳарий, Мавлоно Толиъ, Бистоний каби шоирлар турк ва форс тилларида ижод қилганлар. Шарқ классик адабиёти таржималарига ҳам катта эътибор берилган. Чунончи XIV асрда Низомийнинг "Хусрав ва Ширин", "Маҳзунул асрор" ("Сирлар хазинаси") достонлари таржима қилинган. Бу достонлар халқнинг адолат ва маърифатга интилишларини кучайтиришга хизмат қилган. Бу даврда адабиёт назариясига оид асарлар ҳам яратилган. Бадиий ижоднинг ғазал, рубоий, туюқ каби турлари ривож топган.

Алишер Навоийнинг эътироф этишича, темурийлар даврида, айниқса, турк тилидаги адабиёт тараққиётига жиддий эътибор берилган. Чунончи, Навоий турк тилида ёзувчи шоирлар ҳақида тўхталиб: "... Темур кўраган замонидан фарзанди Шохрух Султон замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва ахфодидин хам хуш таъб салотини Зухурға келди. Шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий, Атойи ва Муқимий, Амирий ва Гадоийдек. Ва форсий мазкур бўлғон шуаро истиқомат қилишган. Булар ҳаммаси Туркистон ва Шарқ халқлари маданияти ва санъатининг бир-бирига яқинлашувига олиб келган. Бу фикрни Али Яздий ҳам тасдиқлайди. Яъни, Самарқандда ўтадиган сайл ва томошаларда етарли санъаткорлар билан бир қаторда бошқа турли мамлакат намояндалари ҳам кенг қатнашган, араб, форс, турк, мўғул, хитой кўшиқ ва рақслари ижро этилган.

Темур ғояси бўйича, яқин ва Ўрта Шарқдан тўпланган соҳиби ҳунарлар, йирик санъаткорлар ҳисобига Мовароуннаҳр халқларининг мавжуд бадиий ижоди янада юксалиши, Самарқанд эса, Шарқ ижодий кучларининг марказига айланиши — булар ҳаммаси маданият ва санъатда янги йўналишларни вужудга келтириши керак эди. Темур илм-фан ва санъат намояндаларини ўз ҳимоясига олади. Уларнинг тирикчилиги, ижодий фаолиятлари давлат ҳисобига олинади. "Темур тузуклари"да бу тадбирлар ўз ифодасини топган. Унда: "...ўнинчи тоифа ҳунар — санъат эгаларидир, уларни давлатхонага келтириб, ўрдадан ўринлар белгиладим", деб ёзилган. Темур давлати саъй-ҳаракатлари туфайли XIV аср ўрталари XV аср бошида Самарқандда астрономия, тиббиёт, риёзиёт, фалсафа, тарих каби фанлар, меъморчилик, адабиёт, санъат, ҳаттотлик ва мусиқа санъатлари ривожланиб, кўп олимлар, санъаткорлар етишиб чиқди.

Самарқандда ўтадиган сайл ва томошаларда етарли санъаткорлар билан бир қаторда бошқа турли мамлакат намояндалари ҳам кенг қатнашган, араб, форс, турк, мўғул, хитой кўшиқ ва рақслари ижро этилган.

Темурийлар даврида Самарқанд, Ҳирот ва бошқа шаҳарларда халқ сайллари ва томошалар, уларда кенг оммa қатнашгани ҳақида Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихо каби ўша даврнинг машҳур муаррихлари қимматли маълумотлар берадилар. Подшоҳ давлат ишлари ва ҳарбий ишлардан ҳориган кезларида шатранж ўйнаган, айрим вақтларда эса шоирларнинг янги шеърларини, воизларнинг янги ҳикояларини, созанда ва ҳофизларнинг хазин куйларини тинглашни севган. Жаҳонгирнинг ўзи ҳам гоҳида мушоираларга қатнашган, шеър ўқишда тенгги бўлмаган.

Тарихдан маълумки, Ғарб ва Шарқ давлатчилигида нотиқлик санъати ҳар вақт сиёсий ва ижтимоий аҳамият касб этган. Бу даврда ҳам нотиқлик санъатига катта эътибор берилган. Самарқанд ва Ҳиротда нотиқлик мактаблари бўлиб, уларда Эршод, Қози Хиший, Иброҳим Балхий, Хотам Асал устозлик қилганлар.

Ҳаттотлик санъатида Абдужамол котиб, Султон Али Машҳадий кабиларнинг гўзал асарлари пайдо бўлди. Хусусан, бу икки котиб Алишер Навоий асарларини кўчириш билан шухрат қозонишган.

Шундай қилиб, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда Темур ва темурийлар давлати даврида маданият, илм-фан, меъморчилик билан бир қаторда, ўзбек халқи санъатининг ҳамма турлари равнақ топди. Унинг намояндалари юксак ижодлари билан жаҳон маданияти ва санъати хазинасига катта ҳисса қўшдилар.

Ўктам МУРОДОВ

Юз ёшли момо ўгитлари

Қадим-қадимдан оилага — Ватан кўргони, Ватан ичидаги — Ватан деб қараб келганлар. Албатта, мозийдаги оилалар билан ҳозиргиларини қиёслаб бўлмайди. Ҳар бир даврнинг ўз русм-одатлари ва анъаналари бўлиши табиийдир. Лекин, болалар тарбиясида ўхшаши йўқ қадриятлар мужассамки, уни ўз номи билан одоб-ахлоқ, оилага ва юртга бўлган садоқат ва содиқликда кўрамиз.

Ҳаётнинг ўзи даврлар ўтсада инсонийлик дорилфунуни вазифасини бажариб келаётир. Бизнинг ҳам тақдиримиз тарихида шундай тузумлар бўлдики, шубҳасиз, минг йиллик умумбашарий ва миллий қадриятларимизга гоҳ салбий, гоҳ ижобий таъсирини ўтказганини кўрамиз. Бундайларнинг яхшисидан қувониб, ёмонидан эса афсусланиб яшаймиз. Нима бўлганда ҳам ота ва она тушунчаларининг азалий бошида ўша бегубор ёшлик ётади. Бўлғуси она ва ота тарбияси ҳамма вақт учун ҳам долзарб ва зарур бўлган. Чунки миллатнинг мавжудлиги, борлиги ва боқийлигини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мустақилликка эришганимиздан кейинги илк миллат тақдири билан боғлиқ бўлган хайрли ишни — "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилгани ва шу номдаги нодавлат халқаро жамғарма ташкил этилганидан ҳам билса бўлади. Нима учун айнан соғлом авлод ва соғлом насл тарбиясига бунчалик эътибор қаратилди? Сабаби шундаки, агар соғлом авлод бўлмаса, мустақиллигимиз ҳам қудратли ва мустаҳкам бўлмайди. Фарзандлар соғлиги учун аввало улар туғилмасидан туриб, дунёга келажак гўдакларнинг ота-оналарининг ўзи бардам, тетик ва саломат бўлмоғи керак. Хўш, бу фоний дунё юзини кўрган фарзандлар тарбияси аслида қандай бўлиши керак? Бу шунчалик оддий иш эмас.

Аммо ҳозирда ёшлар тарбиясидаги хунук ҳолатларга дуч келаяпмиз.

Кўча-куйда узун кунни бефойда ўтказаётганларнинг гувоҳи бўлаяпмиз. Назоратсиз ёшлар, фарзандлари, набира ва эваралари даврасида суҳбат қуриб ўтирган вақтида кириб бордим.

Болаларим, — дея сўз бошладилар Улжон момо. — Мозийдан, қадим-қадимдан ота-боболаримиз ва она момоларимиз ҳалол меҳнат билан яшаб келишган. Улар ҳар доим хоромдан ҳазар қилишган. Ахир тўла пақирдаги сувни бир томчи ифлос нарса харом қилади. Осмонўпар хирмонни ҳам, бир ҳовуч ўғирлик дон харомлайди. Бир соат тўғри сўзлаган сўзни ҳам озгина қўшилган ёлғон сўз харом қилади. Зеро, ҳалол билан харомнинг орасида шубҳали нарса ётади. Болаларим, ҳозирги одамлар доно бўлиб қолишганми, билмадим, уларнинг ўпишиб кўришишлари ғашимга ёрларимизга ҳам мутлақо тўғри келмайди. Менинг назаримда фарзанди армиядан қайтганида ёки узоқ сафардан келганида яқин кишилар шундай кўришишлари мумкиндир.

— Моможон, бундай сўрашманглар, уят бўлади деб бизга айтишмаганлар. Ахир ота-онамиз ҳам доим ўпишиб сўрашадиларку. Фарҳод поччам эса оёим билан ўпишиб сўрашганларида қиз бола бўлсам ҳам мен уялиб кетаман, дейди Хайринисо.

— Набирам сен ҳақсан. От изидан той юради, дейдилар. Шу катталарни ўзлари бундай сўрашишликда айбдордирлар. Болаларим, ҳозир сизларнинг эътиборларингизни мен бошқа бир масалага жалб этмоқчиман. Мана, тегади. Аёл ва қизларнинг ўпишиб кўришганига чидаш мумкин, бироқ эркакларга тоқат қилолмайман. Тўғриси бундай ҳолни кўрганимда уялиб кетаман. Ахир бундай сўрашишлик тиббий жиҳатдан ҳам, диний, ахлоқий меъ-ҳаммаларингиз ёзги таътилда-сизлар. Лекин, эртадан кечгача телевизор олдидан нари кетмайсизлар. Кунни бекорга ўтказасизлар. Китоб ҳам, газеталар ҳам деярли ўқимайсизлар. Овқат ейсилар ва яна телевизорга тикиласизлар. Меҳрларингизни шу қурғур ойнаи жаҳон олиб қўйганга ўхшайди. Ахир, телевизор нон-ош бермайдику. Унинг устига бесамар ўтаётган вақтларингизни айтмайсизми?

— Бошқа қиладиган ишимиз бўлмаганидан кейин, ахир телевизор кўрамизда, моможон, дейди Фотима исмли набираси.

— Ҳаёт, яшаш фақат телевизор билангина ўлчанмайди. Каттадир-кичиқдир меҳнат қилиши лозим. Ахир меҳнатнинг нони ширин бўлади. Назаримда ҳақиқий ва саҳоватли инсон бўлиш учун биринчи навбатда фойдали меҳнат қилиш лозим. Омад эса доим бахтни етаклаб келади. Шунинг учун ҳам "Ҳунари борнинг бахти бор", дейдилар. Ҳар бир кишига ўнлаб ҳунар ҳамроҳ бўлмоғи керак. Одам боласини меҳнатгина гўзал қилади. У туфайли ёвузлик инсондан узоқлашади. Меҳнат оқибатлиликни, меҳр-муҳаббатлиликни бир-бирларига бўлган ҳурматни доимо орттириб боради. Ишёқмаслик, яқ-овлик ва лоқайдлик, эътиборсизлик туфайли одам худбинлашиб, хасислашиб боради. Ёшликда илм, ҳунар ўрганиш натижасида, эзгу ният, латиф сўзлик, қадр-қиммат, меҳр-оқибатлилик вужудга келади. Ҳозирги ёшларнинг деярли кўпчилиги ишёқмас, турли баҳоналарни рўкач қилувчилар сафидан жой олишганлигига ҳайрон қоламан. Нимагадир улардан "лаббай", "ҳозир-да" деган жавобларни эшитолмаймиз. Болажонларим, аслида ўзи одобли бўлади. Ахир сўзи ширинликка нима етсин. Ана шуларга эътибор қилсаларингизгина, эртага Улжон момонгизга раҳмат айтасизлар.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Халқ таълими аълочиси

Tarbiyaviy soatlarda

БУГУН КИМГА ЯХШИЛИК ҚИЛДИНГИЗ?

Бировга чоҳ қазисанг ўзинг йиқиласан, дейди доно халқимиз. Бировга яхшилик қилиш қийин, ёмонлик раво кўриш, эса осон. Бу ҳакда Қуръони карим ва ҳадису шарифда ҳам кўп бор таъкидланган. Муқаддас китобларда ёзилишича, мўмин-мусулмонга яхшилик қилиш, унинг кўнглини олиш тоат-ибодат билан тенг экан Бева-бечоранинг ҳам дуосида катта ҳикмат бор.

Аммо айрим одамлар бир-бирига яхшилик қилишдан кўра, кўпроқ ёмонликни раво кўришади, асаблари таранглашган ҳамда сўзлашганда бир-бирларига кўполлик билан жавоб қайтаради.

Лекин мени бир нарса ҳайрон қолдиради. Нега инсон азал-азалдан бир-бирига яхшиликни ҳар доим ҳам раво кўравермайди. Хўш, биз баъзан собиқ империя тарбиялаган инсонларни шафқатсизликда, бебурдликда айблаймиз. Бугун Меҳр пардалари беркилиб қолгандек назаримда. Кўнгилда бироз хавотирлик ҳукмрон. Бу эса киши қалбини безовта қилади, ўйлантиради. Кўнгил хотиржам бўлсагина ийда ҳаловат, ишда унум бўлади. Биз ана шуларни йўқотиб қўяётгандекмиз. Бу аслида энг катта бойлик. Аммо шунинг баробарида сабр-қаноат ҳам йўқолган. Кимдир бойликка ружу қўйган, кимдир эса бошқа бир номақбул иш билан банд. Бировга ёрдам бериш эса хаёлимизга ҳам келмайди. Инсон аслида бир-бирига яхшилик қилиш учун яралган. Яхшиликда эса ҳикмат кўп. Донолар эса қўлдан келганча яхшилик қил деб бежиз айтишмаган. Ҳазрат Али ҳар куни ўзига-ўзи савол берар экан. "Али бугун кимга яхшилик қилдинг!" Биз ҳам ўзимизга ўзимиз савол бериб кўрайлик? Кимга яхшилик қилдик. Мансаб, бойлик — буларнинг барчаси ўткинчи нарсалардир. Қайси бир кўнгли шикастага яхшилик қилсангиз, ўша сизни умрбод эслаб юради. Ёмонлик эса ёмонлик билан эсланади.

Бир одам кўчадан ўтиб кетаётиб, кекса кишининг йўлда қоқилиб кетганини кўрибди. Унга ҳеч ким эътибор бермаётган экан. Шунда ҳалиги ва одам дарров бориб ўша қарияга ёрдам берибди. Уни уйигача кузатиб қўйибди. Бу ҳолатни кўриб турганлар, бу қария умр бўйи бировга яхшилик қилмаган, ҳатто, ота-онага ҳам дейишиб, қарияга ёрдам берган кишига танбеҳ беришибди. Шунда раҳмдил киши: "Мен буни биларди-дим, бироқ отам қўлингдан келса, менинг душманимга ҳам яхшилик қил" дегандилар дебди.

Қария эса бу инсоннинг яхшилигини кўриб: "Мен умр бўйи одамлардан яхшиликни дариг тутгандим, жумладан, отанга ҳам ёмонликни раво кўргандим. Сен эса менга ёрдам бердинг. Шунча йил яшаб ёмонлик яхшилик билан қайтишини энди кўриб турибман. Менга ҳеч ким ёрдам бермаганди, сен эса мени уйимгача кузатиб қўйдинг. Бўлмаса менга бирор кор-ҳол бўлиши аниқ эди. Соғлигим жойида эмас. Мени ўлимдан сақлаб қолдинг. Бунинг учун сендан миннатдорман, — дебди.

Ана шундай қилиб у умрини бекуда ўтказганидан афсусланибди ва бор бисотини йигитга қолдирибди. Бу бир ривоят бўлса-да, бунинг замирида ҳаётий ҳақиқат бор. Кимгадир бирор бир яхшилик қилган инсон Оллоҳ назаридa бўлади, дейишади. Шу боис ҳам бу дунёда фақат яхшилик қилиш керак.

Иззат АҲМЕДОВ

Айни саратон кунларида сувни тежаш, унинг томчисини ҳам беснобуд қилмаслик лозим, сув — мўъжиза эканини таъкидловчи ушбу эртак катта тарбиявий аҳамиятга эга.

ТИЛШУНОСЛАРГА ҚУЛАЙЛИК



Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан иқтисодий, маданий, сиёсий соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Жамият ҳаётидаги бундай ўзгаришлар ўзбек халқининг тилида ҳам ўз ифодасини топди. Истиқлол шароитидаги ижтимоий муносабатларни ифодаловчи маркетинг, дилер, менежмент каби янгиданянги сўзлар муомалага кириб келди.

Совет даврида юритилган тил сиёсати таъсирида вужудга келган "умумий лексик фонд" деб аталувчи лексик бирликлар таркибида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Бундай фондга зўрма-зўраки киритилган бир қатор сўзлар мустақиллик даврида ўзбекона муқобили билан алмаштирилди. Масалан, календар, канцелярия, адрес, экономика сўзлари ўрнига тақвим, девонхона, котиб(а), манзил, иқтисод каби. Илгари қўлланилиб келган қатор сўзларнинг маъно тузилишида ўзгариш рўй берди. Масалан, **президент, тадбиркор, ишбилармон** ва бошқалар. Ўзбек тилининг луғат таркибидаги бундай ўзгаришларнинг рўй бериши, табиий равишда, 1981 йилда нашр қилинган ва совет тил сиёсатини ўзида тўла намоён қилган икки жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"ни маънавий жиҳатдан эскирганини кўрсатиб берди.

Биринчи типдаги луғатларни тузиш кейинги типдаги луғатлар учун замин яратади. Шунинг учун ҳам сўнгги даврларда бир қанча тармоқ луғатлари яратилди. Турли фан соҳалари бўйича атамалар изоҳли луғати тузилди. Ўзбек исмлари изоҳли луғати (Э.Бегматов), Ўзбекистон жой номлари луғати (Т.Нафасов), касб-ҳунар атамалари луғати (С.Иброҳимов), ўзбек шеваларига доир луғатлар яратилди.

Ушбу луғат қанчалик камчиликларга эга бўлмасин, тақризчилар томонидан қанчалик танқид қилинмасин, ўзбек лексикографияси тарихида ўзбек тилининг илк изоҳли луғати сифатида алоҳида қимматга эга.

Мавжуд икки жилдлик изоҳли луғатга танқидий ёндошган ҳолда бугунги ўзбек тили лексик имкониятларини намойиш этувчи изоҳли луғатнинг яратилишига катта амалий эҳтиёж сезилаётган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўп жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"ни яратишга қарор қилди. Лекин бундай луғатни яратиш узоқ муддатни талаб этади. Ўзбек тилига мустақиллик шароитида кириб келган сўзларнинг маъносини билишга эса аҳоли ўртасида қизиқиш катта. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланилмаётган сўзларнинг изоҳли луғатини яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида Халқаро "Central Asia Free Exchange" (CAFE) ташкилотига қарашли Андижон Тараққиёт Маркази ташаббуси ва бевосита ёрдамида Андижон Давлат Университети олимлари қисқа муддатда бир жилдлик "Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати"ни тайёрлаш ва нашр этиш лойиҳасини туздилар. Бу лойиҳа халқаро "Сорос" фонди томонидан маъқулланди ва уни амалга ошириш учун маблағ ажратди.

"Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати" олдинги яратилган икки жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"дан сўзларни танлаш, уни жойлаштириш ва изоҳлаш тамойиллари жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

ҲАММАБОП ЛУҒАТ

Ўз олдига инглиз тилини ўрганишни мақсад қилиб қўйган мактаб ўқувчилари, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари талабалари, аспирант ва таржимонлар ҳамда мутахассислар учун мўлжалланган "Инглизча-ўзбекча" луғатнинг нашрдан чиқиши китобхонлар томонидан муносиб кутиб олинди.

Луғат билан ишловчиларни биринчи навбатда унинг сўз бойлиги қизиқтириши, табиий. Таъкидлаш лозимки, луғат 25000га яқин сўз ва ибораларни ўз ичига олгани билан қимматлидир. Зеро у, шу пайтга қадар нашр этилган "Инглизча-ўзбекча" луғатларнинг энг каттасидир.

Луғатнинг асосий вазифаси инглиз тилини ўрганувчиларга ёрдам бериш ва шу тилнинг замонавий лексик бойлиги билан таништиришдир.

"Инглизча-ўзбекча" луғатлар бундан олдин нашр этилган эди. Замон талаба кун сайин ортиб бораётганлиги туфайли улар бугунги кун талабига тўла жавоб беролмай қолди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур луғат ўз вазифаси ва тузилишига кўра илгариги луғатлардан катта фарқ қилади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, сўнгги пайтларда республикамизда лексикография ишлари анча олга босди, лексикография назарияси соҳасида ҳам, амалиётида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди, ундан ташқари, ҳозирги замон инглиз тили лексикографикасида юз берган ўзгаришларни акс эттирувчи турли луғатлар, соҳа луғатлари нашр қилинди ва қилинмоқда. Шу маънода "Инглизча-ўзбекча" луғатларнинг вазифаси, мақсади ва уларга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгарди. Иккинчидан, ўзбек китобхонларининг инглиз тили соҳасидаги билимлари анчагина ошди. Натижада таржимонлар учун амалий қўлланма, тилни ўрганувчилар учун ёрдамчи қўлланма бўла оладиган мукаммал "Инглизча-ўзбекча" луғатларга катта эҳтиёж туғилди. Инглиз тили лексикаси кўпгина янги сўз, термин ва бириқмалар билан бойиди. Луғатнинг илгариги луғатлардан яна бир фарқи шундаки, бу луғатда сўзларга доир грамматик маълумотлар анча кенгайтирилган, инглиз тилини ўрганувчилар учун маълум қийинчиликлар туғдирадиган сўзларнинг грамматик шакллари кенгроқ кўрсатилган. Луғатни замонавийлаштириш методик талаблар нуқтаи назаридан мутлақо зарурдир. Ҳар бир икки тиллик луғат бир пайтнинг ўзида мазкур тилларнинг луғат жамғармаси ва тизимларини солиштиради ҳамда луғат бойлиги ва ўзига хослигини очиб беради.





ЁШ ТИББИЁТЧИЛАР УЧУН

Барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам чуқур ўзгаришлар, ислоҳотлар самараси рўёбга чиқмоқда. Бу борада эришилаётган ютуқлар пойдевори ушбу тизим бўйича берилаётган назарий билимлар самараси, десак муболаға бўлмас. Мазкур соҳадаги таълим муассасаларида ўқув қўлланмаларнинг имкон қадар етарли эканлиги талабаларнинг фанга чуқур ёндошишлари учун маълумот ва далиллар манбаидир.

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти томонидан А.Ғанихўжаева ва Ҳ.Назаровалар ҳаммуаллифлигида чоп этилган "Микробиология" деб номланган ўқув адабиёти тиббиёт коллежлари ва билим юртлари ўқувчилари учун мўлжаллангандир. Унда микробиология фани асослари, юқумли касалликларни қўзғатувчи микроорганизмлар, уларнинг эпидемиологияси ҳақида тушунчалар берилган. Мазкур китоб уч қисмга бўлинган бўлиб, "умумий микробиология", "хусусий микробиология" ҳамда "санитар микробиологияси" ҳақидаги маълумотлар батафсил ёритилган. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир мавзу ниҳоясида уни мукаммалаштириш мақсадида назорат учун саволлар берилган. Мавзулар фан нуқтаи назаридан далил ва асослар орқали очиб берилганлиги билан диққатга сазовордир.



Ўйлаймизки, мазкур қўлланма тиббиёт соҳасида таълим олаётган ўқувчилар учун ниҳоятда зарур.

Ғофур ЖАБИЕВ

АНОРГАНИК КИМЁДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси муаллифи республика танловига келиб тушган адабиётлар рўйхатида "Анорганик кимёдан амалий машғулотлар" ўқув қўлланмасининг мавжудлиги табиий ҳолдир. Чунки бу қўлланманинг муаллифлари таниқли кимёгар олимлар, тажрибали педагоглар бўлиб, улар ишлайдиган Тошкент фармацевтика институти анорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси 65 йиллик бой тарихга эгадир.

Китобга киритилган анорганик кимёдан тажрибалар, масалалар, машқлар ва назорат саволлари ҳар томонлама синовдан ўтган, текширилган, ниҳоятда ишончлидир.

Шуниси эътиборлики, қўлланма фармацевтика институти талабалари учун мўлжалланган бўлишига қарамай, ўзининг кенг қамровлилиги туфайли ўқув дастурларига ҳам мос келади. Зеро, бу китобдан республиканинг барча университетларида, тиббиёт институтлари ва технология соҳасидаги олий ўқув юртларида ҳам фойдаланилаётгани бежиз эмас.

Ўқув қўлланмаси икки қисмдан иборат. Биринчи қисм — умумий кимёга, иккинчи қисм эса кимёвий элементларга бағишланган.

Ўқув қўлланмаси равон тилда, содда, талабаларга тушунарли тарзда ёзилган. Назарий қисми билан амалий машғулотлар орасида узвий боғлиқлик мавжуд. Айниқса ҳар бир мавзудан сўнг саволлар, машқлар, кимёвий реакциялар берилганлиги фанни ўзлаштиришни осонлаштиради ва бу замонавий ўқув технологиясига мос келади.

Китобнинг ўзига хослиги умумий ва анорганик кимё ҳамда юқори курсларда ўқиладиган аналитик, физик, органик, биологик, коллоид кимёлар билан узвий боғлиқлиги ва уларни ўқитишга мустаҳкам замин яратилганлигидир.

Қўлланма охирида илова тарзида энг зарур маълумотлар келтирилганлиги, ўлчов бирликларининг халқаро стандартга мос тарзда берилганлиги китобнинг қийматини янада оширади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, муаллифларнинг бой тажрибаси, ҳозирги замон педагогик технологиясини ҳисобга олиб ёзилган "Анорганик кимёдан амалий машғулотлар" ўқув қўлланмасининг муаллифлари Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликлари ҳамда республика "Устоз" жамғармаси томонидан эълон қилинган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифлари" танловига тақдим этилгани айни муддаодир.

М.АСҚАРОВ,
ЎзФА ҳақиқий аъзоси,
кимё фанлари доктори,
профессор

БОЛАЖОНЛАРҒА СОВҒА

Сўнгги йилларда "Чўлпон" нашриётида болажонлар учун янги алифбода кўпгина ки-тоблар чоп этилмоқда. Ўқитувчи Асом Зиёматнинг янги китобчаси "Тонг қўйнида" деб номланибди. Бу тўпламда она Ватан, унинг гўзал табиати, қишлоқ болаларининг ҳаёти, орзу-интилишлари ўз аксини топган. Шеърлар содда, самимий, айни вақтда бола қалбига сирдошлиги билан эътиборни тортади.

Қуёш чиққач, шудрингдан
Хўлланибди ер;
Укам: "Ҳовли иссиқдан
Терлатибди-ку", — дер

"Кексалар" шеъри ҳам ибратлидир. Шоир тўрт бобони — тўрт китобга ўхшатади, негаки улар эртак-ҳикматга бой, шунинг учун уларни иззат-ҳурмат қилиш керак. "Онажоним гуллари", "Тонг", "Гулбаҳор", "Тойчоқ" шеърларида она-юрт манзаралари ёркин бўёқларда чизилади. "Сеҳрли булоқ" эртагида Сарвар отанинг бахт учун кураши акс этган. Айни саратон кунларида сувни тежаш, унинг томчисини ҳам беснобуд қилмаслик лозим, сув — мўъжиза эканини таъкидловчи ушбу эртак катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Тиниқлиги — кўк шиша.

Қайнаб тошар ҳамиша — бу булоқ сувини ичган нуроний 30 ёшли йигитдек, шижоатли бургутдек навқирон инсонга айланади. Аммо булоқ сувини ичган шоҳ ва малика ниятига етолмайди. Зеро, сув ҳам золимларни севмайди. Тўпламдан синфдан ташқари ўқиш дарсларида фойдаланиш мумкин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

"МАЪРИФАТ ҚАСРИ"ДА ИШЛАР ҚИЗҒИН

Бола ўсиб, улғайиб, маълум ёшга етгандан сўнг яна бир янги даргоҳга қадам қўяди. У ерда бутун бир миллат, юрт келажаги равнақ топади. Келгусидаги билимларга пойдевор ҳозирланадиган таълим даргоҳларини маърифат қасри десак-да арзийди. Ана шундай таълим муассасаларида янги ўқув йилига қандай ҳозирлик кўрилмоқда? Ана шу саволга жавоб топиш мақсади бизни Сирғали туманида жойлашган 284-мактаб сари етаклади. Мактаб ҳовлисига кирар эканмиз, у ерда бир-бирлари билан ҳазиллашиб, кўтаринки кайфият билан ишлаётган ўқувчилару, уларга бош-қош бўлиб турган ўқитувчиларга кўзингиз тушади. Мактаб директори Муқаддас Қодирқулова ҳам улар билан ҳамнафас бўлаяпти.

— Ота-оналарнинг ёрдами ҳамда "Қуёшдан ҳимоялаш" заводи билан ҳамкорликда мактаб тўла таъмирдан чиқарилди. Қишнинг қор-ёмғирли кунларида ўқитувчиларимиз синфларда дарс ўтишга қийналар эдилар, дейди у. Томдан чакка томиб, кўплаб жиҳозлар яроқсиз аҳволга келиб қолганди. "Қуёшдан ҳимоялаш" заводи ходимлари бизга бу борада катта ёрдам беришди. Мактаб томи қайта таъмирланди, ўқув йилига шай қилиб қўйилди.

Банк ва иқтисодиётга ихтисослашган мазкур мактабга бу йил 4 та ўзбек, 2 та рус жами 6 та синфга 170 нафар ўғил-қизлар 1-синфга қабул қилинадилар. Улар учун ўқув анжомлари — "Президент совға"лари ҳозирлаб қўйилган.

Дарвоқе, мактаб ўқувчилари ҳар йили республикамизда ўтказиладиган фан олимпиадалари, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этаётирлар. Чунончи, 2002 йилнинг май ойида бўлиб ўтган "Солиқ ҳақида нималарни биласиз?" кўрик-танловида мактабнинг 9 нафар ўқувчилари иштирок этишиб, республикада 2 ўринни эгалладилар. 8 нафар ўқувчилар эса туман фан олимпиадаларида совринли ўринларни олишди. Дарслик бола учун дастур, дейишади. Шу боис илм масканида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилаяпти. Қувонарлиси, бу йил 9-синфлар учун лотин алифбосида нашрдан чиқарилган 10 номдаги китоб-лар Халқ таълими вазирлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан ижарага берилади. Қолган 8 номдаги китобларни эса ота-оналарнинг ўзлари харид қиладилар. Хуллас, ушбу мактаб жамоаси янги ўқув йилини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олишаяпти.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

ҲАР ТИЛНИ БИЛУВ ӘМДИ

Fanimiz fidoiylari

Бирорта чет тилини биладиган одамга ҳавас қиламиз. Негаки, у юрт кўради, турли халқлар урф-одати, анъаналарини ўрганади, дўст орттиради, ўз юртига бўлган қизиқишни бошқа эл ва элатлар орасида ҳам ёяди.

Бухорода туғилган Олия Муқимова болалигиданоқ французлар ҳаётига, уларнинг тилига қизиқди ва мактабданоқ ўша тилни мукаммал ўрганишни бошлади. 1976 йилда эса мана шу қизиқиш уни Тошкент Давлат Университетининг (ҳозирги ЎзМУ) роман-герман (хорижий филология) факультетига етаклаб келди. Талаба Олияхон ўз устида тинимсиз ишлади, ўқиди, ўрганди. Устозларидан француз тили сир-асрорларини билиб олишдан эринмади. Француз тили бор жозибаси ва мафтункорлиги билан уни ўзига кўпроқ торта бошлади. Қўлига француз ва рус тиллари ўқитувчиси деган диплом олган О.Муқимова ишни Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Абу Али ибн Сино номли 1-мактабда бошлади. Ана ўша тиниб-тинчимас муаллима 1981 йили Афғонистондаги Муҳаммад Эътибор номидаги лицейда афғон болаларига француз тилидан дарс беришга сафарбар этилди. 1988-1990 йилларда эса опа француз тилини мукаммал билганлиги ва турмуш ўртоғининг меҳнат фаолияти Лаос Халқ демократик республикасига кўчганлиги сабабли, Лаосдаги элчихонада болаларга француз тилидан дарс берди.

—1993 йилда мен учун яна бир ёрқин саҳифа очилди - деб эслайди опа. — Ўша йили биринчи бор мен мустақил Ўзбекистоннинг вакили сифатида юртимизнинг Россия федерациясидаги элчихонасида ишлаб, Москва шаҳрида яшаётган ватандошларимизнинг фарзандларига ўзбек тилидан сабоқ бера бошладим. У ерда чет эллик ва МДҲ давлатлари вакиллари бўлган кишиларнинг болаларига ҳам ўзбек тилини ўргатиб, шогирдлар орттирганлигимдан беҳад шодман. 1997 йилда эса мустақил Ўзбекистоннинг 22 нафар зиёлиси қаторида бир ой мобайнида Франциянинг Рейн (Royan) шаҳри ўқув юртларида тажриба алмашиб, тил ўрганиш бўйича малака ошириб қайтдим. Ва у ерда кўрганларимни энди пойтахтдаги 186 - мактабда, дарс жараёнида қўлламоқдаман.

Юртимизда фаолият олиб бораётган Франция элчихонаси опанинг тиниб-тинчимаслигини, француз тилини тарғиб қилишини муносиб баҳолаб, у кишига қимматбаҳо совғалар, ноёб китоблар, Францияда чоп этилган дарсликлар тақдим этган.

Ҳар бир киши қандай ният қилса, албатта ўша ниятига етади. Фақат бунинг учун изланиш, меҳнат қилиш керак бўлади. Олия Муқимова ана шу ҳикматни англаган инсонлар сирасига киради.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ИЗЛАНГАН ИМКОН ТОПАДИ

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасида олдимизга қўйилаётган вазифаларни амалга оширишда, шубҳасиз, барча куч ва масъулият халқ таълими ходимлари зиммасига тушади. Бу борада Ғаллаорол тумани халқ таълими ходимлари давр талаби даражасида ишлаш учун нималар қилмоқда? Келгуси режалар қандай? Ғаллаорол туман халқ таълими бўлими мудираси Зебо Қосимова билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда.

— Ўтган ўқув йили якунларидан қониқиш ҳосил қиласизми ёки улгуролмай қолган ниятлар, режалар ҳам борми?

— Биласизми, бир сўз билан бу саволга "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бериш анча мушкул. Мушкул томони шундаки, қилинган ишлар бор, анчагина. Бу қилинган ишларни вақт ва давр мезони — тарозига солиб қарайдиган бўлсак, албатта, ҳали олдинда қилинажак ишлар ниҳоятда кўп эканлигини яна бир бор ҳис этамиз. Ана шу масъулият, қилинган ишдан унчалик ҳам қониқиш ҳосил қилмаслик елкамизга масъулият юкини ортиб, ҳамиша бедор ва сергак бўлишга ундайдиган ҳолат. Аслини олганда ҳам яхши ниятлар ва эзгу истаклар билан йўғрилган ишлар ўзининг чинакам жўшқин ва қизғин палласига кирмоқда.

Ўқув йили даврида дарс жараёнига янги технологияни кенг жорий қилишга асосий эътибор қаратилди. Бунинг учун ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, ижодкорлигини оширишга зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. 2572 нафар мураббийларимиз 32008 нафар ўқувчига давр талаби даражасида таълим-тарбия бериш учун бор маҳоратларини ишга солдилар. Уларнинг асосий қисми, яъни 74 фоизи олий маълумотли малакали педагоглардир.

Бугунги шиддаткор даврда фан оламида ҳар лаҳзада янгиликлар, ўзгаришлар рўй бермоқда. Давр билан ҳамоҳанг бўлиш, янгиликлардан ўз вақтида бохабар бўлиш ўқитувчининг бурчи. Бунинг учун биз педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эътиборни кучайтирмоқдамиз. Йил давомида педагог кадрларнинг билим даражаси ва кўрникмаларини ошириш мақсадида 446 нафар ўқитувчи ўз малакаларини оширдилар.

Туманимиздаги 82 та мактабда ўқув жараёни ўзбек тилида, 5 та мактабда икки тил—ўзбек ва рус тилида олиб борилаяпти. 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Ундаги 80 та гуруҳга спортнинг 6 тури бўйича 1264 нафар бола жалб этилган. Болалар ва ўсмирлар ижодий марказидаги 16 та тўгаракда 526 нафар бола машғулот олиб бормоқда.

-Ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш борасидаги ишларга ҳам тўхталсангиз?

- Жорий йилда педагогларнинг иш самарадорлигини оширишга,илғор тажрибаларни оммалаштиришга катта эътибор берилди. 10-мактабнинг биология ўқитувчиси Асқар Исмоилов, 22-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси С.Сафаров каби муррабийларимизнинг иш тажрибаси туман миқиёсида,58 нафар ўқитувчининг иш тажрибаси мактаб миқиёсида оммалаштирилди. Келгусида 20-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Лола Санаева, 43-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳалима Раҳимованинг иш тажрибасини вилоят миқёсида оммалаштириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, туманимиздаги 4, 10, 22, 25, 26, 42, 44, 56-мактабларда илғор тажриба базалари ташкил этилган. 16-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Ф.Мухторова, 25-мактабнинг география фани ўқитувчиси Г.Кўбаева ишлаётган мактаблар шу фанлардан вилоят бўйича "Олимпиада заҳиралари мактаби"га айлантирилган.

— Изланувчан педагогларнинг ўз малакасини ошириш йўлида олиб бораётган ибратли ишлари ва саъй ҳаракатлари амалда ўзининг қандай натижалари билан намоён бўлмоқда?

— Мактабларимизда 636 нафар ўқувчи айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ҳамда турли касб-ҳунар берувчи синфларда ўқийдилар. Турли йўналишлардаги 796 та фан тўгаракларига 16906 нафар ўқувчи мунтазам қатнайди. Бу каби тадбирлар албатта ўз самарасини бермоқда. 4-ўрта мактабнинг XI синф ўқувчиси Баҳодир Умаров рус тили ва адабиёти фани бўйича Ереван шаҳрида бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг халқаро олимпиадасида муваффақиятли иштирок этди. А.Икромов номли 44-мактаб жамоаси "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг республика босқичида фахрли 2-ўринни қўлга киритди. 58-мактаб ўқувчиси Лола Эсонова "Ижодкор ўқувчи" кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллади. "Замонавий дунё болалар нигоҳида" расмлар кўрик-танловининг вилоят босқичида 56-мактаб ўқувчилари ўқувчиси Шариф Жонзоқов муваффақиятли иштирок этди. "Ўзбекистон қўшиқ байрами" вилоят босқичида 56-мактаб ўқувчилари фольклор йўналиши, 22-мактаб ўқувчилари эса академик ижро йўналиши бўйича 1-ўринни олдилар. 3-лицейнинг 10-синф ўқувчиси Нодира Усмонова вилоят хокимининг стипендиатидир.

— Суҳбатимиз бошида ҳали қилинажак ишлар кўп, деганда нималарни назарда тутган эдингиз?

— Қаердаки астойдил изланиш, саъй-ҳаракат бўлса, у ерда озми-кўпми камчилик ҳам бўлиши мумкин ва бу табиий ҳол. Айниқса, таълим-тарбия жараёнида ҳамма ишни рисоладагидек қойилмақом қилдим деган киши кам топилади. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, туманимизда 89 нафар педагог кадр етишмас экан. Янги ўқув йилида олий ўқув юртини тугатган кадрларни ишга жалб қилиш орқали бу муаммони бартараф этиш имкониятимиз бор.

Ғаллаорол қадимги ва қўҳна ҳудудлардан бири. Туманда 25 та мактаб замонавий 62 таси мослаштирилган биноларда жойлашган. Албатта, бунинг маълум қийинчиликлари бор. Айрим мактабларнинг иситиш тизими мудатини ўтаб бўлган, қувурлари эски, таъмирлашга муҳтож. Илгари қурилган мактабларнинг томи сақич билан қопланган. Сақич ёзда эриб, қишда ёрилиб кетмоқда. Эндиликда уларни шифер билан ёпишга тўғри келади. Мактабларнинг компьютер синфлар билан таъминланиши 33 фоизни ташкил этади. Албатта, бу ҳам фан ва техника, информатика жадал ривожланаётган бир даврда камлик қилади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, мактабларимизни таъмирлаш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кейинги пайтда вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан катта эътибор берилмоқда. Деярли барча мактабларни таъмирлашга вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ҳомийлар бириктирилган. Шунинг учун ҳам туманимизда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ҳар йилгидан яхши ташкил этилди. Бу ишга ота-оналар, ҳомийларнинг жалб этилиши, ҳашарнинг кенг йўлга қўйилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мақсад битта — фарзандларимизга давр талаблари даражасида таълим-тарбия беришни изчил йўлга қўйишдир. Бунинг учун бизда имконият бор. Изланган имконият топади, деб бекор айтилмаган. Имконни эса инсон ўз ақл-заковати, меҳнати билан яратади.

А.СОДИҚОВ
суҳбатлашди

Суперкроссворд танловининг ушбу 4-босқичи соврини 5000 сўм !!!

"ТАХМИНА" СОВРИНЛИ СУПЕРКРОССВОРДИ



ЭНИГА: 1. Сонларни кўчирувчи металл чизғич. 5. Ҳар бирига ҳарф ёзилган тугмачаларни бармоқ билан уриб ёзадиган мослама. 9. Вояга етганлик, етуклик, камолот. 13. Олимпиада ўйинлари билан шуҳрат қозонган шаҳар. 17. Қишлоқ хўжалик техникаси. 21. Фол. 22. Сабзавот экини. 23. Унли товушлар билан сўзсиз ижро этиладиган овоз машқи. 24. Сув танқис жойларда уни сақлаш учун махсус қурилган гумбазли ҳовуз. 25. Бразилиялик юлдуз – футболчи. 26. Пардоз ашёси. 27. ... қайчи. 29. Ўзидан қайта ривожланиш хусусиятига эга бўлган тирик элемент. 32. Одамларнинг юлдузлар томон учиши ҳақидаги кўп асрлик орзуларини рўёбга чиқарган киши. 35. "Шоҳнома" достонидаги малика. 38. Картошкадан олинадиган қимматли озиқ модда. 41. Кўрсатиш олмоши. 42. Италянлар севиб танаввул қиладиган ун маҳсулоти. 43. Футбол жамоаларимиздан бири. 44. Отлиқ аскар, чавандоз. 45. Жанговар ҳаракат турларидан бири. 46. Пайванд тури. 47. Сўзлашув воситаси. 48. Лотин ҳарфи. 50. Мен (шева). 51. Арабларнинг Исломдан олдинги маъбудалари, бут. 53.Сувнинг ҳолати. 54. Қайишқоқ ва чўзилувчан қизил рангли металл. 56. Ҳақиқий, чинакам, чин. 57. Ҳаддан ташқари бўрттирилган ёлғон гап. 59. Натрий хлорид. 60. Қайғу, ғусса, алам. 62. Тошкентнинг қадимги номи. 63. Уйрўзғор буюми. 64. Йиғин, мажлис. 65. Авиценна. 66. Рақс куйи. 67. Азиз неъмат. 68. Кийим қисми. 70. Чидамли, сабрли. 73. Ўзбек уруғларидан бири. 76. Пешона. 79. Пўст, қобиқ. 82. Балиқ овланадиган асбоб. 83. Гавда, жусса, вужуд. 84. Йил (русча). 85. Олий мансабдор шахс (АҚШ). 86. Узунлик ўлчови. 87. Ука. 88. Италия пойтахти. 89. Сероб, тўкин. 90. Иш ҳақи, маош. 91. Қасам. 92. Дарё (Қозоғистон). 93. Тоғлар бобоси. 95. Ўқувчининг кундалик дафтарига қўйиладиган баллар. 97. Дилга ором берувчи, оромбахш. 99. Генерал лиссимус. 101. Қизлар исми (тожикча). 103. Актёр гавдалантирадиган образ. 104. Тиббиёт назарияси ва амалиётидаги асосий қоида. 105. Баландлик, дўнглик. 106. Енгил-елпи овқатланиш. 107. Сир қилувчи, афсунгар. 108. Садаф, мунчоқ. 109. Асал. 111. Бойқуш. 114. Қаттиқ тўлқинланган, пўртанали. 117. Бол йиғувчи ҳашорат. 120. Организмнинг ташқи ва ички муҳитдаги таъсиротларга кўрсатадиган жавоб реакцияси. 123. Ўзбек исмларига қўшиб айтиладиган сўз. 124. Тузли сув. 125. Кимёвий элемент. 126. Черков, ибодатхона. 127. Пластинкага ёзилган товушни қайта эшиттирувчи аппарат. 128. 1370-1507 йилларда Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган сулола. 129. Одам ҳаёти учун зарур бўлган суюқлик. 130. Етар, бўлди. 132. Бировни билдирмасдан чўчитиш. 133. Араб алифбосидаги ҳарф. 135. Экин экилмаётган ер. 136. Ҳайрон. 138. Жуфтнинг акси. 139. Кичик автобус русуми. 141. Кучли сув оқими. 142. Қушларга бериладиган озуқа. 144. Инкор. 145. Денгиз ақлли жонивори. 146. Сув бўлмаган жойдаги шартли таҳорат. 147. Бекнинг онаси. 148. Адолатли жамиятнинг асосий ғояларидан бири. 149. Дилдаги орзу, тилак. 150. Парранда. 152. Ўрта Осиё хонликларидаги амалдор. 155. Вакиллик ҳуқуқи. 158. Ўзига хос иқлимий ва табиий жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб турувчи катта географик ҳудуд. 161. Мукаммал, камолга етган ҳолат. 164. Уст кийимнинг икки ён этаги. 165. Безак, зийнат, оро. 166. Бошқариш мезанизми. 167. Кишининг бўй-басти, қомат. 168. Пардоз ашёси. 169. Тез ва енгил ҳаракат. 170. Махфий. 171. Хашак. 172. Араб алифбосидаги ҳарф. 173. Ярим. 174. Яшаб турган жой, ўлка, ватан. 175. Республикамиздаги энг катта тиражли газета. 177. Юқори мансаб эгаси, мансабдор. 179. Философия. 181. Балиқ кийими. 183. Косметика ашёси. 185. Чорёр. 186. Зўр руҳий ғалаён, қаттиқ ҳаяжон. 187. Қамарий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи. 188. Кўп ўринли йўловчилар автомобили. 189. Газ алангасида эритиб пайвандлаш. 190. Шаҳрисабзнинг қадимги номи. 191. Тамаки маҳсулоти. 193. Тегишли насибасидан маҳрум бўлган. 196. Ижобий хислат. 199. Йиртқич ҳайвон. 202. Қадди-қомати келишган, гўзал. 205. ... гонометрия. 206. Бирор нарсага муҳтожлик сезиш. 207. "Семурғ ёки ... ва Бунёд" (достон, эртак). 208. Векторнинг хоссаларидан бири. 209. Овқатни хушбўй ва хушхўр қилувчи ўсимликлар. 210. ТВ-1нинг муҳим кўрсатувларидан бири. 211. Хушбўй ва ниҳоятда майин кукун. 212. Ўзбек валютаси. 214. Ибн. 215. Табиий бойлик. 217. Ранг. 218. Чипор. 220. Оллоҳнинг тахти. 221. Ловия. 223. Саҳифа. 224. Пайғамбар. 226. ДАН (русча). 227. Ердаги ҳаёт тараққиётининг ўрта даври, эра. 228. Овқатга солиш учун ишлатиладиган кўкат ва сабзавот. 229. Исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқат. 230. Ким ўзди. 231. ...-туқ. 232. ... де Жанейро. 234. Мутлақо, бутунлай, тамомила. 237. Йилнинг маълум бир вақтларида вақти-вақти билан ташкил этиладиган савдо-сотиқ, бозор. 240. Ўзбекистон, "Қизил китоби"га киритилган балиқ. 243. Тик ўсадиган йирик терак. 246. Муғомбир, айёр. 247. Уят, шарм, ҳаё. 248. Оғзаки баён этилган шикоят. 249. Сўз туркуми. 250. Ўсимлик уруғидан олинадиган истеъмол маҳсулоти. 251. Эшитиш қобилияти суст. 252. "Йўқ" сон. 253. Қатор. 254. Оёқ (инглизча). 255. Ернинг айланиш даври. 256. Пўписа. 257. Гуруч билан таъминлайдиган деҳқон. 259. Энг аввал, илк. 261. "Маҳаллада дув-дув гап" фильмининг режиссёри. 263. "Янги йил"да совға улашадиган қария. 265. Ҳарбий-денгиз флотининг олий қўмондонлик унвони. 267. Мучал йили (форсча). 268. Таомларни мазали қилишда ишлатиладиган маҳсулот. 269. Ихтиро. 270. Оқ ранг, мовий. 271. Майл, қизиқиш. 272. Хурсанд. 273. Хитоб, нидо, ҳайқириқ. 275. Машина ва техникалар мутахассиси. 278. Сопол идишларга битиладиган безакгул. 281. Тўрт ғилдиракли катта соябон арава. 284. Бурж. 287. Ост. 288. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик достони. 289. Сочпопук. 290. Жуда содда ёғоч қулф. 291. 1613 - 1917 йилларда Россияда ҳукмронлик қилган сулола. 292. Атом таркибидаги зарра.

БЎЙИГА: 1. Амударё қирғоғидаги шаҳар ҳаробаси. 2. Ном. 3. Вақт бирлиги. 4. 19-аср охирларидаги Фарғона водийсидаги қўзғолон. 5. Муносиб, монанд, лойиқ. 6. Диний мазҳаб. 7. Тарнов. 8. Шарқ шаҳарларининг ҳукумати жойлашган ўрда. 9. Славянларга мансуб халқ. 10. Автобус русуми. 11. Ғам-...са. 12. Ўтмишга оид, қадимги. 13. Кир ювиш кукуни. 14. Билан. 15. Узоқ умр кўрган одам, кекса, қари. 16. Уловсиз, пиёда. 17. Зўрлик билан тортиб олмоқ, талон-тарож этмоқ. 18. Охир, тамом. 19. Асбобларга даста ўрнида ишлатиладиган дарахт. 20. Турли йўллар билан кенг суратда эълон бериш. 28. Табиий ёқилғиларни ҳавосиз қиздириб кимёвий қайта ишлаш жараёни. 29. "... ва Ҳамро" (достон). 30. Хурмо меваси таркибидаги кимёвий модда. 31. Кутилганга бутунлай зид. 32. Телескоп орқали осмонни биринчи бўлиб кузатган олим. 33. Буюк инглиз физиги, олим ва ихтирочи. 34. Мулозамат, лутф, эркалаш. 35. Пахта йиғим-теримида иштирок этувчи. 36. Ихтиёр, эрк. 37. ... Термизий (шоир ва хаттот). 38. Кафиллик, гарантия. 39. Тўтиқуш. 40. Мурод Муҳаммад Дўст асари. 41. Совға, тортиқ, туҳфа. 47. Ватанимиз пойтахти. 49. Содиқлик, вафодорлик. 50. Эмас (қисқартма). 52. Қуролярағнинг кескир қирраси, дами. 53. "... Ҳуснобод" (эртак). 55. Маъноси яқин сўзлар. 56. ...-бади. 58. Нашриёт. 59. Ўзбек шоири. 61. "... Калон" (обида). 69. Қўл тўпи. 70. Чармнинг бир тури. 71. Жилд. 72. ... Раҳим (ёзувчи). 73. Ёшлар ижтимоий ҳаракати. 74. Босиб ўтилган масофа. 75. Ичиладиган нарсалар. 76. Қатнов ёки сафар йўли. 77. Икки учи ўткир металл асбоб. 78. Йўлда кетаётган одам. 79. Новдасидан қоғоз, газлама, пойафзал тайёрланадиган ўсимлик. 80. Бир-бирига маҳкамлаб сувга оқизиладиган ходалар. 81. Хон давридаги сарой амалдори. 82. Осиёдаги давлат. 93. Мусиқа асбоби. 94. Жуда кам учрайдиган, ғалати. 95. ... лльянт (олмос). 96. Дераза қисми. 97. Ишнинг энг қизғин пайти. 98. Кениядаги шаҳар. 99. Девор (тожикча). 100. Оҳ-... 101. Доира қисми. 102. Рус ёзувчиси. 110. Чанқовбосди ичимлик. 111. Ўрта Осиёдаги энг кучли шамоллардан бири. 112. Пишмаган, хом. 113. Билимни аниқлаш усули. 114. Портловчи модда. 115. Сув билан тупроқ қоришмаси. 116. Сўз боши ассалом, иш боши... 117. Тонг чоғида, азонда. 118. От. 119. Ўч, қасос. 120. Бирор асар, илмий ишнинг қисқача ёзма мазмуни. 121. Миллат. 122. Наврўз таоми. 123... Абдураимов. 129. Қорақалпоқ халқ эпоси. 131. Техникадаги қуюқ мой. 132. Радиола. 134. Одам нерв системасининг марказий бўлими. 135. Эркин, баҳузур. 137. Бирор объектнинг ўрнини аниқлаш учун ишлатиладиган қурилма. 138. Кун ҳисобин ой олар, бедов ўрнин... олар. 140. Сурат солинадиган нарсанинг ранги, туси. 141. Тинч океанидаги архипелаг. 143. Текшириш, тафтиш. 151. Сурхондарёлик машҳур бахши. 152. Тек туришга нисбатан қарама-қарши ҳолат. 153. "Ҳа"нинг акси. 154. АҚШдаги штат. 155. Сўзида, ваъдасида қатъий турувчи, садоқатли. 156. Германия терма жамоаси дарвозабони. 157. Тартибсиз ўйин, шўхлик. 158. Суюқ таом. 159. Шоҳмот донаси. 160. Тригонометрик функция. 161. Ўйин-кулги, хурсандчилик билан давом этадиган шодиёна, маросим. 162. Сутканинг ёруғ қисми. 163. АҚШ автомобили. 164. Улуғлик, юксаклик. 175. Ташҳис. 176. Янгилик излаш, қидириш. 177. Катта ўғил. 178. "Рамаяна" қаҳрамони. 179. "Лайли ва Мажнун" достонининг муаллифи. 180. Товуш ва сўзнинг талаффуз этилиши. 181.Ўзига ва бирга бўлинадиган сон. 182. Башара, бет, юз. 183. Тўрт ғилдиракли кўчма уйча. 184. Босмахона. 192. Тошкент туманларидан бири. 193. Йўл-йўл нақшли пишиқ газлама. 194. Турмушга чиққан қизга ота-онаси берадиган мол-мулк. 195. Хоразмлик буюк ўзбек олими. 196. Фазони забт этувчи. 197. Акс, тескари. 198. Ёш жиҳатидан тенг бўлган кишилар. 199. Солнома. 200. Қора совуқ. 201. Қизи бор уй доимо... (мақол). 202. Ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан аниқлайдиган асбоб. 203. Антиқа, ажойиб. 204. Ўсимликлар дунёси. 205. **Ким кучук бирлан хўтикка**

Қанча қилса...
Ит бўлур, доғи эшак
Аслоки бўлмас одам.

(Алишер Навоий)

211. Кўтара савдо. 213. Таъми ёмон, бемаза. 214. Гап таъсир қилмайдиган, сурбет. 216. Авто русум. 217. Кузатувга нисбатан кўз илғайдиган ҳамма томон, атроф. 219. Қурол-аслаҳа омбори. 220. Одам... 222. Ялт. 223. Ҳиндистонда 322 йил ҳукмронлик қилган сулола. 225. Сурхон водийсида кўп истеъмол қилинадиган полиз экини. 233. Эрксевар халқлар орзуси. 234. Ассалому ... 235. Сатин (мато). 236. Тенги йўқ, мислсиз. 237. Сирпанчиқ, қорда учиш. 238. Тук, қил. 239. Машқларни ғоят эпчиллик ва моҳирлик билан ижро этувчи цирк артисти. 240. Деразаларга ойна солувчи уста. 241. Қирқ (буйруқ феъли). 242. Ғолибона. 243. Таркибида 90 фоиз сув бўлган мева. 244. Таъм, маза. 245. Сичқоннинг "ака"си. 246. Изланиш, ахтариш. 257. Ғолиб спортчи кўтариладиган супача. 258. Очиқ чеҳра ва илтифот. 259. Эътиқод. 260. Аъло баҳо. 261. Гул тури. 262. Жароҳатларнинг битишига, тўқималарнинг тикланишига ёрдам берадиган балзам. 263. "Ал-масжид ал-А.....". 264. Россия жамоатчилик телевидениеси. 265. Қадимги юнон файласуфи. 266. Чўғланма лампа ихтирочиси. 274. Баҳодир, паҳлавон. 275. Асалари ўзи ишлаб чиқариб, ўзига уя қурадиган модда. 276. Номаълум учар жисм. 277. Оз. 278. Муқаддас зот. 279. Мусиқа жанри. 280. Етакчи туя. 281. Қобилият, фаҳм-фаросат. 282. Тошкентдаги спорт иншоати. 283. Зах, ҳўл. 284. ...-Франциско (штат). 285. Бир лаҳза, бир дунё. 286. Сибизға. 287. Нав, хил.

Тузувчи: Абдумалик УСАНОВ, Бандихон туманидаги 18-ўрта мактаб математика фани ўқитувчиси

Nobel mukofoti sohiblari

АМЕРИКА ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ДОЯСИ

Азиз муштарий, бугун биз Нобель мукофоти соҳиблари тўғрисидаги ҳикояларимизни янги мавзу билан давом эттирмоқчимиз. Маълумингизким, "Маърифат" саҳифаларида ушбу ноёб мукофотга сазовор бўлган физика, кимё, тиббиёт ва физиология каби илмий соҳалар вакиллари, буюк кашфиёт ҳамда ихтиролар яратган олимлар билан таништириб ўтиш бахтига муяссар бўлган эдик. Энди навбатни инсон ҳаётида муҳим ўрин тутадиган иқтисодиёт соҳасига берамиз.

Агар ёдингизда бўлса, Нобель мукофоти тарихи тўғрисидаги ҳикояларимиздан бирида иқтисодиёт соҳасидаги мукофотлар Альфред Нобель ёзиб қолдирган васиятномада тилга олинмаганлигини 1969 йилдан бошлаб Швеция миллий банкининг 300 йиллиги муносабати билан шу банк раҳбариятининг Нобель жамғармасига қилган бир неча бор илтимосидан сўнг истисно тариқасида ташкил этилганлигини айтиб ўтган эдик. Шу соҳада бериладиган пул мукофотлари айнан бошқа соҳалардаги маблағ билан тенг миқдорда Швеция миллий банки томонидан ажратилади. Шунинг учун ҳам бу мукофотлар "Алфред Нобель хотира мукофоти" деб юритилади.

Кўплаб ривожланган давлатлар иқтисодиётининг юксалиши бир қатор кўзга кўринган иқтисодчи олимлар олиб борган назарий тадқиқотларнинг натижалари билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай ривожланган давлатлар қаторига мисол қилиб Америка Қўшма Штатларини келтириб ўтиш мумкин. Жаҳон халқларининг ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар юзага келишига сабабчи бўлган илғор фикрлар ўчоғи ҳисобланган бу мамлакатда иқтисод соҳасининг янгидан янги қирраларини очаётган буюк олимлар ўз илмий тадқиқотларини тинимсиз давом эттириб келмоқдалар. 1976 йили Нобель хотира мукофотига сазовор бўлган ана шундай олимлардан бири Милтон Фридмендир.

Америкалик иқтисодчи Милтон Фридмен Бруклин (Нью-Йорк)да туғилган. Фридмен жуда ёшлигида унинг оиласи Рахуэй шаҳрига (Нью-Жерси штати) кўчиб ўтишади. Унинг онаси Сара Этел галантерея дўконида меҳнат қилар, отаси Жено Саул Фридмен эса, умидсиз савдо операцияларида муваффақиятга эришиш учун ҳаракат қилар эди. Оила даромадлари кичик ва доимий бўлмаганлиги сабабли қийинчиликлар бўлса-да, улар оиласидаги муҳит илиқ ва дўстона эди. Фридмен ўн олти ёшлигида танлов бўйича, қисман стипендия олиш ҳуқуқи билан Рутгер университетига қабул қилинади. У 1932 йилда бирданига икки фан: иқтисод ва математика бўйича бакалавр унвонига сазовор бўлади. Университетда ўқиш мобайнида Фридмен икки ассистент: АҚШ Федерал заҳира тизимининг директори бўлган Артур Ф.Бернс ва фоиз ставкаси назарияси соҳасида кейинчалик жуда машҳур бўлган Гомер Жонсларнинг даврасига кириб олади. Айнан Жонсдан Фридмен иқтисод бўйича диплом иши ёзганлиги ва Чикаго университетида шу соҳада мутахассисликни давом эттириш учун тавсиянома олганлиги учун бир умр миннатдор бўлиб қолди.

Фридмен 1933 йилда Чикаго университетида магистрлик даражасини олганидан кейин Колумбия университетига (Нью-Йорк) аспирантлик стажировкасини ўташ учун келади. 1934 йилнинг охирида у Чикаго университетига тадқиқотчи-ассистент бўлиб қайтиб келади. Кейинги йили ёзда Фридмен Вашингтонда (Колумбия округи) АҚШ табиий ресурслари бўйича миллий қўмитаси учун истеъмол бюджетини тадқиқ этиш бўйича йирик лойиҳада қатнашади. Фридменнинг АҚШ Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси (ИТМБ) билан ҳамкорлиги у Саймон Кузнецга ёрдамчи бўлиб ишлаётган 1937 йилдан бошланди.

1940 йилда улар биргаликда "Мустақил хусусий амалиётдан олинадиган фойда" номли машҳур илмий асарини ёзиб тугатдилар. Натижада ушбу асар Фридменнинг 1946 йилда Колумбия университетида иқтисод бўйича фан доктори даражасини олишига асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу асарнинг хулосаларидан бири, врачларнинг даромадларини ошириш учун фақат чекланган имкониятлар хусусидаги фикрлар ИТМБда шунчалик эътирозларни келтириб чиқардики, натижада китобнинг нашр этилиши иккинчи жаҳон уруши тугагунча тўхтатиб қўйилди.

Фридмен самарали тадқиқотчи ва машҳур иқтисодчига айланди, ҳукумат ва академик институтлар томонидан ўтказиладиган муҳим тадқиқотларда иштирок этди. У Чикаго иқтисод мактабига раҳбарлик қилди. Унинг иқтисодий назария ва давлат сиёсатига доир айрим қарашлари тортишувли бўлиб келаётганлигига қарамасдан, у инглиз иқтисодчиси Жон Бартон айтганидек, "макроиқтисодиёт бўйича келгуси тадқиқотлар учун бизни фундамент (асос) билан таъминлади".

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Фридмен Федерал молия вазирлигининг топшириғи бўйича солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашди ва Вашингтонга келганидан фойдаланиб, ҳарбий статистика бўйича Колумбия университетида тадқиқотлар олиб борди. 1945-1946 йилларда Фридмен Миннесота университетида иқтисодиётдан дарс берди. Кейин Фридмен Чикаго университетига қайтиб, иқтисод бўйича ассистент-профессор бўлиб ишлай бошлади. Фридмен ИТМБ ёрдамида узоқ йилларга чўзилган монетар назария устида ишлай бошлади.

1950 йили Фридмен Жорж К.Маршалл томонидан ишлаб чиқилган "Маршалл режаси"ни амалга ошириш, яъни урушда вайрон бўлган Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодини тиклашни кўзда тутувчи режани амалга ошириш бўйича консультант сифатида Парижга келади ва "сузувчи" валюта курслари ғоясини фаол ҳимоя қилади. У Бреттон-Вуд келишуви билан қабул қилинган белгилаб қўйилган валюта курслари охирги оқибатда инқирозга юз тутишини олдиндан айтиб беради. Ҳақиқатан ҳам, унинг айтганлари 70-йилларнинг бошларида рўй берди. Унинг Европа давлатлари иқтисодиётининг назарий ва амалий муаммолари соҳасидаги билишлари Кембриж университети (Англия) профессори Фулбрант билан ҳамкорлиги натижасида янада ўсди. Фридмен С.Кузнец билан иш бошлаб, иқтисодчилар Дороти Брэди, Маргарет Рейд ва Роуз Директорлар билан яқин ҳамкорликда ўзининг "Истеъмолнинг доимий даромади" номли гипотезасини ифодалаб берди ва амалий тасдиғини топди. Фридмен ўзининг "Истеъмол функцияси назарияси" номли китобида жорий истеъмолни жорий даромад билан боғлайдиган Ж.Кейнс истеъмолини сўзсиз нотўғри натижага олиб келишини исботлади. Бунинг ўрнига Фридмен ўз назариясини илгари сурди. Унга кўра, истеъмолчи ўз истеъмолчилик ҳисоб-китобларини (вақтинчалари бундан мустасно) кутилаётган ёки доимий даромадга ишонган ҳолда жорий даромадга қараб режалаштирмайдилар. Лекин, доимий даромад ҳар доим ҳам аниқ-равшан бўлмайди, уни сўнгги пул тушумларини ўртачаси бўйича ҳисоблаш мумкин бўлади. Ушбу ўртача қийматни у "тақсимланган лаг" деб атади.

Фридмен истеъмолнинг қатор амалий маълумотларини тадқиқ эта бориб, у олинган натижалар унинг доимий даромад назариясига зид эмаслигини аниқлаб берди (80-йилларда Франко Модиляни Фридмен ёндошувларига ўхшаш бўлган муқобил истеъмол назариясини тақдим қилган. Бу назария ҳаёт цикли билан боғлиқ бўлган ва бир хил иқтисодий ҳолатни тушунтириб берган). Доимий даромад тўғрисидаги хулоса пулнинг сонли назарияси ифодасини асосли ўзгартириб, муҳим рол ўйнади. Фридмен ўзининг кейинги илмий ишларида Американинг бутун тарихи давомида пул талабининг ўзгариши доимий даромад соҳасидаги ўзгаришлар билан аниқланиб келинганлигини кўрсатади. Фридменнинг доимий даромад тўғрисидаги назариясининг аҳамиятини бошқача баҳолаш қийин. Ялпи истеъмолга доир кейинги тадқиқотларнинг катта қисми бу назарияни тасдиқлайди, келгусида прогноз қилинаётган даромадларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган методика ҳамма макроиқтисодчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, 60-70-йиллар мобайнида эконометрикадаги муҳим ютуқларга Фридменнинг статистик методи ёрдамида эришилди. Фридмен бу методдан айнан доимий даромадни баҳолаш учун фойдаланди.

Фридменнинг иқтисод тарихи бўйича мутахассис бўлган Анна Ж.Шварц билан ҳамкорликда ёзган "АҚШда пул тизимининг тарихи" номли китоби Фридмен назариясининг нафақат амалиётда, балки пул муомаласи тарихи соҳасида ҳам жуда муҳим эканлигини кўрсатди. Муаллифлар Америка революцияси давридан бошлаб пул муомаласи масалалари бўйича катта статистик материал тўпладилар ва пул массасининг давлат айланмасини инфляция жараёнларига ҳар томонлама таъсир этишини ҳужжатлар асосида исботлаб бердилар. Улар биргаликдаги асарларининг Буюк депрессияга бағишланган бобида Федерал заҳира тизимини АҚШ банк тизимида мос ликвидлик даражасини ушлаб тура олмаганликда айблади.

Ушбу бобда улар қуйидаги фикрни ифода этдилар: "Пул массасининг радикал қисқариши қанчалик фожиали бўлмасин, Кейнс ва унинг тарафдорларининг "муомаладаги пул миқдорини қисқариши банк тизимининг заифлигидир", деган фикрларига қарши монетар сиёсатнинг қудратлилигидан гувоҳлик беради". Фридмен ўз қарашларини ҳимоя қилган ҳолда, 1963 йилда иқтисодчи Дэвид Мейселмен билан ҳаммуаллифликда ёзган мақоласида Кейнс ва унинг издошларининг асосий ғоясини қаттиқ танқид остига олди. Унда номинал истеъмол харажатлари давлат бюджети харажатларининг алоҳида моддалари билан эмас, балки пул массаси ёрдамида аниқланиши кўрсатиб берилди. Бу фикр 80-йилларнинг пул муомаласи назариясининг асосини ташкил қилди.

Фридменнинг фикрича, "ҳамма гап шунда", чунки номинал даромадлар ўсишининг интенсивлигининг ўзгариши пул массаси ўсишининг ўзгаришларига кўпроқ боғлиқдир. Фридмен ва Мейселменларнинг қарашларига қарши неокейнсчилар томонидан қилинган жавоб танқиди монетар-фискал сиёсат масалалари бўйича 60-70-йиллардаги тортишувларнинг асосий йўналишларини акс эттирди. Лекин, натижада, Фридменнинг асосий таклифлари мақбул ва тўғри, деб тан олинди.

Фридменнинг монетар иқтисодиёт назарияси улар томонидан фойдаланилаётган иқтисодий методлар тўғрисида аниқ тасаввур беради. Унинг таъкидлашича, иқтисодий моделларни чиройли қурилганлигига қараб эмас, балки уларни реал иқтисодий натижаларни прогноз қила олишига қараб баҳолаш лозим. Бундан ташқари, ягона тенгламадан фойдаланишга асосланган, пул соҳасида рўй бераётган ҳодисаларнинг оддий моделлари кўплаб тенгламалар системасига асосланган Кейнс тарафдорлари томонидан таклиф этилаётган моделлардан анча афзалроқдир. Фридменнинг монетар доктринаси бир сабаб омили – пул массасини ҳаддан ташқари ажратиб кўрсатишига қарамай, амалда бўлган бошқа доктриналар ичида энг асосийси бўлиб чиқди.

Фридменнинг ютуқлари у ёки бу кўринишда Кейнснинг назарий қарашларини, камчиликларини таҳлил қилганлиги ва ишсизликнинг табиий ўсишини реалроқ ифода этадиган Филлинс эгри чизиғини таъсирчан танқид қилганлиги билан боғлиқдир.

Тадқиқ этилаётган ҳодисаларни танқидий таҳлили Фридменга иқтисодий сиёсатнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқишга, инфляция ўсган даврлар ва меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигининг қисқариш даврлари учун ишсизликнинг иқтисодий омилларини баҳолашга доимо таъсир кўрсатишига имкон берди.

Фридмен 1976 йилда "истеъмол, пул муомаласи тарихини таҳлил қилиш соҳасидаги ва монетар назарияни ишлаб чиқишдаги ютуқлари, шунингдек иқтисодий барқарорлаштириш сиёсатининг мураккаблигини амалда кўрсатганлиги учун" иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Фридмен 1971 йилда иш ҳақи ва нархлар даражаси устидан қаттиқ назорат ўрнатиш тўғрисидаги масалалар бўйича президент М.Никсон(гарчи у айрича қарашларга эга тарафдори бўлганлигига қарамай) нинг маслаҳатчиси сифатида тан олинди. Фридмен иқтисодий сиёсатга давлатнинг аралашмаслиги бўйича қарашларини баён этган мақолалари 1966 йилда "Нюсуик" ("News-week") журналида махсус рубрикада доимо эълон қилиб борилган, ва анча олдин нашрдан чиққан "Капитализм ва озодлик" ("Capitalism and Freedom", 1962) китоби сабабли кенг жамоатчиликка танилди. Унинг яна бир "Танлов эркинлиги" ("Free to Chose", 1980) китоби ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича улар томонидан телевидениеда ўтказиладиган суҳбатлар сериясига сабаб бўлди. Фридменнинг давлатнинг иқтисодиётга аралашиш даражасини пасайтириш, ҳарбий ёлланма хизматни йўлга қўйиш, "негатив даромад солиғи"дан (кам даромадли шахсларга бюджетдан тўловлар) фойдаланиш каби кўплаб таклифлари амалиётга жорий қилинди. Бошқа таклифлари – кейинчалик тўлаш шарти билан кафиллик асосида таълим олиш, ижтимоий ҳимояланганлик ва энг кам иш ҳақини белгилашдан воз кечиш каби таклифлари хозиргача сиёсатчилар томонидан жиддий эътирозларга учрамоқда. Фридмен ўзининг сиёсий рақиблари томонидан унга "консерватор" деган ёрлиқ ёпиштирилаётганлигига қарамай, иқтисод фанининг анъанавий консерватив қанотидан кўра, кўпроқ Адам Смит ва Жон Стюарт Миллнинг классик либерализмига яқинроқдир. Унинг айтишича: "Иқтисодий сиёсатдаги, айниқса тегишли маълумотлар етарли бўлмагандаги турлича ёндошувлар фундаментал тамойиллар ва тушунчаларнинг бир-бирига ўхшамаганлиги оқибати эмас, балки асосан кейинги иқтисодий ҳаракатларнинг ҳар хиллигидир". Фридменга Нобель мукофотини берилиши профессионал иқтисодчилар ва иқтисодиёт масалалари билан қизиқувчи шахслар томонидан қатор эътирозлар келтириб чиқарганлигига қарамасдан лауреатнинг назарий ва амалий тадқиқотлари тан олинди. Масалан, Пол Самюэлсон уни "иқтисод қилувчи иқтисодчи" деб атаган эди.

Фридмен 1977 йилда Чикаго университетидан қайтиб келгач, Станфорд университети қошидаги Гуверов институтида катта тадқиқотчи бўлиб ишлай бошлади. У бир неча йиллар давомида Америка иқтисодиёт ассоциациясининг (1967 йилда президенти бўлган) фаол аъзоси ҳисобланади.

Фридмен 1938 йилда касби иқтисодчи бўлган Роуз Директорга уйланган. Уларнинг танишуви Чикаго университетидаги биргаликда олиб борган тадқиқотлари билан боғлиқдир. Уларнинг ўғли ва қизи бор.

Милтон Фридмен Нобел мукофотидан ташқари Америка иқтисодиёт ассоциациясининг Жон Бейтс Кларк медалига (1951) ва кўплаб Америка ва хорижий университетлар ҳамда коллежларнинг фахрий илмий даражаларини олишга сазовор бўлган.

Абдумажид ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди,
Ҳосилжон РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 26

«Ўзбекистон» телеканали

Телетомошабинлар диққатига! "Ўзбекистон" телеканали 26 август куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 "Таҳлилнома".
15.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. **"Замонамиз қаҳрамонлари". "Пойдевор". Видеофильм. 2-қисм.**
Ёзги таътил кунларида "Болалар сайёраси":
16.40 1. "Улғайиш поғоналари". 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
17.40 "Шу азиз Ватан барчамизники".
18.00 ЯНГИЛИКЛАР
18.10 "Мусиқий танаффус".
18.20 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда - Наманган вилояти.
18.45 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот".
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. **"Шу азиз Ватан барчамизники".**
21.25 ТВ клип.
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. **"Замонамиз қаҳрамонлари". Пойдевор". Видеофильм премьераси. 3-қисм.**
22.30 "Ўзбекистон - Ватаним маним".
23.00 "Мовий уммон қаърида". Телесериал.
23.50 «Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.00 "Янги авлод" студияси: "Ким эгчил-у, ким чаққон?"
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 "Давр ҳафта ичида".
11.30 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
12.20 Давр-news.
12.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Самарқанд вилояти. Видеофильм.
13.10 Самарқанд наволари.
13.20 "Ғойибдан келган одам". Бадиий фильм.
14.50 Синфдош.
15.10 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
16.00 Саломат бўлинг.
16.20 "Ҳақиқат чегараси". Сериал.
17.00 "Янги авлод" почтаси.
17.15 "Денгиз итлари". Мультсериал. 6-қисм.
17.40 "Озод элим-ойдин йўлим" кўрик-танлови: Наманган вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
18.10 Спорт ҳафтаномаси.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Илдиз ва япроқ.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат қушиқлари.
20.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.15 "Эсмеральда".
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 "Давр". Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Гиннес-шоу".
17.40, 19.05, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 17-қисм.
18.15 "Камалак".
18.30, 20.00, 21.10 "Пойтахт".
18.50 "Авто-news".
19.20 "ТВ плюс".
19.40 "Мусиқий меҳмонхона".
20.30 ТТВда сериал: "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 Ҳаёт сабоқлари: "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". 22-қисм.
22.25 "Пойтахт шарҳи".
22.50 Кинонигоҳ. "Фландрия ити".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25–16.55
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 Махсус репортаж.
17.40 Софи Марсо ва Филип Нуаре "Д'артанъян қизи" фильмида.
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV
20.35 Кинематограф. "Куйлаётган аёл".
21.45 "Ахборот" (рус тилида)

Сешанба, 27

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Дўппи".
9.10 "Соғлом она - соғлом бола".
9.30 "Камалак".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Ҳиммат".
10.20 "Чинор остидаги дуэль". Бадиий фильм.
11.25 "Чегарачи".
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
13.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. "Замонамиз қаҳрамонлари". "Пойдевор". 3-қисм.
14.10 "Талабалик йилларим".
14.30 Кундузги сеанс: **"Қайсарнинг қуюлиши".**
16.10 "Шу азиз Ватан барчамизники".
Ёзги таътил кунларида "Болалар сайёраси":
16.30 "Қўшиғим - жон қўшиғим".
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Баркамол авлод орзуси".
18.30 "Инсон ва қонун".
18.50 "Олтин мерос".
19.05 "Тараққиёт йўли".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот".
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. **"Шу азиз Ватан барчамизники".**
21.25 Бир жуфт қўшиқ.
21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. "Замонамиз қаҳрамонлари" "Пойдевор". Видеофильм премьераси. 4-қисм.
22.30 "Сарҳад билмас дўстлик".
22.50 "Олам футболи".
23.10 "Ахборот - дайжест.

«Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" почтаси.
9.30 "Денгиз итлари". 6-қисм.
9.55 "Қадрият". 1-кўрсатув.
10.15 Ҳуқуқ ва бурч.
10.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 "Эсмеральда".
11.15 Болалар экрани: "Айиқча ва аждаҳо". Мультфильм.
12.25 "Озод юрт фарзандлари". Видеофильм.
12.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Сурхондарё вилояти.
13.25 Сурхон наволари.
13.35 Ёшлар овози.
13.55 Интерфутбол.
15.50 Илдиз ва япроқ.
16.25 "Янги авлод" студияси: "Хайр, оромгоҳ!", "Камолот" қунлари.
16.55 "Денгиз итлари". 7-қисм.
17.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.35 Ватан манзаралари.
17.55 Чемпион сирлари.
18.15 Умр дафтари: Турғун Алиматов. 1-қисм.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Қашқадарё вилояти. Видеофильм премьераси.
20.55 Ёшлик наволари.
21.15 "Эсмеральда".
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 Маслаҳат.
23.15 "Муҳаббат қаҳваси".
23.40 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: "Нокаут".
00.05 "Давр". Ахборот дастури.
00.20 "Ҳақиқат чегараси".

«Тошкент» телеканали

17.20 "Гиннес-шоу".
17.40, 19.05, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 18-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Спорт ва болалар".
19.20 "Туризм ҳақида".
19.50 "Жозиба".
20.30 "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 Ҳаёт сабоқлари: "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". 23-қисм.
22.50 Кинонигоҳ. "Кўза".
РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25–16.55
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар".
18.15 "Ҳазил кетидан ҳазил".
18.55 "Талабларга биноан тўхташ-2". Сериал.
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV
20.35 "Молдова". Хуж.фильм.
20.45 Кинематограф. "Муҳаббат мактуби". Бадиий фильм.
22.20 "Ахборот" (рус тилида)

Чоршанба, 28

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.35 «Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Қушлар".
9.15 "Нафосат гулшани".
9.40 "Сиҳат-саломатлик".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Биринчи рицарь". Бадиий фильм. 1-қисм.
11.30 "Тараққиёт йўли".
12.05 Болалар учун. "Фламинго".
12.30 "Сарҳад билмас дўстлик".
13.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. "Замонамиз қаҳрамонлари". "Пойдевор". 4-қисм.
14.10 "Сабогул". Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
14.30 "Остонаси тиллодан".
14.50 Кундузги сеанс: **"Биринчи рицарь". 2-қисм.**
15.50 "Баркамол авлод орзуси".
16.10 "Ягона оилада".
16.40 "Шу азиз Ватан барчамизники".
Ёзги таътил кунларида: "Болалар сайёраси":
17.00 1. "Сеҳрли ҳарфлар оролчаси". 2. "Болаликнинг мовий осмони".
18.10 "Бугуннинг одамлари".
18.30 "Қўшиғимиз сизга армуғон". Д. Раҳимова.
18.50 "Ҳунарманд".
19.10 "Мулк".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Юзма- юз".
20.30 «Ахборот".
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. **"Шу азиз Ватан барчамизники".**
21.35 "Шийпондаги учрашувлар". Наманган вилояти Уйчи тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
22.15 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси олдидан. "Парламент вақти".
22.35 "Ўзбек спорти одимлари".
23.00 "Ахборот -дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Хайр, оромгоҳ!", "Камолот" қунлари.
9.45 "Денгиз итлари". 7-қисм.
10.10 "Қадрият". 2-кўрсатув.
10.30 Давр-интервью.
10.45 "Эсмеральда".
11.15 "Озод элим-ойдин йўлим" кўрик-танлови: Наманган вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
11.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
12.00 "Ёр-ёр". Бадиий фильм.
13.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Қашқадарё вилояти.
13.40 Қашқадарё наволари.
13.50 Ёшлар овози.
14.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
14.50 Ватан манзаралари.
15.10 Болалар экрани: "Чипполино".
16.35 "Янги авлод" студияси: "Олтин калит".
16.50 "Денгиз итлари". 8-қисм.
17.15 "Оби ҳаёт".
17.30 Ракурс.
17.50 Умр дафтари: Турғун Алиматов. 2-қисм.
18.15 Ёшлар овози.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 Очил дастурхон.
20.00 Спортлото.
20.10 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Навоий вилояти.
20.50 Севги тароналари.
21.15 "Эсмеральда".
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Гиннес-шоу".
17.40, 19.10, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 19-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Хайрли оқшом".
19.25 "Камолот фасли".
19.50 "Эҳтиром ила".
20.30 "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 Ҳаёт сабоқлари: "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". 24-қисм.
22.50 Кинонигоҳ. "Совға".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25 – 16.55
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар".
18.20 Е.Петросяннинг "Кулгу панорамаси".
18.55 "Талабларга биноан тўхташ-2". Сериал.
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV
20.35 "Замин билан ҳамнафас".
20.50 Кинематограф. "Мери хоним". Бадиий фильм.
22.00 "Ахборот" (рус тилида)

Пайшанба, 29

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида "Болалар сайёраси".
9.00 1. "Сеҳрли ҳарфлар оролчаси". 2. "Болаликнинг мовий осмони".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мафусаил". Бадиий фильм.
12.05 "Мулк".
12.20 "Рангин дунё".
12.50 "Ўзбекистон ифтихорлари". Спорт дастури.
13.10 " Шийпондаги учрашувлар".
14.10 "Бугуннинг одамлари".
14.30 Кундузги сеанс**: "Маҳаллада дув-дув гап".**
15.50 "Қўшиғимиз сизга армуғон". Д. Раҳимова.
16.15 "Қироллиқдаги саргузаштлар". Мультсериал.
16.40 "Шу азиз Ватан барчамизники".
Ёзги таътил кунларида "Болалар сайёраси".
17.00 1. "Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман". 2. "Цирк, цирк, цирк".
18.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
18.30 "Яхши ният". Телелотерея.
19.05 "Соғлом она - соғлом бола".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот".
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида.
22.25 Санъат усталарининг концерти.
22.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. **"Шу азиз Ватан барчамизники".**
23.10 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Олтин калит".
9.30 "Денгиз итлари". 8-қисм.
9.55 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 "Эсмеральда".
10.40 "Оби-ҳаёт".
10.55 Спорт-китъаси
11.25 Чемпион сирлари
11.45 Ёшлар овози.
12.05 Ўбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Навоий вилояти.
12.45 Кўҳна замин оҳанглари.
12.55 Ракурс.
13.15 Интерфутбол.
14.55 Мультфильмлар.
15.50 "Озод юрт фарзандлари". Видеофильм.
16.20 "Хуш келибсиз!"
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 Ўйна, болажон, ўйна.
17.05 "Янги авлод" студияси: "Билағон маслаҳати".
17.20 "Денгиз итлари". 9-қисм.
17.45 "Умр дафтари": Турғун Алиматов. 3-қисм.
18.10 "Coskom" хабарлари.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 "Давр"-интервью.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Андижон вилояти.
20.45 "Ёр ишқи".
21.10 "Эсмеральда".
21.45 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфтубол

«Тошкент» телеканали

17.20 "Гиннес-шоу".
17.40, 19.20, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 20-қисм.
18.15 "Навниҳол".
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Умр йўлдоши".
19.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. "Тошкент ва тошкентликлар".
19.55 ТТВда мусиқа.
20.30 "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 Ҳаёт сабоқлари: "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". 25-қисм.
22.50 Кинонигоҳ. "Ғалатепалик авлиё".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25–16.55
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар". Сериал.
18.15 "Форс-мажор".
18.55 "Талабларга биноан тўхташ-2". Сериал.
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV
20.35 "Евроньюс" видеожурнали.
20.50 Кинематограф. "Анойи".
22.00 "Ахборот" (рус тилида)

Жума, 30

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: "Болалар сайёраси".
9.00 1. "Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман". 2. "Цирк, цирк, цирк".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Шерюрак". Бадиий фильм. 1-қисм.
11.30 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси.
12.05 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
12.25 "Ўзбек спорти одимлари".
12.50 Санъат усталарининг концерти.
13.15 "Олам". Телеальманах.
14.10 "Озод юрт одамлари". Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 Кундузги сеанс: **"Шерюрак". Бадиий фильм. 2-қисм.**
16.00 "Шу азиз Ватан барчамизники".
16.20 Эстрада тароналари.
Ёзги таътил кунларида "Болалар сайёраси".
16.50 1. "Ўйла, изла, топ". Телемусобақа. 2. "Қироллиқдаги саргузаштлар". Мультсериал.
18.10 "Тиббиёт одимлари".
18.25 "Куйла, ёшлигим".
18.45 "Орзулар қанотида".
19.05 "Ҳидоят сари".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Байрамингиз кўнгилли ўтсин!"
20.30 «Ахборот".
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида.
22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. **"Шу азиз Ватан барчамизники".**
22.35 Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова куйлайди.
23.20 "Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Билағон маслаҳати".
9.30 "Денгиз итлари". 9-қисм.
9.55 "Давр"-интервью.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 "Эсмеральда".
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Болалар экрани: "Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак".
12.25 "Озод юрт фарзандлари". Видеофильм.
12.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Андижон вилояти.
13.15 Андижон наволари.
13.25 Интерфутбол.
15.05 "Coskom" хабарлари.
15.15 "Қора ўқ". Бадиий фильм.
16.55 "Янги авлод" студияси: Қўшиқ бизларга ҳамроҳ.
17.15 "Денгиз итлари". 10-қисм.
17.40 Аср қиёфаси.
18.00 Аскар мактублари.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 "Давр"-репортаж.
19.55 "Сардор". Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
20.45 Кўҳна оҳанглар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Тошкент шаҳри.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 "Мафтунингман". Бадиий фильм.
00.10 "Давр".
00.25 "Ёшлар" телеканалида спорт: Ринг қироллари.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Гиннес-шоу".
17.40, 19.05, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. "Ёшлар худуди".
18.15 "Эл хизматида".
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Қўркам ўлкам".
19.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. "Саодат калити".
19.50 "Мусиқий лаҳзалар".
20.30 "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 Ҳаёт сабоқлари: "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". 26-қисм (якунловчи)
22.50 "Кинонигоҳ". "Келинлар қўзғолони".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25–16.55
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар". Сериал.
18.15 "Инсон ва қонун".
18.50 "Мўъжизалар майдони".
20.00 "Время".
20.35 А. Пугачева, Л. Вайкуле ва В. Леонтьев Р. Паулснинг концерт дастурида.
ЎзТВ–IV
22.15 Кинонинг олтин асри: "Спартак". Бадиий фильм. 1-қисм.
23.55 "Ахборот" (рус тилида)

Шанба, 31

«Ўзбекистон» телеканали
ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЕД ЭТИШ КУНИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Улуғ аждодларимизга эҳтиром: **"Ўзбектелефильм" намойиши: "Шаҳидлар хотираси".**
9.20 "Байрамингиз кўнгилли ўтсин!"
9.30 "Ўзбекистон Ватаним маним!"
9.55 "Ҳидоят сари".
Ёзги таътил кунларида "Болалар сайёраси".
10.15 "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
11.00 ТВ-1 кинотеатри: **"Яратганга шукур".**
12.40 "Ўзбекистон ифтихорлари". Спорт дастури.
13.00 "Кўҳна замин оҳанглари".
13.20 Мультфильм.
14.45 "Маърифат".
15.05 Шаҳидлар хотира майдонидан репортаж.
15.25 "Шу азиз Ватан барчамизники".
15.45"Суюнчи".Бадиий фильм.
17.00 "Миттивойлар оиласи".
17.20 Шаҳидлар хотира майдонидан репортаж.
17.40 "Талабалик йилларим".
Ёзги таътил кунларида "Болалар сайёраси".
18.00 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
19.00 "Ахборот" (рус тилида)
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж.
21.30 "Ахборот".
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига. "Шу азиз Ватан барчамизники".
22.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж
00.30 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

7.00 "Давр тонги".
8.00 "Янги авлод" студияси: "Дунё ва болалар".
8.15 Болалар клуби.
8.35 "Жасур чўпон бола". Мультфильм.
8.45 "Озод юрт фарзандлари". Видеофильм.
9.05 Ёшлар овози.
9.25 "Умрбоқий қушиқлар". Фильм-концерт.
9.55 Катағон қурбонларини ёд этиш куни: "Шамчироқ".
10.25 Энг азиз, энг муқаддас байрам муборак!
10.30 "Тилсимой-ғаройиб қизалоқ". Бадиий фильм.
11.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Тошкент шаҳри. Видеофильм.
12.35 Ёшлик қушиқлари.
12.50 Кутилмаган меҳмон.
13.10 "Остона". Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
14.05 Аскар мактублари.
14.25 "Остона". Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
15.15 "Энг азиз, энг муқаддас байрам муборак!"
15.20 "Озод юрт фарзандлари". Видеофильм.
15.40 "Янги авлод" студияси: "Келинг, танишайлик".
16.00 Бахтли болалик қўшиқлари.
16.15 "Жалолилддин Мангуберди". Мультфильм.
16.30 "Галабалар даври".
16.55 Ватан мадҳи.
17.05 "Ҳур диёр фарзандиман".
17.35 Оила тилсими.
18.00 Энг азиз, энг муқаддас байрам муборак!
18.05 "Парвоз". Видеофильм.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 Ҳур Ватан наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Ўзбекистон ёшлари.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.35 Ҳур Ватан наволари.
22.50 "Чимилдиқ". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 21-қисм.
17.40 "Жаҳон географияси".
18.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. "Мисли гавҳар".
19.00 "Пойтахт".
19.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж.
21.30 "Пойтахт".
22.00 Ҳаёт сабоқлари: "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси".
23.30 Кинонигоҳ. "Биринчи бўса".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
РЖТ
9.10 Е. Петросяннинг "Кулгу панорамаси".
9.45 "Лаззат".
ЎзТВ–IV
10.05 "CFI янгиликлари".
10.15 "Фан тайм".
10.25 Болалар соати: "Қизил шапкача". 1-қисм. Бадиий фильм.
11.30-12.30 Дўстлик видеоканали: "Сахий хонадонда", "Ўзбекистон-умумий уйимиз", "Бизнен мирас".
18.05 "Мусиқий серпантин".
18.50 "Нигоҳ".
19.10 "Менинг шаҳрим".
19.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига **бағишланган байрам тантанасидан репортаж.**
21.30 Кинематограф. "Водиллик келин". Бадиий фильм.
22.55 "Ахборот" (рус тилида)

Якшанба, 1

«Ўзбекистон» телеканали

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига бағишланган узлуксиз теледастур.
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!
"Ўзбекистон" телеканали 1 сентябрь куни сиз азиз телетомошабинларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган хилма-хил кўрсатувлар, клиплар, фильмларни томоша қилишга таклиф этади. Шу куни "Ассалом, Ўзбекистон!", "Таҳлилнома" дастурларининг байрам сонлари, бир неча қисмли "Асрга тенг йиллар" ҳужжатли фильми, вилоятлар билан телекўприклар, мустақиллик байрамларида ижро этилган энг сара қўшиқлар тарихи ва шу қўшиқларнинг ижроси, айнан, шу кун учун ёзиб олинган аския ва телеўйинлар, шоирларнинг озодлик мавзусидаги беллашувлари, машҳур достонимиз асосида суратга олинган "Алпомиш" бадиий фильми, фақат шу кунги марафон учун ёзиб олинган, сиз севган ҳофизларнинг янги қўшиқларидан ва чет эл мамлакатларининг элчилари, машҳур кишиларнинг табриклари, дил сўзларидан тузилган "Истиқлолим-истиқболим" мусиқий дастури ҳамда "Ҳамроҳ" видеофильмининг премьерасини томоша қиласиз.
Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азиз телетомошабинлар! Истиқлолимиз абадий бўлсин!

«Ёшлар» телеканали

7.00 "Давр тонги".
8.30 "Янги авлод" студияси: "Катта танаффус".
8.50 "Томоша қалдирғочлари".
9.20 Очил дастурхон.
9.40 Давр-интервью.
9.55 Ватан ҳақида қўшиқ.
10.00 Зинама-зина.
10.30 Маслаҳат.
11.45 Марди майдон.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Чемпион сирлари. Миржалол Қосимов.
13.00 Хандалак.
13.25 "Кўҳна замин оҳанглари". Маҳмуд Номозов куйлайди.
14.00 "Давр". Махсус сони.
14.15 "Остона". Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
15.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Бу менинг Ватаним" туркуми: Ўзбекистон ёшлари.
15.25 "Остона". Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
16.20 "Янги авлод" студияси: "Ўй вазифаси".
16.40 "Менинг университетим". Видеофильмининг премьераси. 1-қисм.
17.00 "Давр". Махсус сони.
17.15 "Менинг университетим". Видеофильмининг премьераси. 2-қисм.
17.45 Ёшлик наволари.
18.00 Синфдош.
18.30 "Ўзбеккино" туҳфаси: "Халқ сўзи-ҳақ сўз".
19.00 "Ниҳол-2002" мукофотларининг топшириш маросимидан ёзиб олинган мусиқий дастур.
20.25 Заковат.
21.45 Олтин мерос.
21.55 Иқлим.
22.00 "Давр". Ҳафта ичида.
22.30 "Жон ўзбегим элим". Озода Нурсаидова куйлайди.
23.00 "Кичкина табиб". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Болажонлар экрани". "Кузги қўнғироқлар".
18.55, 20.05, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
19.10 "Жаҳон географияси".
19.55 "Телефакт".
20.20 "Ҳамшаҳарлар".
20.40 "Спорт-клуб".
21.00 "Пойтахт шарҳи".
21.20 "Ташриф".
22.00 Кинонигоҳ. "Тўйлар муборак".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
РЖТ
9.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
9.30 "Ҳамма уйдалигида".
10.05 "Кайфият".
11.35 "Экран зийнати ва қиймати".
12.00 Болалар соати: "Қизил шапкача". 2-қисм.
13.10-14.10 "Дўстлик" видеоканали: "Дидар", "Маврид".
17.50 "Мюзик-холл".
18.15 "Фидойи". Бадиий фильм.
19.35 "Кулгу хонаси".
20.20 "Оддий репортаж".
20.30 Марлон Брандо "Доктор Моро ороли" фильмида.
22.25 "Олтин микрофон".
22.55 Кинематограф. "Серқуёш водий таронаси".
00.35 "Таҳлилнома".

ШАҲАР ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган "Футболимиз келажаги" турнири қизғин давом этмоқда. Куни кеча пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги А.Назаров номли маҳалласи ўйингоҳида 9-11 ёшли болалар ўртасида шаҳар босқичининг финал ўйини бўлиб ўтди. Юнусобод туманининг "Шодлик" ва Ҳамза туманининг И.Юнусов номли маҳалла жамоалари ўртасида кечган финал учрашувида юнусободлик болалар зафар қучдилар. Энди улар Қўқон шаҳрида бўладиган ўзбек футболининг 90 йиллиги юбилейида пойтахт шарафини ҳимоя қиладилар.

16 ЁШЛИ ШАХМАТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Шахмат бўйича бир неча бор мамлакат чемпионлигини қўлга киритган марҳум Александр Грушевский хотирасига бағишлаб кучли спортчиларимиз иштирокида республика турнири ўтказилди. Мазкур турнирда 16 ёшли ақл гимнастикачилари Антон Филиппов олтин медалини қўлга киритди.

МАҚСАД ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ЗАФАР ҚОЗОНИШ

Келаётган куз фаслида Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиш мақсадида мамлакатимиз ўсмирларининг терма жамоаси Эронда ўқув машғулот йиғинларини ўтказдилар. Эронлик тенгқурлари билан 2 марта ўртоқлик учрашуви ўтказган ҳамюртларимиз ҳозир ўз тажрибаларини янада такомиллаштириш мақсадида ҳаракат қилмоқдалар.

БОКСЧИДАН ЧИҚҚАН ОЛИМ

Мамлакатимиз "Чарм қўлқопи усталаридан" андижонлик Фарҳод Турдиевни биласизми? дея сўрасангиз, "тўқсонинчи йилларнинг энг кучли ёш боксчилардан бири", дея жавоб берадилар. Ҳа, у ўсмирлар ўртасида бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, собиқ иттифоқ чемпионатлари ва кубок мусобақалари совриндори бўлган. Спорт устаси Ф.Турдиев ўша йиллари собиқ Иттифоқ терма жамоасига аъзо ҳам эди.

1991 йил 18 ёшли Фарҳоднинг имкониятлари бугун жаҳонга машҳур андижонлик боксчиларникидан паст эмас эди. Хўш нега, у катта спортда кўринмай қолди?

Фарҳод Турдиев бошқа йўлни танлаганди. У Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаб, шу ерда аспирант бўлиб қолди. Етти йил давомида "Бокс тренерининг ясси қўлқопда (лапа) индивидуал дарс олиб бориши жараёнидаги махсус малакаларини шакллантириш" мавзусида тадқиқотлар олиб борди.

Яқинда Ф.Турдиев мазкур мавзудаги илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди ҳамда унга педагогика фанлари номзоди илмий унвони берилди.

— Мамалакатимизда минглаб ёшлар бокс билан шуғулланмоқдалар, - дейди ёш олим. Уларга юзлаб тренерлар устозлик қилишаётир. Бироқ бизда ҳалигача тренерлар учун услубий қўлланмалар йўқ. Тренерлар машғулотларда боксчи билан индивидуал ишлашда ясси қўлқоплар (лапа)дан фойдаланадилар. Тўғри, бу боксчини мусобақаларга шайлаш, маҳоратини оширишнинг энг мақбул йўли. Бироқ, унда қандай зарблар қай усулда берилиши, услубларнинг хиллари ва уларнинг тафсилотлари илмий асосда очиб берилмаган.

Мен жуда кўп тренерлар, мутахассислар, спортчилар билан суҳбатлашдим. Уларнинг ясси қўлқопда ишлашларини синчиклаб кузатдим. 500 дан зиёд комбинацияларнинг тафсилотларини қоғозга туширдим. Бунинг асосий аҳамияти шундаки, ёш тренерларга ясси қўлқопда ишлаш усулларини илмий асосда ўргатиш имкониятлари туғилади. Шу кунларда ушбу илмий ишни қўлланма сифатида чоп этишга киришилди. Бу қўлланма мустақил Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчилар тайёрлашда тренерларимиз учун ёрдам бўлади, деб ўйлайман.

О.СИДДИҚОВ

ХОТИРА ТУРНИРИ

Бухоро шаҳридаги "Семурғ" спорт мажмуасида Таэквондо асосчиси Чой Хо Хи хотирасига бағишлаб 200 нафар спортчи иштирокида турнир ўтказилди. Тил йўналишида Тошкент вилояти спортчилари биринчиликни эгаллаган бўлсалар, фарғоналикларга иккинчи, мезбонларга учинчи ўрин насиб этди. Массоги йўналиши бўйича эса Бухоро вилояти спортчилари ғолибликни қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида ҳам юқоридаги вилоятлар ўрни ўзгармади. Ғолибларга совринлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

ФУТБОЛИМИЗ ФАХРИЙЛАРИ

Жорий Қарияларни қадрлаш йилида мамлакатимиз футболи ташкил этилганига 90 йил тўлади. Шу боис, ҳозир бу борада жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, ўзбек футболи фахрийларидан иборат жамоа Фарғона вилоятида турли учрашувлар, кечалар ташкил этган бўлсалар, улар ҳозир Самарқанд вилоятида сафарда бўлиб турибдилар. Фахрийларимиз қадимий шаҳардан сўнг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрадилар ва мазкур вилоятларда ҳам учрашув ҳамда тадбирлар ўтказадилар.

АЗАМАТ АБДУРАИМОВНИНГ СЎНГГИ ЎЙИНИ

Ўзбек футболида Абдураимовлар сулоласининг ўзига хос ўрни борлигини мухлислар яхши билишади. Мана шу сулола вакили 36 ёшли Азамат Абдураимовнинг катта футболдан кетаётганлиги боис, сентябрь ойида унинг энг сўнгги учрашуви, катта футбол билан хайрлашув ўйини ташкил этилади.

Мазкур учрашувда Азаматнинг дўстлари М.Муҳаммадиев, А.Пятницкий, В.Кечинов ҳамда Х.Оганесянлар иштирок этиши кутилмоқда.

БЕКХЭМ ҲАЁТИДАН СЎЗЛОВЧИ КИТОБ

"Манчестер юнайтед" ярим

ҳимоячиси, 27 ёшли Дэвид Бекхэм "Harper Collins" нашриёти билан шартнома имзолади. Шартномага мувофиқ 2003 йилнинг куз фаслида нашриёт уйи Бекхэм ҳаётига бағишланган китобни чоп этиши керак. Ушбу янги китобда Дэвиднинг Англия жамоасидаги тутган ўрни, Аргентина терма жамоасига дарвозасига киритган энг чиройли пенал-тиси ҳақида ҳикоя қилинади.

ЛЬЮИС УЧТА ЖАНГ ЎТКАЗМОҚЧИ

Профессионал боксда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган англиялик чарм қўлқоп устаси Леннокс Льюис ўзининг катта рингдаги карьерасини тугатиш ниятида эмас. У келгусида 3 та жанг ўтказмоқчи. "Sport.ru"нинг ёзишича унинг мазкур жангларидан бири ака-ука Виталий ва Владимир Кличколарнинг бири билан, иккинчи учрашув 8 июнь куни рингдан ғалабасиз чиқиб кетган Майк Тайсон билан ва ниҳоят учинчиси эса IBF бўйича жаҳон чемпиони Крис Берд билан бўлиши кутилмоқда.

ДУРАНГ НАТИЖА

Москвадаги "Локомотив" ўйингоҳида Россия ва Швеция футбол терма жамоалари ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Франциялик Эрик Пуля ҳакамлик қилган ўйиннинг биринчи бўлимида ҳисоб очилмаган бўлса, иккинчи бўлимда эса биринчи бўлиб мезбонлардан Кержаков рақиблар дарвозасини ишғол этди. Сўнгра меҳмонлардан Иброҳимович 90-дақиқада ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди.

БРАЗИЛИЯ МУРАББИЙСИЗ ҚОЛМОҚДА

Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилган футбол ўйинларидан сўнг Бразилия терма жамоасининг бешинчи бор жаҳон чемпиони бўлишига сабабчи бўлган бош мураббий Луис Фелипе Сколари ўз хоҳиши билан терма жамоани тарк этишини билдирди. Бразилия футбол конфедерацияси эса янги мураббийни 2003 йил бошида эълон қилинишини айтди. Жамоа эса келаётган ноябрь ойида ўзининг ўртоқлик учрашувини ўтказиши керак.

"Интернет" хабарлари асосида тайёрланди.

ТУЗАТИШ

"Ma'rifat" газетасининг шу йил 21 август сони биринчи саҳифасидаги шу сонга тегишли рақам тузатилган ҳолда № 65 (7468) деб қабул қилинсин.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика ўқув-методика марказида 2002 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари — 03.09.2002 й. — 29.09.2002 й.

2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари — 03.09.2002 й. — 29.09.2002 й.

3. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари — 02.09.2002 й. — 21.09.2002 й.

Курс давомида тингловчиларга таниқли педагоглар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлари муаллифлари, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари, Ўзбекистон халқ шоирлари билан учрашувлар ҳамда "Темурийлар тарихи" Давлат музейи, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона ҳамда болалар хонаси (3—7 ёшгача) хизматда бўлади. Суткали ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

ЭСЛАТМА: *1. Ўқишга юборилади тингловчилар сафар гувоҳномасида кўрсатилган муддат (3 кун) ичида етиб келишлари шарт.*

2. Ўз муддатида келмаган ва тоифага мос бўлмаган тингловчиларни қайтарилганда сафар харажатлари тўланмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95,
Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.
Транспортлар: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси бекати.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 41-мактаб томонидан Джураев Нурбек номига 1999 йилда берилган O'R-A №622940 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Халқ таълими вазирлиги жамоаси Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети ректори, профессор Б.Қодировга рафиқаси
Ҳалимахон ҲОЖИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети раҳбарияти, жамоат ташкилотлари университет ректори, профессор Б.Қодировга рафиқаси
Ҳалимахон ҲОЖИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

"Маърифат" газетаси таҳрир ҳайъати Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети ректори, профессор Б.Қодировга рафиқаси
Ҳалимахон ҲОЖИЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Iqtidor sohiblari

ҚАШҚАР РУБОБИ ҚЎЛИГА ТУШСА...

Устоз. Унинг талабчанлиги, сенинг ҳақингдаги ғамхўрлиги, келажагинг, истиқболинг ҳақида ўйлаб, сенга у ёки бу илм асосларини пухта-пишиқ, ҳам амалий сингдириш маҳоратига эга инсондир. Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилда ишга тушган, жаҳонда энг гўзал, маҳобатли, замонавий миллий меъморчилик анъаналари мужассам Тошкент Давлат Консерваторияси доценти, Ҳасан Набиевнинг иқтидорли ёш рубобчиларни тайёрлашдаги хизматини ифодалаш учун, менимча, сўз қудрати ҳам ожизлик қилса керак.

Янги консерваториянинг ички кўринишини таърифлашга ожизман. Унда мусиқа асосларини чуқур эгаллашга барча шароитлар муҳайё.

Мана, консерваториянинг кичик, мухташам зали, оёқ остига оёқ товушини бартараф этувчи махсус замонавий палослар тўшалиб, унинг ранги, зал, мебеллар, юмшоқ ўриндиқларга уйғунлашиб кетгани ҳам тингловчилар, мухлислар кайфиятини ҳар қачонгидан ҳам кўтариши табиий.

Талабчан ҳайъат аъзолари ўз ўринларини эгаллайдилар:

Хизмат кўрсатган артист Эргаш Тошматов, доцент Аваз Мансуров (ректор муовини), Анвар Лутфуллаев (кафедра мудири), профессор Аҳмад Одилов, профессор Мурод Тошмуҳаммедовлар талабаларнинг магистратура йўналишидаги Давлат дастури бўйича топшираётган имтиҳонларини адолат юзасидан баҳолайдилар.

Ҳа, консерваторияда 200 та юқори малакали устозлар, 35 та профессор, 68 та доцент, 41 та катта ўқитувчилар иқтидор соҳибларига сабоқ бермоқдалар.

Магистратура йўналиши бўйича диплом дастури топшириш навбати доцент Ҳасан Набиевнинг шогирди Ўткур Мирзаахмедовга ҳам етиб келди. У қўлида қашқар рубоби билан чиқади. Роялда жўровоз Замирахон Солиева.

Оддий қашқар рубоби. Ҳаёлимда қашқар рубобидаги 5 та тордан 3 таси ипак, 2 таси сим торлардаги кичик ва кичик октавалардан қандай миллий мумтоз ва Оврупо операларидан парчалар ижро этиларкин, рубобдаги пардалар уларга мос келармикин, деган ўй.

Баланд бўйли, оқ-қорачадан келган, сочлари қисқа, бу ёш шогирднинг тимқора кўзларида ишонч туйғуси намоён бўлиб турибди.

Мана, қашқар рубобида роял жўровозлигида Замирахон Солиева ижросида концерт шундай маҳорат-ла ижро этилдики, Ўткурнинг узун, сирли бармоқлари, мусиқага муқояса, нозик гавда, қўл ҳаркатлари уйғунлашиб, тингловчи мухлисларга эстетик завқ бағишлади. Тингловчиларнинг зални ларзага келтирган қарсаклари Ўткур маҳоратига, санъатига берилган энг юқори баҳо рамзи эди. Устоз Ҳасан Набиев чеҳрасидаги табассумдан мамнунлик кайфиятини сезиш қийин эмас эди.

Иккинчи мумтоз миллий куй "Насрулло" чилдирмачи Абдужамил жўровозлигида ижро этилганда, залда ўтирган мухлислар-у, устозлар, ҳайъат аъзолари мусиқа сеҳридан хайратда қолдилар.

Ҳа, мафтункор оҳанглар, миллий мусиқага чанқоқ қалбларни хаёл денгизига ғарқ қилди. Қашқар рубобининг ҳар пардасида, торининг жаранглари да бир мўъжиза борлигига мумтоз мусиқамиз, мақомларимиз, куй-қўшиқларимиз нақадар сеҳрли, инсонларга маънавий кучқудрат, қувват бағишлашига яна бир иймон келтирдим.

Иқтидор соҳиби, магистр Ўткур Мирзаахмедовнинг маҳорати, айниқса, миллий мақом — "Таржи наво" ва "Кармен" операсидан парча ижро этилганда намоён бўлди. У билан учрашдиму, суҳбатга тортдим.

— Ўткуржон, авлодингизда санъаткор, созандалар борми, сир бўлмаса улар ким?

— Биласизми, бобомлар 46 йил республика "Глиэр" мусиқа мактабида рубоб бўйича ёшларга сабоқ бериб, 27 йил илмий бўлим мудири бўлиб ишлаганлар, ҳозирда эса фахрийлар. Менга рубоб тутқазган ҳам Бўрибой бувам бўладилар, устозим, доцент, А.Навоий номли Академик опера ва балет театри мусиқа раҳбари Ҳасан Набиев ҳам бобомларнинг шогирдларидандир. Мен улар билан ҳақли равишда фахрланаман.

— Оллоҳ омонликни берса, ҳам қашқар рубобида ижрочи, ҳам бобомнинг йўлларидан бориш, ниятим бор.

— Ўткурнинг қиёфасида моҳир санъаткор, ижрочи ва бўлажак профессор иқтидори кўринади.

У — тиришқоқ, рубоб қўлига тушса, ўзи яйраб кетади, у чалган куйдан эса, тинглаганлар мумдай эрийди, - дейди унинг устозлари.

Ҳа, биз қобилият, истеъдод, иқтидор соҳиби Ўткур Мирзаахмедовнинг олмос қиррали талантининг бир қирраси, ёлқини ҳақида баён қилдик, холос.

Унинг ҳали очилиб улгурмаган имкониятлари жуда кўп. Биз ёш ижрочига омад тилаб қоламиз.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
Халқ таълими фидойиси

Ko'ngil bitiklari

МУАЛЛИМ ДЎСТИМГА МАКТУБ

(Ўқитувчиларнинг август кенгаши қатнашчиларига)

Бугун кенгайгандай ложувард само,
Бугун безовтароқ урмоқда кўксим.
Август боғларининг оқ ранги аро,
Мен сени эсладим, муаллим дўстим.

Зангор кенгликларда камалаксимон,
Рангин ялтирайди кувончнинг ранги.
Руҳимни эркалар капалаксимон,
Таниш қўнғироқнинг шодон жаранги...

Дўстим, севгига эш одамзод насли.
Муҳаббат қуёшнинг тафтидан зиёд.
Бир бола кўнглини топмоқлик асли,
Номаълум сайёра кашфидан зиёд.

Истиқлол қушиғи янграр юракда,
Мустақил Ватаним музаффар, одил.
Мунаввар манзиллар эмас йироқда,
Шонли тўлқинларга интилгин дадил!

Азиз пешонангда тер кўрай ҳар он,
Тер-ки, марвариддай беғубор ва соф.
Агар собит турсанг ўрнингда, замон
Ўшал манглайингда олади тавоф.

Бугун кенгайгандай ложувард само,
Бугун безовтароқ урмоқда кўксим.
Август боғларининг оқ тонги аро,
Мен сени эсладим, муаллим дўстим!

Муҳаммадулуғ ТАНГОТАРОВ



ЎЗ МЕҲНАТИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ҚАДРЛАЙЛИК

Ёнғин - у қандай бўлишидан қатъий назар ҳамиша инсоннинг ёнида юради. Салгина эътиборсизлигимиз ёки эҳтиётсизлигимиз ўзимизга қимматга тушиши тайин. Шунинг учун ҳалқимиз бежизга "Ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра", дея Тангрига илтижо қилмайди. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида биргина Тошкент шаҳрининг Миробод туманида 72 та ёнғин содир бўлиб, у келтирган зарар 592934 сўмни ташкил этди. Энг ёмони ёнғин туфайли бир киши ҳаётдан бевақт кўз юмди ва уч киши жароҳат олди. Мазкур ёнғин ҳодисаларининг 22 таси давлат ва 13 таси одамларнинг шахсий уйларида, 3 таси ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамда қолган 34 таси эса турли хил бошқа масканларда содир бўлди.

2001 йилнинг август ойига қадар 81 та ёнғин кузатилган бўлиб, жорий йилнинг 7 ойи ичида бу рақам 9 тага камайгани қайсидир жиҳатдан қувонарли, албатта. Лекин, мутахассисларнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ўзимизнинг эҳтиётсизлик билан оловдан фойдаланишимиз, носоз ҳолдаги электр иситиш анжомларини ишлатишимиз ва сигарета чекишимиз асосий ҳолларда ёнғин хавфини келтириб чиқармоқда. Зеро, бугунги бозор иқтисоди шароитида пешона тери билан йиққан бисотимизни йўққа чиқармаслигимиз учун ҳамиша хавфсизлик қоидаларига амал қилишимиз, электр ва газ воситаларидан эҳтиёткорона фойдаланишимиз керак.

Ж.АСҚАРОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори
ички хизмат майори

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-729.
Тиражи 23789 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Камолиддин АЛИОХУНОВ,
Навбатчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-56-10.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вакти 20.00.
Топширилди – 23-20